

Тақийюддин Набахоний

**ИСЛОМДА
ИҚТИСОД
НИЗОМИ**

Иккинчи қисм

**ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН**

1426х - 2005м

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида *курсив* қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷺ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ - разияллоҳу анху/анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

Тақийюддин Набахоний. Исломда иқтисод низоми

Ўзбек тилидаги иккинчи нашри

Тузатилган олтинчи нашрдан таржима қилинди

1426 ҳижрий - 2005 милодий йил

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ اللّٰهُ الدّٰرَ الْآخِرَةَ وَلَا
تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنَ كَمَا
أَحْسَنَ اللّٰهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفُسَادَ فِي
الْأَرْضِ إِنَّ اللّٰهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ

– «Аллоҳ сенга ато этган молу
давлат билан охиратни истагин
ва дунёдан бўлган насибангни
унутма. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани
каби сен ҳам эҳсон қил. Ерда
бузғунчилик қилишга уринма,
чунки Аллоҳ бузғунчи-ларни
суймас». [28:77]

Мундарижа

Ширкат ҳукмлари	4
Исломдаги ширкат	4
Инон ширкати.....	6
Абдон ширкати.....	8
Музораба ширкати	9
Вужух ширкати	11
Муфоваза ширкати.....	12
Ширкатни бекор қилиш	13
Капиталистик ширкатлар	15
«Тўлик шериклик» ширкати	15
Ҳиссадорлик ширкатлари	16
Ҳиссадорлик ширкатининг акциялари	26
Кооператив жамиятлар	29
Суғурта	31
Мулк кўпайтиришнинг ман қилинган йўллари	37
Қимор.....	37
Судхўрлик	38
Ғабн	41
Савдодаги товламачилик	42
Эҳтикор (монополия)	45
Нарх белгилаш	47
Қариндошчилик ва нафақа тарзида сарфлаш тасарруфи ҳуқуқи	50
Камбағаллик.....	62
Умумий мулк	68
Давлат мулки	73
Национализация қилинган (умум халқ мулкига айлантирилган) мулк умумий мулк ҳам, давлат мулки ҳам эмас	74
Қўриқхона умум манфаатидандир	75
Корхоналар	78
Байтулмол	79
Байтулмолнинг қиримлари	79
Байтулмолнинг харажатлари	81
Давлат бюджети	82
Закот	84
Жизя.....	86
Хирож	88
Солиқлар.....	89

Бойликни одамлар ўртасида тақсимлаш	91
Жамиятдаги иқтисодий мувозанат	92
Олтин ва кумушни хазина қилишнинг тақиқланиши	94
Судхўрлик ва пул алмаштириш	100
Рибо (судхўрлик).....	101
Пул алмаштириш	105
Пул алмаштириш муомалалари	109
Пул	113
Олтин низоми.....	117
Олтин низомининг афзалликлари.....	117
Олтин низомининг муаммолари.....	119
Кумуш низоми.....	120
Маъданий пуллар.....	121
Қоғоз пуллар	121
Пул чиқариш	122
Алмашиниш баҳоси	125
Ташқи тижорат	132
Ташқи тижоратнинг воқеи	141
Савдо баланси	141
Давлатлар ўртасидаги пул муносабатлари.....	142
Ташқи тижорат сиёсати	142
Айирбошлаш эркинлиги	143
Тижоратга оид химояланиш	144
Миллий иқтисод.....	144
Автаркия сиёсати	146

ШИРКАТ ҲУКМЛАРИ

Ислолдаги ширкат

Ширкатнинг луғавий маъноси икки ёки ундан ортиқ улушнинг бир-биридан ажралмайдиган даражада аралашувидир. Шаръий маъноси эса икки ёки ундан ортиқ шахснинг фойда кўриш мақсадида бирон-бир молиявий ишни қилишга келишиб, тузган битимларидир. Бошқа битимлар каби ширкат битими ҳам тақлиф ва қабулни тақозо қилади. Яъни, бир тараф, фалон ишда сиз билан шерик бўлдим, деса, иккинчи тараф, қабул қилдим, розиман, дейди. Айнан шу лафз айтилиши шарт эмас. Гап - маънода. Яъни, тақлиф ва қабул бир тарафнинг нариги тарафга оғзаки ёки ёзма тарзда маълум бир нарсада шерик бўлишни тақлиф қилиши, иккинчи тарафнинг эса шу тақлифни қабул қилиши билан амалга ошади. Фақат шерик бўлишга келишишнинг ёки шерикчилик учун мол беришга келишишнинг ўзи ҳали битим ҳисобланмайди. Битим бир нарсада шерик бўлишнинг маъносини ўз ичига олиши шарт. Ширкат битимининг тўғри бўлиши учун битим тузилаётган нарса тасарруф бўлиши ва бу тасарруф ваколатни қабул қиладиган бўлиши шарт, токи тасарруфдан олинган фойда улар ўртасида муштарак бўлсин.

Ширкат жоиз амалдир. Чунки Пайғамбар ﷺ пайғамбар бўлиб юборилган пайтларида одамлар шу иш билан шуғулланардилар. У киши эътироз билдирмадилар. Эътироз билдирмаганлари, яъни тасдиқлаганлари ширкатнинг жоизлигига шаръий далилдир.

Бухорий Сулаймон ибн Абу Муслимдан ривоят қилади: «Абу Минҳолдан қўлма-қўл (нақд) пул алмаштириш хусусида сўраган эдим, у шундай деди: **Мен бир шеригим билан бир нарсани қўлма-қўл (нақд) ва насияга сотиб олдим. Шу пайт Барро ибн Озиб келиб қолди. Ундан бу ҳақда сўраган эдик, у мен ҳам шеригим Зайд ибн Арқам билан шундай иш қилиб, Пайғамбар ﷺ дан у ҳақда сўраганимизда,**

«مَا كَانَ يَدًا يَبِيدُ فَحُذُوهُ وَمَا كَانَ نَسِيئَةً فَرُدُّوهُ»

«Қўлма-қўл (нақд)ини олинганлар, насиясини қайтаринглар», деган эдилар, деди. Бу ҳадис мусулмонларнинг ширкат билан шуғулланганларини, Пайғамбар ﷺ нинг эса бунга эътироз билдирмаганларининг, тасдиқлаганларини кўрсатиб турибди. Абу

Довуд Абу Хурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ يَقُولُ أَنَا ثَالِثُ الشَّرِيكَيْنِ مَا لَمْ يَخُنْ أَحَدُهُمَا صَاحِبَهُ، فَإِذَا خَانَهُ خَرَجْتُ مِنْ بَيْنَهُمَا»

«Оллоҳ, модомики икки шерикнинг бири иккинчисига хиёнат қилмас экан, Мен уларнинг учинчисиман, агар хиёнат қилса, уларнинг орасидан чиқаман, дейди», дедилар.

Мусулмон мусулмон билан ҳам, зиммий зиммий билан ҳам, мусулмон зиммий, яъни насроний, мажусий ва бошқалар билан ҳам ширкат тузиши мумкин. Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади:

«عَامَلُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَهْلَ حَيْبَرَ - وَهُمْ يَهُودٌ - بِشَطْرِ مَا يَخْرُجُ مِنْهَا مِنْ ثَمَرٍ أَوْ زَعٍ»

«Пайғамбар ﷺ Хайбар аҳли билан (холбуки улар яҳудийлар эди) у ерлардан чиқадиган мева ёки экиннинг ярмига келишдилар».

«اشْتَرَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنْ يَهُودِيٍّ طَعَامًا وَرَهْنَةً دِرْعَةً»

«Пайғамбар ﷺ бир яҳудийдан қалқонларини гаровга қўйиб, таом сотиб олганлар». Бу ҳадисни Бухорий Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилган. Термизий ибн Аббосдан ривоят қилади:

«تُوفِيَ النَّبِيُّ ﷺ وَدِرْعُهُ مَرْهُونَةٌ بَعِشْرِينَ صَاعًا مِنْ طَعَامٍ أَخَذَهُ لِأَهْلِهِ»

«Пайғамбар ﷺ вафот қилганларида қалқонлари оилаларига олган йигирма соҳлик таом учун гаровда бўлган». Термизий Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَرْسَلَ إِلَى يَهُودِيٍّ يَطْلُبُ مِنْهُ تَوْبِينَ إِلَى الْمَيْسِرَةِ»

«Пайғамбар ﷺ бир яҳудийга одам юбориб, тўлашга қурби етганда бериш шarti билан ундан икки қўйлак сўратганлар». Шунга кўра, яҳудий, насроний каби зиммийлар билан ширкат тузиш жоиз. Чунки улар билан савдо қилишга рухсат этилган. Фақат зиммийлар мусулмон билан шериклик қилганларида арок, чўчка каби ҳаром нарсаларни сотишлари жоиз эмас. Шериклик қилишларидан аввалги арок, чўчка савдосидан олган даромадлари ширкат учун ҳалол бўлаверади. Тасарруфи жоиз бўлган нарсалардагина ширкат тузиш мумкин. Чунки у молнинг тасарруфи

учун тузилади. Тақиқланган нарсаларда ҳам, тасарруф қилиши мумкин бўлмаган кимса билан ҳам ширкат тузиб бўлмайди.

Ширкат икки хил бўлади: Мулк ширкати. Битим ширкати. Мулк ширкати - нарсанинг ўзига шерикчилик қилиш. Масалан, бир нарса икки кишига мерос қўйилади, сотилади ёки ҳадя қилинади. Улар шу нарсанда шерикдирлар. Битим ширкати мулкни қўпайтириш борасидаги баҳс мавзуси ҳисобланади. Ислондаги битим ширкатларини чуқур ўрганиб, уларга алоқадор шаръий ҳукмлар ва улар хусусида ворид бўлган шаръий далиллар яхшилаб кузатилганда, уларнинг беш хил экани аён бўлади. Улар қуйидагилардир: 1. Инон ширкати. 2. Тан ширкати. 3. Музораба ширкати. 4. Вужух ширкати. 5. Муфоваза (топшириш) ширкати. Энди уларнинг ҳукмларини қисқача баён этамиз:

Инон ширкати

Инон (тизгин) ширкатида икки шахс молларини ўртага қўйиб, фойда кўриш учун ҳар иккаласи биргаликда ҳаракат қилади. Икки отлик кетаётганида отларнинг тизгини баб-баробар бўлганидек, тасарруфда уларнинг ҳар иккиси баб-баробар бўлади. Шунинг учун ҳам у инон ширкати деб номланган. Бу ширкат суннат ва саҳобалар ижмоси билан жоиздир. Одамлар Пайғамбар ﷺ ва саҳобалар замонларидан бери у билан шуғулланиб келадилар.

Ширкатнинг бу турида дастмоя пулга айлантирилади. Чунки мол ва товарларнинг қиймати пул билан ўлчанади. Нарсаларда эса баҳоси белгиланиб, пулга чақилганидан кейингина ширкат тузиш мумкин бўлади. Дастмоянинг ўша заҳоти тасарруф қилиниши мумкин бўлган аниқ миқдорда бўлиши шарт қилинади. Ноаниқ дастмояга ҳам, йўқ молга ҳам, қарзга ҳам ширкат тузиб бўлмайди. Чунки ажрим пайтида дастмоя керак бўлади. Қарзни ўша заҳоти тасарруф қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, ширкатдан мақсад тасарруфдир. Ҳар икки молнинг миқдори ҳам, нави ҳам бир хил бўлиши шарт эмас. Фақат ҳар иккаласи ҳам бир хил ўлчов билан ўлчаниши керак. Токи битта молга айлансинлар. Миср пуллари билан ҳам, Сурия пуллари билан ҳам ширкат тузиш мумкин. Фақат ҳар иккиси ҳам бир хил пулга чақилиб, ўртадаги фарқ йўқолиши ва ҳар иккиси битта нарсага айланиши лозим. Чунки ширкат дастмояси бир шерикнинг моли иккинчисидан фарқ қилмайдиган даражада барчага баб-баробар битта мол бўлиши шарт. Мол ҳар икки шерикнинг ҳам қўлида бўлиши шарт. Инон ширкати ваколат ва омонат устига қурилади. Чунки улардан бирининг шеригига мол бериши унга омонат қўйиши ва тасарруф этишга ваколат беришидир. Ширкат тузилгач, мол битта нарсага айланиб,

шерикларнинг бевосита ўзлари ишлашлари вожиб бўлади. Негаки ширкат уларнинг танлари гарданига тушяпти. Шунга кўра улардан бири ўзининг ўрнига шикатдаги тасарруф учун бошқа бировни вакил қилиши дуруст эмас. Бутун бошли, яхлит ширкат эса хоҳлаган одамани ижарага олишга ҳам, хоҳлаган танни ижарачи қилиб ишлатишга ҳам ҳаққи бор. Ёлланган ижарачи шериклардан бири учун эмас, ширкат учун ишлайди.

Шерикларнинг ҳар бири ширкат учун фойдали, деб билган олди-сотдисини қилиш, пул ва сотилган товарни ушлаб туриш, қарзни талаб қилиш ва унга даъвогар бўлиш, пул жўнатиш ва жўнатилган пулни қабул қилиш, айбли товарни қайтариш, ширкат дастмосидан ижарага олиш ва ижарага бериш ҳуқуқларига эга. Чунки манфаатлар нарсалар мақомида бўлиб, олди-сотдига ўхшаш ишга айланади. Масалан, машинани (товарни) сотишга ҳам, сотилади деган товар сифатида ижарага беришга ҳам ҳаққи бор. Кўриб турибсизки, ширкатда унинг фойдаси унинг ўзи мақомида турибди. Ҳар икки шерикнинг моли бир хил бўлиши шарт эмас. Тасарруф баробар бўлиши шарт. Мол эса тенг бўлиши ҳам, оз, кўп бўлиши ҳам мумкин. Фойда эса келишилган шартга қараб бўлади. Фойдани тенг бўлишга ҳам, оз-кўп қилиб бўлишга ҳам шартлашиш жоиз. Али \square бу борада **«Фойда келишилган шартга қараб бўлади»**, дер эди. Бу гапни Абдурраззоқ «Жомеъ»да ривоят қилган. Инон ширкатида зиён фақат молнинг миқдорига қараб бўлади. Агар моллар тенг бўлса, зиён ҳам тенг бўлади. Уч киши учдан бири қилиб мол қўйган бўлса, зиён ҳам учдан бир бўлади. Агар бундан бошқачасига шартлашишган бўлса, у инobatга олинмайди. Зиён ҳақидаги ҳукмгина ижро қилинади. У зиённинг молга қараб тақсимланишидир. Чунки тан молини йўқотмайди, қилган меҳнатини йўқотади, холос. Зиён эса молнинг гарданида қолиб, шерикларнинг қўйган улушларига қараб тақсимланади. Негаки ширкат ваколатдир. Ваколатнинг ҳукми шуки, вакил кафилликни бўйнига олмайди. Зиён вакил қилувчининг молига тушади. Абдурраззоқ «Жомеъ»да ривоят қилишича, Али ﷺ : **«Зиён молга, фойда эса келишилган шартга қараб бўлади»**, деган.

Абдон ширкати

Абдон (тан) ширкати икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳеч қандай мол қўймасдан, танлари билан ақлий ёки жисмоний бўлишидан қатъий назар, муайян бир ишни қилиб, ундан топилган фойдада тирикчилик қилишларидир. Масалан, муҳандис, табиб, овчи, ҳаммол, дурадгор, ҳайдовчи каби касблар эгалари ишларидан келадиган даромадни ўртада бўлишиб оладилар. Касбларига

келишиб олиш, ҳамма аъзоларнинг касби бўлиши шарт қилинмайди. Бир неча хил касб эгаларининг ширкат тузиши ҳам жоиз. Чунки мубоҳ даромадда шерикчилик қилиш мумкин ишдир, ўзаро касбларда келишиб олиш ҳам дуруст. Агар маълум бир ишда ширкат тузиб, бирови мудирлик, бошқаси кассирлик, учинчиси қўл меҳнатини қилса ҳам жоиз. Шунга кўра бир корхона ишчиларининг шерикчилик қилишлари дуруст. Бунда ўша хунарни ҳаммаси биладими, бири билиб, бири билмайдими, фарқи йўқ. Корхонадаги хунармандлар, ишчилар, котиблар ва қоровулларнинг ҳаммаси шерикчилик қилишга ҳақлидирлар. Фақат фойда кўриш мақсадида шерикчилик қилинаётган иш мубоҳ амал бўлиши шарт. Ҳаром амал бўлса, ширкат жоиз бўлмайди.

Тан ширкатида фойда келишувга қараб тенг ҳам, оз, кўп ҳам бўлиши мумкин. Чунки фойда келтирувчи иш шерикларга ҳар хил тақсимланиши мумкин. Бўлганидан кейин ҳосил бўлган фойдани олиш ҳам ҳар хил бўлиши жоиздир. Уларнинг ҳар бири ижарачидан ижара ҳаққини, харидордан ўзлари ишлаб чиқарган товарнинг пулини талаб қилишга ҳақлидирлар. Ижарачи ёки харидор пулни ёки ижара ҳаққини улардан қайси бирига берса ҳам бўлаверади. Шериклардан бири ёлғиз ўзи иш қилса, кўрилган фойда ўртада бўлади. Чунки буюртма уларнинг ҳаммасига берилгандир. Ҳамма бир бўлгандан кейин худди зиён каби фойда ҳам ўртада бўлиши табиий. Шериклардан бири бошқа бировни ўзидан вакил қилиши, ижарага олиши мумкин эмас. Чунки битим унинг ўзига тузилган. Демак, ишнинг бевосита ўзи бажариши керак. Зеро, ширкатдаги шерик айнан унинг танидир. Шериклардан бири бир неча одамларни ёлласа, бу ёлланиш ширкат тарафидан ҳисобланиб, ёлланганлар ширкат учун ишлайдилар. Бу ишни шерикларнинг биттаси қилган бўлса ҳам, ўшандан ноиб, вакил ёки ёлланган, дейилмайди. Хуллас, ҳар бир шерикнинг тасарруфи ширкат тарафидан содир этилган тасарруф ҳисобланиб, бошқаларнинг ҳам вазифасига айланади.

Бундай ширкат шаръан жоиздир. Чунки Абу Довуд ва Асрам Абу Убайдадан, у эса отаси Абдуллоҳ ибн Масъуддан шундай ривоят қилади: **«Мен, Аммор ибн Ёсир ва Саҳд ибн Абу Ваққос Бадр жангидан олинадиган улуш борасида шерик бўлдик. Саҳд ибн Абу Ваққос иккита асирни олиб келди. Мен билан Аммор ҳеч нарса олиб келмадик».** Пайғамбар ﷺ бу ишга эътироз билдирмадилар. Аҳмад ибн Ҳанбал: **«Уларни бир-бирига Пайғамбар ﷺ шерик қилиб қўйган эдилар»**, дейди. Бу ҳадис бир неча саҳобаларнинг бир ишда - душман билан курашишда

шерикчилик қилиб, жангдан фойда кўрсалар, олган ўлжаларини ўзаро тақсимлаб олганларини очиқ кўрсатиб турибди. Ўлжалар борасидаги ҳукм бу ширкатга тўғри келмайди, деган гап бу ҳадисга зид эмас. Чунки ўлжалар ҳукми Бадр жангидан кейин нозил бўлган. Бу тан ширкати тузилган пайтда ўлжалар ҳукми мавжуд бўлмаган. Кейинроқ нозил бўлган, бу ҳукм бўлиб ўтган бу ширкатни насх қилмайди. Бу фақат ўлжа олувчиларнинг улушини белгилаб беради, холос. Тан ширкати ҳукми эса шу ҳадис билан ўз исботини топган бўлиб қолаверади.

Музораба ширкати

Музораба ширкати қироз, яъни тижорат учун кимгадир пул бериб туриш ҳам дейилади. У тан ва молнинг шерикчилик қилишидир. Батафсилроқ айтадиган бўлсак, бир киши бошқа бир кишига тижорат учун пул беради, чиққан фойда шартлашувга қараб тақсимланади. Музорабада зиён шерикларнинг келишувига эмас, шариатда ворид бўлган ҳужжатга қараб бўлади. Шариатда у фақат молнинг ўзига тушади. Музорабачи эса молиявий зиён кўрмайди. Ҳатто мол эгаси билан музорабачи - фойда ҳам, зиён ҳам ўртада, деб келишган бўлсалар ҳам, барибир, фойда ўртада бўлиб, зиён молнинг ўзига тушади. Чунки ширкат ваколатдир. Вакилнинг ҳукми эса унинг кафил бўлмаслигидир. Зиён вакил қилувчининг ўзига тушади, холос. Абдурраззоқ «Жомеъ»да ривоят қилишича, Алий □: **«Зиён молга, фойда эса келишувга қараб бўлади»**, деган. Зеро, тан молни йўқотмайди, у бор-йўғи қилган меҳнатини йўқотади. Шунга кўра, зиён молнинг гарданида қолаверади.

То мол музорабачига топширилиб, уни ўз ўрнига қўймагунига қадар музораба тўғри бўлмайди. Чунки музораба молни музорабачига топширишни такозо қилади. Унда музорабачилик улушини белгилаш ва музораба молининг миқдори аниқ бўлиши вожиб. Мол эгасининг музорабачи билан бирга ишлаши дуруст эмас. Шартлашилган тақдирда ҳам бу иш мумкин бўлмайди. Чунки у ширкатникига айланган молни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмас. Мол эгасининг ширкатни бошқаришга ҳам ҳаққи йўқ. Тасарруф қиладиган ҳам, ишлайдиган ҳам, молни ушлаб турадиган ҳам музорабачидир. Негаки ширкат битими музорабачининг тани, мол эгасининг эса моли устига қурилгандир. Мол эгасининг тани бунга аралашолмайди. Чунки битим унинг устига қурилмаган. У гўё ширкатдан четдаги одамдек туради. Ҳеч қандай тасарруфга эга бўлмайди. Ўз навбатида музорабачи мол эгасининг рухсати билангина тасарруф қилади. Унга қарши чиқиши мумкин эмас. Масалан, мол эгасининг фақат жун билан тижорат қилишга рухсат

беришга ёки товарни денгиз орқали олиб ўтишни тақиқлашга ҳаққи бор. Лекин бунинг маъноси ширкатни у бошқаради, дегани эмас. Музорабачи мол эгасининг изнидан чиқмаслиги керак, дегани, холос. Ширкатдаги тасарруф фақат музорабачиникидир, мол эгасига бу борада ҳеч қандай ваколат берилмайди.

Музорабада бир тараф фақат мол билан, иккинчи тараф эса ҳам мол, ҳам тан билан иштирок этиши мумкин. Масалан, икки кишининг уч минг пули бор. Бир минги бириники, икки минги иккинчисиникидир. Икки мингнинг эгаси бир мингнинг эгасига шу уч мингни тасарруф қилишга рухсат берса, фойда ўртада тенг бўлишга келишилса, ширкат тўғри бўлади. Бир мингнинг эгаси икки мингнинг эгасига музорабачи ва шерик бўлади. Шунингдек, музорабада икки кишининг моли учинчи кишининг тани билан шерикчилик қилиши мумкин.

Музораба шаръан жоиздир. Зеро, шундай ривоят қилинган: **«Аббос ибн Адулмутталиб музорабага пул бериб, музорабачига муайян шартларни кўярди. Бу хабар Пайғамбар ﷺ га етганида, уни маҳқулладилар».** Музорабанинг жоизлигига саҳобалар ҳам ижмо қилганлар. Ибн Абу Шайба Абдуллоҳ ибн Ҳамиддан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади: **«Умар ибн Хаттоб ؓ унга бир етимнинг молини музорабага берибди. У молни айлантириб, фойда кўрибди, даромадни тақсимлаб олибдилар».** Ибн Қудома «Муғний»да Молик ибн Аъло ибн Абдуррахмондан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, **Усмон унга қарзга пул берар экан.** Айтилишича, ибн Масъуд билан Ҳоким ибн Ҳизом ҳам **бир-бирларига қарзга пул бериб туришар экан.** Булар саҳобаларнинг кўз ўнгида бўлиб ўтган ишлар. Биронтасининг ҳам инкор қилгани, қарши чиққани хусусида ривоят йўқ. Шунга кўра бу иш уларнинг музораба жоизлиги хусусида ижмоларидир.

Вужух ширкати

Вужух ширкати (дастмойлари бўлмаса-да, ўз обрўлари ва ўзларига бошқаларнинг ишониши туфайли бошқалардан маблағ олиб шерик бўлиш)да икки тан бошқа учинчи одамнинг моли билан шерикчилик қилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, бир киши икки ёки ундан ортиқ одамга музорабага пул беради. Музорабачидан учинчининг моли билан фойдада шерик бўладилар. Фойда учга бўлиниб, икки шерикка ва мол эгасига учдан бирдан тегиши ҳам, тўртга бўлиниб, мол эгасига тўртдан бир, музорабачи шерикларнинг бирига ҳам тўртдан бир, яна бирига эса иккидан бир тегиши ҳам мумкин. Бундан бошқача тақсимотларга шартлашиши ҳам жоиз. Мана шундай топилиши мумкин бўлган шартлар билан

музорабачи шериклар ўртасида фойда олишда тафовут юзага келиши мумкин. Улушларининг оз ёки кўп бўлиши ишлаш маҳоратлари мол борасида улар эгалик қилаётган шаръий тасарруф битта бўлса-да, улушларининг оз-кўп бўлиши ишлаш маҳоратлари, усталик билан тасарруф қилишлари каби жиҳатларга қараб бўлади. Шунинг учун ҳам бу ширкат, аслида, музорабанинг бир тури бўлса-да, ундан ажралиб бошқа бир хил ширкатга айланган.

Вужух ширкатида шундай бўлиши ҳам мумкин: икки ёки ундан ортиқ одам дастмоялари бўлмаса-да, савдогарларнинг уларга бўлган ишончи ва шу ишончларидан келиб чиққан обрў-эътиборлари билан мол оладилар. Олган мулкларини ўзаро иккидан бир, учдан бир, тўртдан бир каби қисмларга бўлиб олишга шартлашадилар. Кейин уни сотадилар. Кўрилган фойда олган товарларига қараб эмас, ўзаро келишувларига қараб, иккидан бир, учдан, тўртдан бир каби тақсимланади. Зиён эса келишувларига ҳам, фойдага ҳам қараб эмас, олган товарларининг миқдорига қараб бўлади. Чунки бу товарлар уларнинг мулки мақомида туради. Бу ишда фойда олган товарларига қараб бўладими, бошқача бўладими, фарқи йўқ.

Вужух ширкатиининг айтиб ўтилган ҳар икки қисми ҳам жоиздир. Чунки улар икки киши учинчининг моли блан шерикчилик қилганида суннат ва ижмоъ билан собит бўлган музораба ширкати қабилидандир. Обрў-эътиборлари, савдогарларнинг уларга бўлган ишончлари орқали мол олишлари эса суннат билан собит бўлган тан ширкати жумласидандир. Демак, вужух ширкати суннат ва ижмоъ билан собитдир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу ердаги ишонччилик обрў ёки мартаба эмас, молиявий, яъни кишининг тўғрилигига, ҳалоллигига бўлган ишончдир. Чунки ишонч сўзи тижорат ва ширкат соҳасида ишлатилади. Унинг молиявий тарафи, яъни кишининг тўғрилиги ва ҳалоллиги назарда тутилади. Шунга кўра, кимки, ўта аслзода, обрўли бўлгани билан, тўғри, ҳалол бўлмаса, тижорат ва ширкатда у ишончли дейилмайди. Масалан, кимдир вазир, бадавлат, катта савдогар бўлгани билан, тўғри, ҳалол бўлмаса, уни молиявий тарафдан ишончли, деб бўлмайди. Чунки у бозордан пулини бермасдан ҳеч нарса ололмайди. Гоҳида ўта камбағал кишига ҳам тўғрилиги ва ҳалоллиги туфайли савдогарлар ишониб, пули бўлмаса-да товар берадилар. Шунга асосан, вужух ширкатидаги ишонччилик обрў-эътибормас, тўғрилик ва ҳалолликдир. Шунга кўра айрим ширкатларда рўй бераётган бирон-бир вазирни ҳеч қандай пул ёки ҳаракат сарфламасада жамиятдаги мартабасидан фойдаланиб, ширкатнинг муаммоларини осонлаштириш учун

шерик қилиб олиш ва унга фойдадан улуш ажратиш вужух ширкатига кирмайди. Исломдаги ширкат бундай қилишни ўзига сиғдиролмайди. Бундай шерикчилик мумкин ҳам эмас, бундай шахс шерик ҳам ҳисобланмайди. Унинг ширкатдан бирон нарсани олиши ҳалол бўлмайди ҳам.

Саудия ва Қувайт каби мамлакатларда агар одам саудиялик ёки қувайтлик бўлмаса, унга тижорат ёки бошқа ишга рухсат берилмайди. Натижада бирор саудиялик ёки қувайтликни ҳеч қандай пул ёки ҳаракат сарфламасалар ҳам шерик қилиб оладилар ва унга фойдадан улуш ажратадилар. Мақсад унинг номи орқали рухсат олишдир, холос. Фақат шунинг учунгина у фойдадан улуш олади. Бу иш ҳам вужух ширкатига кирмайди. Бундай қилиш шаръан жоиз эмас. Бу саудиялик ёки қувайтлик шерик ҳам ҳисобланмайди. Ширкатдан бирор нарса олиш унга ҳалол ҳам бўлмайди. Шаръан шерик ҳисобланиши учун унда шарият белгилаб қўйган шартлар, яъни мол ё тан ёки тижорий ишонч тўғрилиқ, ҳалоллик билан иштирок этилиши топилиши керак эди. Унда эса бу шартлар топилмаяпти.

Муфоваза ширкати

Муфоваза ширкатида шериклар ўтган ҳамма ширкатларда, яъни инон, тан, музораба ва вужух ширкатида шериклик қиладилар. Масалан, бир одам икки муҳандисга савдо-сотик мақсадида иморатлар қуришлари учун музорабага пул берди. Улар ўзларидагидан кўра пулни айлантирмоқчи бўлиб, савдогарларнинг уларга билдирган ишончидан фойдаланиб, пул бермасдан товар ола бошлашди. Икки муҳандиснинг танлари билан шерикчилик қилишлари тан ширкатидир. Касб-корлари ва мол қўйишлари, биргаликда ишлашлари эътибори билан инон ширкатидир. Бошқа бировдан музорабага пул олишлари музораба ширкатидир. Савдогарларнинг уларга берган ишончларидан фойдаланиб, бепул товар олишлари вужух ширкатидир. Бу ширкатда барча турдаги исломий ширкатлар тўпланяпти. Бу иш жоиздир. Чунки мазкур ширкатларнинг ҳар бири алоҳида жоиз бўлгач, ҳаммаси биргаликда бўлиши ҳам жоиздир. Фойда келишувга қараб бўлади. У қўйилган моллар миқдорига қараб ҳам, моллар оз-кўп бўлса-да, у тенг бўлиши ҳам, моллар тенг бўлса-да, у оз-кўп бўлиши ҳам мумкин.

Муфоваза ширкатининг шу тури жоиздир. Унга ҳужжат ворид бўлган. Айрим фақиҳлар айтган, икки киши молда ҳам, тасарруфда ҳам, иш ҳақида ҳам тенг шерик бўлиб, улардан ҳар бири иккинчисига батамом топшириши ҳам муфоваза ширкатининг бир

туридир, деган гапга келсак, бундай қилиш мутлақо жоиз эмас. Чунки унга шаръий далил ворид бўлмаган. Улар далил қилаётган

«إِذَا تَفَاوَضْتُمْ فَأَحْسِنُوا الْمَفَاوِضَةَ»

«Агар бир-бирингизга топширсангиз чиройли тарзда топшинг», ҳадиси ёки

«فَاوْضُوا فَإِنَّهُ أَعْظَمُ لِلْبَرَكَةِ»

«Бир-бирингизга топширинглар, чунки бу ишнинг баракаси улуғдир», деган ҳадиснинг далолати саҳиҳ деб фараз қилинган тақдирда ҳам маънолари уни англамайди. Негаки бундай ширкат ноаниқ мол ва ноаниқ ишга биноан тузилган ширкатдир. Уларнинг жоиз эмаслигига шунинг ўзи кифоядир. Бундан ташқари, мерос кўювчининг вафотидан кейин уларга ўтадиган мерос, деган гап ҳам бор. Улардан бири зиммий бўлса, қандай қилиб унга меросдан улуш ажратилади? Яна бир сабаб: Ширкат ваколат маъносини ўз ичига олади. Ноаниқ нарсага ваколат бериш эса жоиз эмас. Мана шулар муфоваза ширкатининг бу тури жоиз эмаслигига далилдир.

Ширкатни бекор қилиш

Ширкат шаръан жоиз битимдир. У шериклардан бирининг ўлими, ақлдан озиши, ишга яроқсиз бўлиб қолиши билан бекор бўлади. Агар ширкат икки кишидан таркиб топган бўлса, улардан бирининг бекор қилиши билан ҳам бекор бўлади. Чунки у жоиз битимдир. Худди ваколат каби шу билан ҳам бекор қилинаверади. Шериклардан бири вафот этиб, унинг балоғатга етган меросхўри бўлса, ширкатга қўшилиши мумкин. Нариги тасарруфдаги шерик унга рухсат беради. Унинг тақсимланишни талаб қилишга ҳам ҳаққи бор. Агар шериклардан бири битимни бекор қилмоқчи бўлса, нариги тараф рози бўлиши шарт. Бир неча шериклар бўлиб, фақат бир киши шерикликдан чиқмоқчи бўлса, тузилган ширкат бекор қилиниб, қолганлар қайтадан янги ширкат тузадилар. Битимни бекор қилишда музораба ширкатида фарқ бор. Музораба ширкатида музорабачи сотишни, мол эгаси эса тақсимлашни талаб қилса, музорабачининг талаби қондирилади. Чунки у музорабачининг фойдадаги ҳаққидир. Фойда эса фақатгина сотишда намоён бўлади. Бошқа ширкатларда биров тақсимлашни, иккинчиси сотишни талаб қилса, тақсимлаш талаби қондирилади.

КАПИТАЛИСТИК ШИРКАТЛАР

Капиталистик тузумда ширкат бир битим бўлиб, бу битим бўйича икки ёки кўпроқ шахс мол ёки ишдан ҳисса қўшиш орқали бирон молиявий лойиҳада иштирок этиш мажбуриятини оладилар. Бу битим ана шу лойиҳа келтирадиган фойда ёки зиёни ўзаро бўлишиш учун тузилади. Ширкат икки хил бўлиши мумкин: Шахсларнинг ўзи иштирок этишига асосланган ширкатлар ва фақат молдан ҳисса қўшиладиган ширкатлар.

Шахсларнинг ўзи иштирок этишига асосланган ширкатлар шахслардан таркиб топади. Ширкатда ҳам, улушларни белгилашда ҳам шахснинг таъсири бўлади. Бунга «тўлиқ шериклик» ширкати ва прокси (ишончнома, яъни айрим шериклари ишда фаол қатнашмайдиган механизм)га асосланган майда ширкатларни мисол қилиш мумкин. Фақат молдан ҳисса қўшиладиган ширкат эса бунинг аксидир. Чунки унда шахснинг эътибори ҳам, таъсири ҳам, вужуди ҳам бўлмайди. Шахс мутлақо олиб ташланиб, ширкатнинг тузилишида ҳам, иш юритишида ҳам ёлғиз молнинг ўзи қолади. Бунга хиссадорлик ширкатлари, акционерлик ишончнома ширкатларини мисол қилиш мумкин.

«Тўлиқ шериклик» ширкати

«Тўлиқ шериклик» ширкати икки ёки ундан ортиқ шахснинг махсус ном билан биргаликда савдогарлик қилишга келишиб тузган битимидир. Ширкатнинг қарзларини тўлаш мажбурияти ҳеч бир чекловсиз ўзаро кафиллик орқали барча аъзоларининг моллари гарданига тушади. Шунинг учун биронта шерик ўзининг ширкатдаги ҳуқуқини бошқа бировга қолган шерикларнинг рухсатисиз ўтказолмайди. Шериклардан бирининг ўлими, ишга яроқсиз бўлиб қолиши ёки банкрот (хонавайрон) бўлиши билан ширкат тарқаб кетади. Тарқамаслиги учун бу ишнинг олдини олувчи битим тузилган бўлиши керак. Ширкат аъзолари бошқалар билан тузилган шартномаларни бажаришда ўзаро бир-бирларига кафилдирлар. Бу борада уларнинг масъулияти чекланмайди. Чунки ҳар бир шерик ширкатнинг барча қарзларини ширкат молларидангина эмас, ўзининг молларидан ҳам тўлашга бурчли. Демак, ширкат қарзларини тўлашга етишмай қолган маблағни ўз моллари билан тўлдириб туриш шарт бўлади. Бу ширкат лойиҳани кенгайтиришга рухсат бермайди. У бир-бирини яхши танийдиган, бир-бирига ишонадиган оз сонли шахслардан таркиб топади. Ундаги асосий эътибор шерикнинг шахсиятига қаратилади. Бунда

унинг бир тан бўлишигагина эмас, балки жамиятдаги тутган ўрни ва таъсирига ҳам эътибор қаратилади.

Бу ширкат бузук ширкатдир. Унинг шартлари Исломдаги ширкатлар шартига тўғри келмайди. Чунки шаръий ҳукмда шерик борасида унинг тасарруф юрита олиши шарт қилинади, холос. Ширкат ўзининг ишларини кенгайтириши мумкин. Агар шериклар дастмояни оширибми, шерикларни кўпайтирибми, ширкатни кенгайтиришга келишсалар, бемалол, хоҳлаганларича тасарруф қилишлари мумкин. Чунки шерик бир шахс сифатида ширкатга кўшган улушига қараб масъул бўлади. У шерикларнинг розилигисиз ҳам хоҳлаган пайтида ширкатни тарк этиш ҳуқуқига эга. Шериклардан бирининг ўлими ёки ақлдан озиши билан ширкат тарқаб кетмайди. Бундай пайтда ширкат иккитадан кўп одамдан таркиб топган бўлса, ўша битта одамнинг шериклиги бекор қилиниб, қолганларнинг шериклиги ўз ўрнида қолаверади. Шаръий шартлар мана шулардир. «Тўлиқ шериклик» ширкатининг шартлари эса уларга тўғри келмайди. Аксинча, уларга қарама-қаршидир. Шунга кўра у бузук ширкат ҳисобланиб, шаръан жоиз эмасдир.

Ҳиссадорлик ширкатлари

Ҳиссадорлик ширкати кўпчилик танимайдиган шериклардан таркиб топган ширкатдир. Унинг асосчилари ширкатнинг бошланғич битимига имзо чеккан одамлардир. Чунки шу бошланғич битим унга имзо чекканларга муштарак мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди. Муштарак мақсад эса ширкатдир. Ширкатга аъзо бўлиш шахснинг ширкат лойиҳасидаги бир ёки ундан ортиқ акцияларни номинал қиймати баробарида сотиб олиш мажбуриятини ўз бўйнига олиш билан бўлади. Бу иш бир ёқлама хоҳиш-ирода билан тасарруф юритишнинг бир туридир. Яъни хоҳлаган одам бошқа шерикларнинг рози бўлиши ёки бўлмаслигига қарамасдан шерик бўлиш учун акцияларни сотиб олиши мумкин. Унга аъзо бўлиш икки йўл билан бўлади. Биринчиси - асосчилар ширкатнинг акцияларини кўпчиликка кўрсатиб ўтирмасдан, ўзаро бўлишиб оладилар. Бу иш ширкат иш юритишда таянадиган шартларни ўз ичига олувчи ширкатнинг низомий қонунини таҳрир қилиш, кейин унга асосчилар тарафидан имзо чекилиши билан амалга ошади. Қонунга имзо чеккан ҳар бир одам асосчи ва шерик ҳисобланади. Ҳамманинг имзо чекиши билан ширкат ташкил топади. Аъзо бўлишнинг иккинчи йўли эса оламда кенг тарқалгандир. Унда бир неча шахслар ширкатга асос солиб, низомини ишлаб чиқадилар-да,

акцияларни бевосита кўпчиликка таклиф этадилар. Шу билан умумий аъзо бўлиш бошланади. Аъзо бўлиш муддати тугагач, ширкатнинг таъсис йиғини чақирилади. У ширкат низомини тасдиқлаб, унга бошқарув кенгашини тайинлайди. Ҳар бир ҳиссадор акциясининг миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, гарчи битта акцияси бўлса ҳам, таъсис йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Аъзо бўлишнинг ёпилиш муддати келиши билан ширкат ўз ишини бошлайди.

Мазкур икки йўлнинг шакли бир хил, яъни мол беришдир. Биринчи йўл бўйича асосчиларнинг имзо чекишлари ниҳоясига етиши билан, иккинчи йўл бўйича эса аъзо бўлиш учун белгиланган муддат тугаши билан ширкат тузилган ҳисобланади. Демак, ширкат шахслар эмас, моллар ўртасида тузиляпти. Шахснинг ҳеч қандай эътибори бўлмаяпти. Шунинг учун ҳам акцияси ҳар қанча бўлмасин, шерикка ширкат ишларини бошқариш ҳуқуқи берилмаяпти. Унинг шерик сифатида бирон ишни юритишга ҳаққи йўқ. Ширкатнинг ишларини бошқарув кенгаши томонидан ваколат берилган директор бошқаради ва назорат қилади. Бошқарув кенгашининг ўзи умумий йиғин тарафидан сайланади. Унда ҳар бир шахс ўзининг шахсиятига эмас, қанча молга эгалигига қараб овозга эга бўлади. Чунки шерик шахс эмас, молдир. Қанча овозга эга бўлиши шу молга қараб белгиланади. Демак, ҳар бир шахс учун эмас, ҳар бир акция учун бир овоз белгиланади. Шунинг учун акциядорлик ширкатида акциядор шахснинг ҳеч қандай эътибори йўқ. Бор эътибор сармоёга қаратилади. Ҳиссадорлик ширкати доимийдир, шахсларнинг умри билан чекланмайди. Бир шерикнинг ўлими билан ширкат тарқаб кетмайди. Ақлдан озса-да ширкатда қолавериш ҳоллари ҳам учраб туради. Ширкатнинг сармоёси тенг қийматли ҳиссалар сонига қараб тақсимланиб, улар акциялар, деб номланади. Ҳиссадорнинг шахси чуқур ўрганилмайди. Унинг масъулияти дастмоёдаги ҳиссасига қараб чекланган бўлади. Шунинг учун шериклар олган акцияларига қараб зиён кўрадилар. Акцияни қўлма-қўл қилиш, яъни сотиш ёки бошқа биров билан бўлишиб олиш мумкин. Бунинг учун бошқа шериклардан рухсат олиш шарт эмас. Шахс эгалик қиладиган акциялар сармоёни ташкил қилувчи молиявий қоғозлардир. Улар бировнинг номига ёзилган бўлиши ҳам, ким кўтариб юрган бўлса ўшаники бўлиши ҳам мумкин. У бир шахснинг мулкидан иккинчи бир шахснинг мулкига айланаверади. Акцияларга ёзилаётган сармоёдор уларнинг номинал қийматини тўлайди, холос. Акцияни майдалаб бўлмайди. Чунки у сармоёнинг эмас, ширкат вужудининг бир қисмидир. Акция

қоғозлари унга аъзо бўлиш ҳужжати мақомида туради. Қиймати доим бир хил туравермайди. Ширкатнинг фойда-зиёнига қараб ўзгариб туради. Фойда-зиён ҳам ҳар йили бир хил бўлавермайди. Демак, акциялар ширкат таъсис этилган пайтда берилган сармояни эмас, балки савдо пайтидаги, яъни муайян вақтдаги сармояни акс эттиради. Акциялар бозоридаги нархлар худди қоғоз пулга ўхшаб гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб туради. Ширкат зиён кўрса, акциялар баҳоси тушиб кетади, фойда кўрса кўтарилиб кетади. Акция ширкат иш бошлаганидан кейин сармояликдан чиқиб, ўзининг муайян қийматига эга бўлган, бозорга, ширкатнинг фойда-зиёнига ёки одамларнинг қизиқиши-қизиқмаслигига қараб кўтарилиб-пасайиб турадиган молиявий қоғозга айланади. Демак, у таклиф ва талабга бўйсунувчи товардир. Акциялар одамлар орасида худди молиявий қоғозлар каби бир қўлдан иккинчисига кўчиб юради. Бунда акция уни кўтариб юрганники бўлса, ширкат дафтарига қайд қилиб ўтирилмайди. Агар акцияга ҳиссадорнинг исми ёзилган бўлса, ширкат дафтарига қайд қилиб қўйилади.

Йиллик ҳисоб-китоб пайтида ширкатнинг активларининг қиймати пасивлари (қарз ёки мажбуриятлари) қийматидан ортиб кетса ширкат фойда кўрган ҳисобланади. Фойдалар молиявий йил якунида ҳар йили тақсимланиб турилади. Ширкат ўзи фойда кўрмаган бўлса-да, лекин тасодифий шароитлар туфайли унинг активлари қиймати ортиб кетса, ортган қисмини бўлишиб олишга ҳеч қандай монелик бўлмайди. Энди агар бунинг акси юз берса, яъни ширкат активларининг қиймати пасайиб кетса, лекин ширкат фойда кўрса, бироқ бу фойдани активлар қийматига кўшганда ҳам пасивлар қийматидан ортмаса, фойдаларни тақсимлашга ҳеч ўрин қолмайди. Фойда тақсимланаётганда бир қисм фойда махсус захира учун ажратилиб, қолганлари ҳиссадорларга бўлиб берилади. Ширкат юридик шахс ҳисобланиб, маҳкамаларда ўз номи билан даъвогар бўлиш ва жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, унинг махсус турар жойи ва махсус фуқаролиги бўлади. Биронта ҳиссадор, биронта аъзо шерик ёки шахс сифатида унинг ўрнини босолмайди. Бу ишга фақат ширкат номи билан гапирувчи вакил ҳақлидир. Демак, тасарруф юритувчи шахс эмас, балки ширкатнинг ўзидир, яъни юридик шахсдир.

Акциядорлик ширкатининг воқелиги шундан иборат бўлиб, у шаръан ботил ширкат ҳисобланади. Акциядорлик ширкатини тузиш шаръан ҳаромдир. Мусулмоннинг бу ишни қилиши жоиз эмас. Унинг ҳаромлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Исломдаги ширкат таърифи икки ёки ундан ортиқ кишининг фойда кўриш мақсадида бирон бир молиявий иш қилишга келишиб тузган битимдир. Шундан кўриниб турибдики, у икки ёки ундан ортиқ одам ўртасидаги битимдир. Шундай бўлгач, бир тарафлама розилик беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Розилик, келишув ҳар икки тарафдан ёки кўпчилик тарафидан бўлиши шарт. Битим фойда кўриш мақсадида молиявий иш қилишга қаратилиши лозим. Мол бериб қўйишнинг ўзига қаратилиши дуруст эмас. Мақсад иштирок этишнинг ўзигина бўлиши кифоя қилмайди. Чунки молиявий иш қилиш ширкат битимининг асосидир. Молиявий иш ё битим тузувчиларнинг ҳар иккиси тарафидан бажарилади ёки улардан бири бажаради, иккинчиси эса мол беради, холос. Улар ўртасидаги битим учинчи бир кишининг молиявий иш қилиши билан ҳосил бўлмайди. Чунки бу вақтда у битим ҳисобланмайди ва ҳеч кимнинг устига уни бажариш мажбурияти юкланмайди. Зеро, битимни бажариш мажбурияти уни тузган киши устига юкланади. Шунга кўра, молиявий ишни фақат битим тузувчиларнинг ўзлари қилишлари шарт. Бу ишни ё ҳар иккиси қилади, ё бири қилиб иккинчиси мол беради. Ширкат тузилиши учун молиявий ишни битим тузувчилардан бирининг қилиши шартлиги ширкатда битимни бажариш мажбурияти жорий қилинадиган тан албатта бўлиши шартлигини кўрсатади. Демак, Исломдаги ширкатда тан бўлиши шарт. Чунки у ширкат тузилишининг асосий унсури (элементи)дир. Тан бўлса ширкат тузилади, бўлмаса тузилмайди ва умуман бўлмайди.

Капиталистлар ҳиссадорлик ширкатини икки ёки ундан ортиқ шахс молдан улуш қўшиш орқали бирон молиявий лойиҳада - ундан келиб чиқадиган фойда ёки зиённи бўлишиб олишлари учун - шерик бўлиш мажбуриятини олишадиган битим, деб таърифлашади. Шу таъриф ва ширкатнинг юқорида айтиб ўтилган икки йўл билан таъсис этилиши воқесидан келиб чиқиладиган бўлса, унинг Исломий шариат ҳукмлари асосида икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида тузилган битим эмаслиги аён бўлади. Чунки битим шаръан икки ёки ундан ортиқ шахс-тараф ўртасидаги таклиф ва қабулдир. Батафсилроқ айтадиган бўлсак, битимда икки тараф бўлиб, улардан бири битимни таклиф этиши, иккинчиси эса қабул қилиши керак бўлади. Масалан, биринчи тараф, сенга уйландим, сенга сотдим, сенга ижарага бердим, сен билан шерик бўлдим, сенга ҳадя қилдим каби таклифларни айтса, иккинчи тараф қабул қилдим ёки рози бўлдим каби жавобни айтиши лозим. Агар битимда икки тараф ёки таклиф ва қабул мавжуд бўлмаса, у шаръан битим

ҳисобланмайди. Ҳиссадорлик ширкатида эса асосчилар шерикчилик шартларига келишадилар, бироқ келишув пайтида шерикчиликни амалда йўлга қўймайдилар. Балки шартларни келишиб олиш борасида ўзаро музокара олиб борадилар, холос. Кейин эса ширкат низоми ҳисобланадиган акт (ҳужжат) тузадилар. Шундан кейин шерикчилик қилмоқчи бўлган ҳар бир одам актга имзо чекади. Шу имзо чекишнинг ўзи унинг қабул қилинганлиги ҳисобидадир. Шу ондаёқ у таъсис этувчи ва шерик, деб эътибор қилинади, яъни имзо чеккан ёки аъзо бўлиш муддати тугаган пайтдан бошлаб шерикка айланади. Кўрииб турибдики, бу ишда битимни биргаликда тузаётган икки тараф ҳам, таклиф ва қабул ҳам бўлаётгани йўқ. Фақат бир тараф шартларга рози бўлиб, шерикка айланяпти, холос. Демак, ҳиссадорлик ширкати икки киши ўртасидаги битим эмас, бир шахснинг шартларга рози бўлишидир, холос. Шунинг учун ҳам капиталистик иқтисод олимлари ва Ғарб қонуншунослари бу ҳақда сўз юритиб, ҳиссадорлик ширкатидаги мажбурият бир тарафлама хоҳиш-ирода билан тасарруф этишнинг бир туридир, деганлар. Бир тарафлама хоҳиш-ирода дегани бир шахснинг ўзича бир ишни бошқа бир шахс ёки кўпчилик учун - уларнинг рози бўлиши ёхуд бўлмаслигидан қатъий назар - мажбурият қилиб олишидир. Масалан, мукофот ваъда қилади. Улардаги ҳиссадорлик ширкати аслида ҳиссадор, асосчи ёки актга қўл қўйган одамга бошқалар рози бўладими, йўқми, ундаги шартларга амал қилиш мажбуриятини юклайди. Уни бир тарафлама хоҳиш-ирода билан тасарруф юритишнинг бир тури, деб ҳисоблайдилар. Шунга кўра, бир тарафлама хоҳиш-ирода билан тузиладиган ҳиссадорлик ширкати битими шаръан ботил битимдир. Зеро, шаръий битим битим тузувчилардан бири томонидан бўладиган таклифнинг иккинчиси томонидан бўладиган қабулга таъсири кўринадиган тарзда боғланишидир. Ҳиссадорлик ширкатида эса бундай бўлмайди. Чунки унда икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида келишув бўлмай, фақат битим бўйича битта шахс бирон молиявий лойиҳада шерик бўлиш мажбуриятини бўйнига олади, холос. Мажбуриятни бўйнига олганлар ва шериклар ҳар қанча кўп бўлмасин, битта шахс деб эътибор қилинади. Энди «ахир шериклар ширкат шартларига ўзаро келишишяпти-ку! Шунинг ўзи таклиф ва қабул эмасми, акт тузиш битимнинг бир шакли, холос, шундай бўлгач, нега энди бу иш битим деб аталмас экан?», - деган савол туғилиши мумкин.

Бунга жавоб шуки, шериклар ўзаро ширкат шартларига келишадилар, лекин шу келишув бўйича ўзларини амалдаги шериклар ҳисобламайдилар ва бу келишувга амал ҳам

қилмайдилар. Улардан ҳар бири келишувдан, ҳатто акт тузилганидан кейин ҳам воз кечиши мумкин. Чунки уларнинг келишувлари бўйича шерик актга қўл қўйгандан кейингина унга мажбурият юкланади. Унгача мажбурият юкланмайди ҳамда ҳеч нарсага боғланмайди. Демак, ҳали акт имзоланмай туриб уларнинг шартларга келишувлари улар наздида битим ҳисобланмайди. Бу иш шаръан олганда ҳам битим эмас. Чунки шерикчилик шартларига ва шерикчиликка келишишнинг ўзи билан ширкат тузилди, деб ҳисобланмайди. Бундан ташқари, уларнинг келишувлари бўйича ҳали имзо чекилмай туриб мажбурият юкланмайди. Битим эса тарафларга мажбурият юкланишидир. Шунга кўра, ширкат шартлари ва шерикчиликка келишишлари таклиф ва қабул ҳисобланмайди. Демак, бу иш уларнинг наздида ҳам, шаръан ҳам битим, деб эътибор қилинмайди.

Энди «биринчи шерикнинг битимга имзо чекиб қабул қилиши бошқаларига таклиф ҳисобланиб, кейингиларнинг имзо чекишлари қабул ҳисобланаверади-да, шундай бўлгач, нега энди ҳужжатни кўндаланг қилиш таклиф, унга имзо чекиш эса қабул ҳисобланмас экан?», - деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, ҳамма шерикнинг имзо чекиши қабулдан бошқа нарса эмас. Аниқ бир шахс тарафидан таклиф бўлаётгани йўқ, яъни кўндаланг қилувчи ҳам, таъсисчилар ҳам, биринчи имзо чеккан одам ҳам таклиф қилмаяпти. Ҳаммаси фақат қабул қиляпти, холос. Масалан, имзо чекувчи шартларни қабул қиляпти ва уларни ўзидан-ўзи мажбурият қилиб оляпти, холос. Ҳолбуки, ҳеч ким унга тасарруфни таклиф қилаётгани, сен билан шерик бўлдим деяётгани йўқ. Имзо чекиши учун унга актни бериш эса тасарруф юритишни таклиф қилиш ҳисобланмайди. Шулардан кўриниб турибдики, ҳиссадорлик ширкатида ҳар бир шерик фақат қабул қилади, холос. Қабул билан қабул эса шаръан битим деб эътибор қилинмайди. Зеро, битим учун қабулга эмас, таклифга далолат этувчи лафз билан айтилган таклиф бўлиши шарт. Шундан кейин қабулга далолат қилувчи лафз билан айтилган қабулга навбат келади. Шунга биноан ширкат актига қўл қўйган ҳеч бир одам таклиф қилувчи ҳисобланмайди. Ҳаммаси фақат қабул қилувчи ҳисобланади. Демак, бу ширкатда таклифсиз қабул содир бўляпти. Бунинг маъноси ширкат тузилмади, деганидир.

Капиталистлар ширкат актини, яъни низомини битим деб атайдилар ва битимга имзо чекилди, дейдилар. Шариятда эса бу акт битим ҳисобланмайди. Чунки битим икки тараф ўртасидаги таклиф

ва қабулдир. Шунга асосан ҳиссадорлар ширкати шаръан битим, деб эътибор қилинмайди.

Қолаверса, бу битимда фойда олиш мақсадида молиявий иш қилишга эмас, таъсисчи ёки аъзо бўлаётган одам бирон молиявий лойиҳа учун пул беришга рози бўляпти, холос. Демак, унда иш қилишга келишув элементи йўқ. Фақат шахснинг мол бериш мажбуриятини ўз бўйнига олиши бор. Бундай ишга ҳеч қандай эътибор йўқ. Қолбуки, ширкатдан мақсад шерикчиликнинг ўзигина эмас, молиявий иш қилишдир. Шундай бўлгач, молиявий иш қилишга келишувдан холи бўлган битим ботил битимдир. Шу сабабли - молиявий иш қилишга келишмасдан - мол беришга рози бўлишнинг ўзи биланок ширкат тузилмайди. Шунга асосан бу ширкат ботилдир.

«Ширкат акти гоҳида шакар цехи, тижорат каби қилинадиган иш турини ўз ичига олади, шунинг ўзи молиявий иш қилишга келишув эмасми?», - деган савол ҳам туғилиши мумкин. Жавоб шуки, ширкатнинг келгусида қиладиган ишини айтиш шериклар тарафидан уни қилишга келишиш, дегани эмас. Бунда фақат шерикчилик ва ширкат шартларигагина келишув бўляпти, иш қилиш эса таъсис этилганидан кейин юридик шахсга айланадиган ширкатга қўйиб бериляпти. Демак, бунда шериклар ўртасида молиявий иш қилишга келишув бўлаётгани йўқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Ислолдаги ширкатда таннинг, яъни тасарруф этувчи шахснинг бўлиши шарт. Чунки ширкат, савдо, ижара ва бошқа битимларда тандан мурод жисм ёки меҳнат эмас, тасарруф этувчи шахсдир. Демак, ширкат битимининг тузилишида таннинг бўлиши асосий элементдир. Шунинг учун тан бўлса, ширкат тузилади, бўлмаса тузилмайди, умуман бўлмайди. Ҳиссадорлик ширкатида эса умуман тан йўқ. Бу ҳам етмагандай, унда шахс элементига эътиборсизлик, уни четга суриш атайлаб қилинади. Чунки унинг битими шахслар эмас, моллар ўртасидаги битимдир. Унда шахс элементи йўқ. Одамлар эмас, моллар шерикчилик қилади. Таннинг бўлмаслиги ширкатнинг тузилмаганини, ботиллигини кўрсатади. Зеро, молни тасарруф этувчи тандир. Усиз молни тасарруф қилиб бўлмайди. Тан йўқ бўлса, тасарруф ҳам йўқдир.

Мол эгалари бўлган шахсларнинг ҳиссадор бўлишга бевосита рози бўлишлари ва ширкат ишини бошқарадиган бошқарув кенгашини ҳам ўзлари сайлашлари ширкатда тан борлигига далил бўлмайди. Чунки улар ўзлари шерик бўлишга эмас, молни шерик қилишга келишадилар. Демак, одам эмас, мол шерикдир. Бошқарув

мажлисини сайлашларига келсак, бунинг маъноси уларнинг шундай қилишга ваколатлари бор, дегани эмас. Чунки ваколат ҳам молниқидир. Шу далил биланки, ҳиссадор қанча молга эга бўлса, ўшанча овозга ҳам эга бўлади. Масалан, битта акцияси бор одам бир овозга, яъни бир ваколатга, мингта акцияси бор одам эса минг овозга, яъни мингта ваколатга эгадир. Демак, ваколат шахсниқи эмас, молниқидир. Бу нарса тан элементининг йўқлигини, унинг фақат мол элементидан иборат эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ҳиссадорлик ширкатининг таърифи унда Ислондаги ширкат тузилиши учун лозим бўлган шартлар етарли эмаслигини кўрсатиб турибди. Биринчидан, унда икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида келишув эмас, якка шахснинг хоҳиш-иродаси билан бир тарафлама бўйинга мажбурият олиш бўляпти. Иккинчидан, иш қилишга келишилмаяпти, мол бериш мажбурияти олиняпти, холос. Учунчидан, ширкатда шахс сифатида бевосита тасарруф этувчи тан йўқ, фақатгина молнинг ўзи бор. Шу эътиборлар билан ҳиссадорлик ширкати битими шаръан ботилдир. Ширкатнинг ўзи ҳам ботил, чунки уни тузилган, деб бўлмайди, у Ислондаги ширкат таърифига тўғри келмайди.

2. Ширкат молни тасарруф қилиш бўйича тузилган битимдир. Шу йўл билан молни кўпайтириш мулкни кўпайтиришдир. Мулкни кўпайтириш эса шаръий тасарруфларнинг биридир. Шаръий тасарруфларнинг ҳаммаси лафзий (сўз билан бўладиган) тасарруфлар бўлиб, мол тарафидан эмас, шахс тарафидан содир бўлади. Демак, мулкни ўстириш мол тарафидан эмас, балки тасарруф эгаси, яъни шахс томонидан бўлиши шарт. Ҳиссадорлик ширкатида эса тасарруф ҳуқуқига эга бўлган шахсдан айри ҳолда мол ўзидан-ўзи кўпаяди. Негаки у тўпланиб, тасарруф кучига эга бўлиб олган моллар мажмуасидир. Шунинг учун ширкат юридик шахс ҳисобланиб, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, шикоят қилиш каби барча қонуний тасарруфлар ҳуқуқига эгадир. Шериклар эса ҳеч қандай тасарруфга эга эмаслар. Ислондаги ширкатда эса тасарруф шериклар тарафидан содир бўлади. Улардан бири иккинчисининг руҳсати билан тасарруф қилади. Тўпланган моллардан ҳеч қандай тасарруф содир бўлмайди. Тасарруф фақат шахслар билангина чекланади. Шунга кўра, юридик шахс сифатида ширкатдан содир бўлган тасарруфлар шаръан ботилдир. Чунки тасарруфлар аниқ шахсдан содир бўлиши, у шахснинг ўзи эса тасарруфга лаёқатли одам бўлиши лозим. Ҳиссадорлик ширкатида эса бундай бўлмайди. Ширкатда иш қиладиганлар ишчилар бўлиб, улар мол эгалари бўлган ҳиссадорлар тарафидан ёлланган ходимлардир, бошқарув ва

тасарруфларни эса бевосита директор ва бошқарув мажлиси, яъни ҳиссадорларнинг вакиллари олиб борадилар, деб бўлмайди. Чунки ширкатда шерикнинг айнан ўзи бўлиши керак. Ширкат битими унинг ўзига тузилган. У ширкат ишларини қилишга бошқа одамни ўзидан вакил қилиши мумкин эмас. Бу иш учун одам ёллашга ҳаққи йўқ. Ширкат ишларини шерикнинг ўзи қилиши керак. Шерикларнинг одам ёллашга ҳам, бошқарув мажлисини ўзларидан вакил қилишга ҳам ҳақлари йўқ. Бундан ташқари, бошқарув мажлиси ҳиссадорларнинг ўзларидан эмас, пулларидан вакилдир. Чунки улар сайловдаги овозга шахсига қараб эмас, пулига қараб эга бўладилар. Бунинг устига директор ва бошқарув мажлиси - куйидаги учта сабабга кўра - ширкатда тасарруфни қўлга оломайдилар:

Биринчидан, улар ҳиссадорлардан, яъни шериклардан олган ваколатлари билан тасарруф қиладилар. Чунки уларни сайлаган ўшалардир. Аслида шерик ўзидан бировни вакил қилиши мумкин эмас. Чунки ширкат унинг ўзига тузилган. Бу худди уйланаётган одамнинг ўзидан бировни вакил қилиши мумкин эмаслигига ўхшайди. У фақатгина уйланиш битимини тузиш учунгина ўзидан бировни вакил қилиши мумкин. Шунингдек, шерикчилик қилмоқчи бўлган одам ҳам фақат ширкат битимини тузишгагина ўзидан бировни вакил қилиши мумкин, лекин ўз тарафидан шерик бўладиган кишини вакил қилиши мумкин эмас.

Иккинчидан, ҳиссадорлар, яъни шериклар ўзларидан эмас, молларидан вакил қиладилар. Чунки уларнинг сайловдаги овозлари шахсларига эмас, молларига қараб бўлганидан кейин вакил қилишлари ҳам ўзларидан эмас, молларидан бўлади.

Учинчидан, ҳиссадорлар тан шериклар эмас, мол шериклардир. Мол шерик эса ширкатда мутлақо тасарруфга эга эмас. Шунга кўра, унинг ўз ўрнига ширкатда тасарруф қиладиган одамни ўзидан вакил қилиши дуруст бўлмайди.

Шунга асосан, ширкат директорининг ва бошқарув мажлисининг тасарруфи шаръан ботил тасарруфдир.

3. Ҳиссадорлик ширкатининг доимий бўлиши шариатга тўғри келмайди. Чунки ширкат шаръан жоиз битимлардан бўлиб, агар у икки шерикдан ташкил топган бўлса, шериклардан бирининг ўлими, жинни бўлиши ва ақлдан озиши билан ёки битимни бекор қилиши билан бекор бўлади. Агар бир неча шериклардан ташкил топган бўлса, ўлган, жинни бўлган ёки ақлдан озган кишининг шерикчилиги бекор бўлади. Вафот этган шерикнинг балоғатга етган меросхўри бўлса, ширкатга қўшилиши мумкин. Меросхўри

балоғатга етмаган бўлса, ширкатда давом этолмайди. Балоғатга етган меросхўрнинг тасарруфда шерик бўлишига ҳам, тақсимотни талаб қилишга ҳам ҳаққи бор. Шерик ақлдан озганда ҳам ширкат бекор қилинади, чунки шерикнинг тасарруф қила оладиган одам бўлиши шарт. Ҳиссадорлик ширкатининг доимий бўлиши шериклардан бирининг ўлими ёки жинни бўлишига қарамай давом этавериши унинг ботил ширкатлигини кўрсатиб турибди. Чунки у ширкат вужуди ва битим моҳиятига алоқадор нотўғри шартни ўз ичига оляпти. Хуллас, ҳиссадорлик ширкати моҳиятан ширкат хисобланмайди. Чунки у ердаги одамлар тан шериклар эмас, мол шериклардир. Ҳолбуки, ширкатда тан шерикнинг бўлиши асосий шартдир. У бўлса, ширкат ҳам бўлади, бўлмаса - бўлмайди. Ҳиссадорлик ширкатларида шерикчилик қилувчилар мол шериклардир, холос. Тан шериксиз ҳам ширкатнинг ўзи бевосита ишларини қилаверади. Таннинг мутлақо эътибори йўқ. Шунинг учун ҳам у шаръан дуруст бўлмаган ботил ширкатдир. Бундан ташқари, ширкатда бевосита тасарруф юритувчилар бошқарув мажлисидир, яъни ҳиссадорлардан, тўғрироғи мол шериклардан вакиллардир. Шариатда эса ширкатдаги тасарруф учун шерик ўзидан бировни вакил қилиши жоиз эмас. Бунда у мол шерик бўладими, тан шерик бўладими, фарқи йўқ. Чунки ширкат битими унинг ўзига тузилган. Шундай бўлгач, унинг ўзи тасарруф қилиши вожиб. Тасарруф ва ширкатдаги иш учун одам ёллаши, ўзидан бировни вакил қилиши дуруст эмас. Молнинг ўзинигина қўшган шерик шаръан ширкатда тасарруф юритиш ҳуқуқига, шерик сифатида ишлаш ҳуқуқига мутлақо эга эмас. Чунки ширкатда тасарруф юритиш ва ишлаш тан шерикликка чекланган. Бунинг устига, ҳиссадорлик ширкати юридик шахсга айланиб, тасарруф ҳуқуқини ўз ичига олади. Шариатда эса тасарруфлар шу ишга лаёқатли шахслар тарафидангина бўлиши мумкин. Лаёқат балоғатга етиш, оқ-қорани ажрата олиш билан бўлади. Шу тарзда содир этилмаган ҳар қандай тасарруф шаръан ботилдир. Тасарруфни юридик шахсга топшириш жоиз эмас. Уни шу ишга лаёқатли бўлган инсонга топшириш керак. Шунинг учун ҳиссадорлик ширкатлари ҳам, уларнинг тасарруфлари ҳам, шу йўл билан топган пуллари ҳам - ҳаммаси ботилдир. Уларга эгалик қилиш ҳалол бўлмайди.

Ҳиссадорлик ширкатининг акциялари

Ширкат акциялари молиявий қоғозлар бўлиб, ширкатнинг пайдо бўлиши вақтидаги сармоясини эмас, ширкат нархини кўрсатади. Чунки акция ширкат сармоясининг эмас, ширкат вужудининг ажралмас қисмидир. У ширкат активларининг баҳосини кўрсатувчи

қимматбаҳо қоғоз мақомидадир. Акцияларнинг баҳоси доимо бир хил бўлмайди. Ширкатнинг фойда ёки зиён кўришига қараб ўзгариб туради. Йилдан-йилга ҳар хил бўлиб, ўзгариб боради. Шунга кўра, акция ширкат таъсис этилган пайтда ҳиссадорлар берган сармояни эмас, савдо, яъни муайян вақтдаги сармояни кўрсатади. Унинг нархи қоғоз пулники каби бозорга қараб кўтарилиб, пасайиб туради. Демак, акция ширкат иш бошлаганидан кейин сармояликдан чиқиб, муайян қийматга эга бўлган молиявий қоғозга айланади.

Молиявий қоғозлар хусусидаги шаръий ҳукм шуки, агар улар олтин ёки қумушдан муқобили бўлган пул каби ҳалол молдан иборат маблағларни ўз ичига олувчи қимматбаҳо қоғозлардан бўлса, уларнинг олди-сотдиси ҳалол бўлади. Чунки улар ўз ичига олган мол ҳалолдир. Агар ҳаром молдан иборат маблағларни ўз ичига олувчи рибо билан кўпайиб борадиган қарз векселлари ва бошқа акциялар каби қимматбаҳо қоғозлар бўлса, уларнинг савдо-сотиғи ҳаром бўлади. Чунки улар ўз ичига олган моллар ҳаромдир. Ҳиссадорлик ширкатларининг акциялари ҳалол дастмоя билан ботил битим ва ботил муомала воситасида топилган ҳаром фойданинг аралашмасидан иборат маблағларни ўз ичига оладиган қимматбаҳо қоғозлардир. Ундаги ҳар бир қимматбаҳо қоғоз ботил ширкат активларининг бир қисмидир. Бу активлар шариат қайтарган ботил муомала орқали топилган. Шунга кўра, улар ҳаром мол ҳисобланади. Демак, ҳиссадорлик ширкатининг акциялари ҳаром молдан иборат маблағларни ўз ичига олгани туфайли ҳаром молга айланиб, уларнинг савдо-сотиғи ҳам, муомалага қўйилиши ҳам ҳаром бўлади.

Энди бир масала қолди. Айрим мусулмонлар ҳиссадорлик ширкатларининг акцияларини сотиб олган бўлсалар, уни таъсис этишда иштирок қилган бўлсалар, ҳиссадорларга айланб, қўлларида акциялар бўлса, лекин бу ишнинг шаръий ҳукмини билмасдан ёки бундай ширкатларнинг нималигини билмайдиган шайхларнинг фатвосига кўра қилган бўлсалар, уларнинг бу ишлари ҳаром бўладими, йўқми? Қўлларидаги акциялари - гарчи шаръан ботил муомала орқали топилган бўлса ҳам - уларга мулк ва ҳалол мол бўладими ёки ҳаром бўладими? Бу акцияларни одамларга сотишлари мумкинми ёки йўқми?

Жавоб шуки, шаръий ҳукми билмаслик узр эмас, чунки ҳар бир мусулмонга ҳаётида керак бўладиган ҳукмларни билиб олиш фарзи айнди. Токи у шаръий ҳукмга қараб иш тутсин. Лекин агар бундай ҳукмдан шу ишни қилиб қўйган одам беҳабар бўлса, қилмиши учун

жазоланмайди. Гарчи шаръий ҳукм уни ботил деса-да, бу иш уни қилган одам учун тўғри бўлаверади. Зеро,

«لَأَنَّ الرَّسُولَ ﷺ سَمِعَ مُعَاوِيَةَ بْنَ الْحَكَمِ يُشَمِّتُ عَاطِسًا، وَهُوَ فِي الصَّلَاةِ،
فَبَعْدَ أَنْ فَرَعُوا مِنَ الصَّلَاةِ عَلَّمَهُ الرَّسُولُ أَنَّ الْكَلَامَ يَبْطُلُ الصَّلَاةَ، وَتَشْمِيتُ
الْعَاطِسِ يَبْطُلُ الصَّلَاةَ، وَلَمْ يَأْمُرْهُ بِإِعَادَةِ الصَّلَاةِ»

Пайгамбар ﷺ Муовия ибн Ҳакамнинг намозда туриб аксирган одамга: «Ярҳамукаллох», деганини эшитиб, намоздан бўшаганларидан кейин унга гапириш ҳам, аксирган одамга саломатлик тилаш ҳам намозни бузишини ўргатдилар. Бирок, намозни қайта ўқишга буюрмадилар. Худди шу маънони Муслим ва Насоий Ато ибн Ясор йўлидан ривоят қилганлар. Бу ҳукм, яъни гапириш намозни бузишлиги ўша шахс тоифасидаги одамлар учун, одатда, ноаниқ ишдир. Шунга кўра, Пайгамбар ﷺ бу ишда уни узрли деб топдилар ва намозини тўғри деб ҳисобладилар. Ҳиссадорлик ширкатларининг шаръан ҳаромлиги ҳам кўпчилик мусулмонлар билмайдиган ҳукмлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам бу ишда билмаслик узрга ўтади. Шунга кўра, ширкатлар ботил бўлса-да, уларга аъзо бўлганларнинг иши тўғри бўлаверади. Муовия ибн Ҳакам намозни бузиб қўядиган ишни қилган бўлса-да, унинг намози тўғри бўлавергани каби, ширкатлар ботил бўлса-да, унга аъзо бўлганларнинг ишлари тўғри бўлаверади. Чунки Муовия гапириш намозни бузишини билмаганидек, улар ҳам бу ишнинг ҳаромлигини билмаганлар. Шайхларнинг фатво бериши ҳам фатво сўровчилар учун билмаслик ҳукмига ўтаверади. Фатво берувчи эса узрли ҳисобланмайди, чунки у ҳукм чиқаришдан аввал ҳиссадорлик ширкатларининг воқесини билишга ҳаракат қилгани йўқ. Ана шу ҳиссадорларнинг акцияларга эгалик қилиши ҳам тўғри бўлаверади. Модомики бу ишнинг ботиллигини билмаганлари учун узрли ҳисобланиб, шаръан ишлари тўғри деб топилар экан, бу пуллар уларга ҳалолдир. Аммо акцияларни мусулмонларга сотиш мумкин эмас. Чунки улар шаръан ботил молиявий қоғозлардир. Уларга эгалик қилишнинг ҳалоллиги тасодифий бир сабаб, яъни билмаганлик узр ўрнига ўтиши туфайли бўляпти. Шаръий ҳукм таништирилгандан кейин ёки бу ишнинг ҳукми ҳаммага аён бўлгандан кейин улар ҳаром молга айланиб, сотиш ҳам, сотиб олиш ҳам, бировга бериб сотдириш ҳам мумкин бўлмайди.

Шаръий ҳукмни билмаганлиги туфайли олиб қўйилган бу акциялардан кутулишнинг йўли ширкатни таркатиш ёки уни

исломий ширкатга айлантириш ёки ҳиссадорлик ширкатларининг акцияларини ҳалол, деб биладиган ғайридинни топиб, у орқали сотдириб, пулини олиш билан бўлади. Сувайд ибн Ғафаладан ривоят қилинишича, **Билол Умар ибн Хаттоб** ﷺга ходимларингиз ароқ, тўнғизларни ҳам хирожга олишяпти, деганида, уларни олманглар, лекин сотиш ваколатини беринглар-да, пулидан олинглар, деганлар. Буни Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилган. Ҳеч ким Умарнинг бу ишини инкор қилмаган. Агар у шариатга тўғри келмаганида инкор қилишган бўларди. Шунга кўра, у ижмоъдир. Ароқ ва тўнғизлар аҳли зимманинг молларидир. Улар мусулмонларга мол бўлмайди. Аҳли зиммалар мусулмонларга жизянинг бадалига ўшаларни бермоқчи бўлганларида Умар ﷺ уларни қабул қилмасликни, сотдириб пулини олишликни буюрди. Акциялар ҳам ғарблик капиталистларнинг моли ҳисобланиб, мусулмонларга мол бўлмайди. Мусулмонларнинг қўлига тушиб қолган бўлса, уларни олишлари жоиз эмас, сотдириб юборишлари лозим. Жизя ва хирожда Умар ароқ ва тўнғизларни зиммийларга сотдиришга рухсат берганидек, бу акцияларни ҳам мусулмонлар зиммийларга сотдиришлари мумкин.

Кооператив жамиятлар

Кооператив капиталистлик ширкатларнинг бир туридир. У гарчи кооператив жамият, деб номланса-да, аслида ширкатдир. Чунки унда бир гуруҳ шахслар ўзлари шуғулланадиган фаолият бўйича шерик бўлиб иш қилишга келишиб оладилар.

Кооператив одатда савдо шаклида пайдо бўлиб, аъзоларига ёрдам бериш ёки уларнинг муайян иқтисодий манфаатларини кафолатлашни мақсад қилиб олади. У ҳам ширкат каби юридик шахсга айланади. Шу билан у бошқа жамиятлардан фарқ қилади. Чунки бошқа жамиятлар иқтисодий манфаатлардан батамом холидир. Кооператив бошқаларнинг манфаати учун эмас, ўз аъзоларининг фойдасини кўпайтириш учун ишлайди. Бу эса унинг иқтисодий фаолияти билан аъзоларнинг иқтисодиёти ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишини талаб қилади.

Кооператив жамият бир неча аъзолардан ташкил топади. Гоҳида еттита, гоҳида ундан оз, баъзида ундан кўп бўлиши мумкин. Лекин у фақат икки шахсдангина ташкил топмайди. У икки хил бўлади: биринчиси - таъсисий улушларга эга бўлган ширкат бўлиб, шу улушларни қўлга киритган ҳар бир одам шериклик сифатини олиши мумкин. Иккинчиси - таъсисий улушларсиз тузилган ширкат бўлиб, йиллик шериклик бадалини тўлаш билан унга аъзо бўлинади. Бадални умумий жамият йиллик йиғинида белгилаб беради.

Кооперативда куйидаги бешта шарт тўла топилиши лозим:

Биринчидан, кооперативга шерик бўлиш эркинлиги бўлиши керак. Хоҳлаган шахс олдин кирган аъзоларга қандай шартлар қўйилган бўлса, ўшандай шартлар билан ҳамда кооперативнинг низомлари, чекловлари, эҳтиёткорлик сифатидаги шартлари унга татбиқ этилиши билан унга аъзо бўлиши мумкин. Бу чекловлар қишлоқ аҳолисига қўлланадиган маҳаллий тусдаги чеклов бўладими, сартарошлар каби хунарга оид бўладими, фарқи йўқ.

Иккинчидан, кооперативчилар ҳуқуқ борасида тенг бўлишлари лозим. Уларнинг энг эътиборлиси овоз бериш ҳуқуқидир. Ҳар бир шерикка битта овоз ҳуқуқи берилади.

Учинчидан, улушларга муайян фойдани белгилаш. Айрим кооператив ширкатлар доимий ҳиссадорларга фойдалардан бериш имкони туғилганда муайян фойдани беради.

Тўртинчидан, фойдаларнинг ортиқчасини қайтармок. Соф фойдалар аъзоларга қайтарилади. Бунда соф фойда кооператив хизматлари ва жиҳозларидан одамларнинг фойдаланиши ёки сотиб олишидан иборат кооператив билан биргаликда ўтказган операциялари миқдорига қараб аъзоларга қайтарилади.

Бешинчидан, захира маблағ ўтказиш билан кооператив бойлигини ташкил қилишнинг лозимлиги.

Ширкатни бошқариш, унинг ишлари билан бевосита шуғулланиш орқали тасарруфни ҳиссадорлардан иборат умумий жамият тарафидан сайланадиган бошқарув мажлиси ўз қўлига олади. Сайловда ҳар бир ҳиссадор акциялари қанча бўлишидан қатъий назар бир овозга эга бўлади. Юзта акциялик билан битта акцияликнинг фарқи бўлмайди.

Кооператив жамиятлар бир неча хил бўлади: Ҳунармандлик кооперативи, қишлоқ хўжалиги кооперативи, истеъмол кооперативи, ишлаб чиқариш кооперативи ва ҳоказолар. Умуман олганда улар ё истеъмол кооперативи ё ишлаб чиқариш кооперативи бўлиб, истеъмол кооперативида фойда харидларга қараб, ишлаб чиқариш кооперативида эса ишлаб чиқаришга қараб тақсимланади.

Бундай кооператив жамиятлари Ислом ҳукмларига зид бўлган ботил жамиятлардир. Бунинг изоҳи куйидагича:

1. Кооператив жамият ширкат бўлиб, унда шариат белгилаган шартлар тўла топилиши керак. Исломда ширкат икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида фойда кўриш мақсадида молиявий иш қилишга келишиб тузилган битимдир. Шунга кўра, ширкатда шериклар тарафидан иш бажарадиган, яъни ўз улушига эга бўлган

тан бўлиши шарт. Шундагина ширкат шаръий ҳисобланади. Шунинг учун агар ширкатда ҳуқуққа эга, тасарруф қилувчи, ширкатнинг мақсадини рўёбга чиқарадиган ишларни бажарувчи шахс бўлмаса, ширкат ҳосил бўлмайди. Шу қондани кооператив жамиятга татбиқ қиладиган бўлсак, унинг шаръий ширкат эмаслиги аён бўлади. Чунки у фақат молларгагина асосланган ширкатдир. Унда тан шерикнинг ўзи йўқ. Молларнинг ўзларигина шерикчилик қилишади. Кооператив жамиятда иш қилишга эмас, иш қиладиган одамни қидириб топадиган бошқарувни вужудга келтириш учун муайян маблағни қўйишга келишилади. Ширкатда ҳиссадорларнинг маблағлари иштирок этади, холос. Унда тан бўлмайди. Тан шерик бўлмагандан кейин улар шаръий ширкат ҳисобланмайди ва умуман тузилмаган, деб эътибор қилинади. Чунки ширкат молни тасарруф қилишга тузилган битимдир, тасарруф эса фақат тан тарафидан бажарилади. Тан бўлмаган ширкат ботил ширкат бўлиб, шаръан ширкат ҳисобланмайди.

2. Фойдани сармоя ёки ишга қараб эмас, харид ёки ишлаб чиқаришга қараб тақсимлаш жоиз эмас. Чунки ширкат молга қараб тузилса, фойда ҳам молга қараб бўлади, ишга қараб тузилса, фойда ҳам ишга қараб бўлади. Демак, фойда молга ё ишга ёки иккаласига қараб бўлади. Уни савдо ёки ишлаб чиқаришга қараб тақсимлашнинг шарт қилиниши шаръий битимга тўғри келмайди. Битимнинг тақозосига зид бўлган ё битим манфаатини кўзламайдиган, талабига жавоб бермайдиган ҳар қандай шарт фосид шартдир. Фойдани харидлар ва ишлаб чиқаришга қараб тақсимлаш битим тақозосига тўғри келмайди. Чунки битим шаръан мол ёки ишга қараб бўлади. Демак, фойда ҳам мол ёки ишга қараб бўлади. Агар фойда харид ва ишлаб чиқаришга қараб бўлишига шартлашилса, бу шарт фосид бўлади.

Суғурта

Ҳаёт, товар, мулк ё бошқа бир нарсани суғурта қилдириш битимнинг бир туридир. У суғурта ширкати билан суғурта қилдирувчи шахс ўртасидаги битимдир. Суғурта қилдирувчи ширкатдан товар ёки мулкига талофат етганда унинг айнан ўзи ёки пулини, ҳаёти учун эса маълум маблағни эваз беришига аҳд талаб қилади. Бу иш муайян маблағ муқобилига муайян муддатни белгиланган пайтларида бўлади. Ширкат бу талабни қабул қилади. Мана шу таклиф ва қабулга кўра, суғурта ширкати суғурта қилдирувчига - иккала тараф келишган муайян шартлар бўйича - талофатга учраган нарсанинг ё ўзини, ё пулини ёки келишилган муайян маблағни тўлашга аҳд беради. Масалан, ўша муайян муддат

ичида товари талофатга учраса, машинаси авария бўлса, уйи куйиб кетса, мулки ўғирланса, ўзи ўлса ва ҳоказо. Шундан кўриниб турибдики, суғурта битими суғурта ширкати билан суғурта қилдирувчи ўртасида суғуртанинг тури ва шартларига асосан келишилган битимдир. Шу битимга биноан ширкат келишилган шартлар бўйича тўлаш ёки муайян маблағни бериш мажбуриятини олади. Агар суғурта қилдирувчи битим бандларига тўғри келадиган бирон ҳодисага учраса, ширкат талофат кўрган нарсанинг айнан ўзини ёки пулини бозор нархига қараб тўлаши шарт бўлади. Ширкат суғурта қилдирувчига ёки бошқага нарсанинг ўзини ёки пулини беришда ихтиёрлидир. Битимда кўрсатилган ҳодиса юз бериши биланок, эваз тўлаш суғурта қилдирувчининг ширкат гарданидаги ҳақларидан бири бўлиб қолади. Қачонки ширкат ўша ҳодисанинг юз берганига ишонч ҳосил қилса ёки маҳкама тўлаб бериш тўғрисида ҳукм чиқарса, ширкат ўша эвазни тўлайди.

Шу ишга суғурта номини қўллашган. Суғурта тўлови суғурта қилдирувчининг фойдасига ҳам, болалари, хотини, бошқа меросхўрлари ва у тайинлаган бошқа бир шахс ёки жамоанинг фойдасига бўлиши ҳам мумкин. Ҳаётни, товарни, овозни ёки бошқа нарсаларни суғурта қилдириш, деб номлаш одамларга бу ишни чиройли қилиб кўрсатишдир, холос. Аслида эса ҳаёт суғурта қилдирилмайди, балки у ўлгач, болалари, хотини, бошқа меросхўрлари ёки ўзи тайинлаган шахс ё жамоанинг муайян маблағга эга бўлиб қолиши кафолатланади, холос. У товарни ҳам, машинани ҳам, мулкни ҳам, бошқани ҳам эмас, балки уларга талофат етганида нарсанинг ўзини ёки пулини тўлатишни суғурта қилдиради. Демак, у аслида, ҳаёт ёки мулкнинг кафолати эмас, балки нарса йўқолган ёки унга талофат етган пайтда тўлатиш эвазига маълум маблағни ўзи ёки бошқа одам қўлга киритишининг кафолатидир. Суғуртанинг воқеи - мана шу. Агар у синчиклаб текширилса, икки жиҳатдан ботиллиги аён бўлади:

Биринчидан, у битимдир. Чунки у икки тараф ўртасидаги келишувдир. Таклиф ва қабулни ҳам ўз ичига олади. Таклиф суғурта қилдирувчи тарафидан, қабул эса ширкат тарафидан бўлади. Бу битим шаръан дуруст бўлиши учун битимнинг шаръий шартларини ўз ичига олиши лозим. Олса дуруст бўлади, олмаса - йўқ. Шаръан битим нарсанинг ўзи ёки манфаат асосига тузилиши лозим. Шундай тузилмаса, у ботил бўлади. Чунки у уни шаръий битимга айлантирувчи нарсага асосан тузилмаяпти. Бундан ташқари шаръан битим ё савдо, салам, ширкат каби эвазли нарсага, ё ҳада қилиш каби эвазсиз нарсага, ё ижара каби эвазли манфаатга ёки

орият каби эвазсиз манфаатга асосан тузилади. Хуллас, шаръан битим нарсага биноан тузилади. Суғурта битими эса нарсанинг ҳам, манфаатнинг ҳам асосида тузилмаган. У мажбурият, яъни кафолатлаш асосида тузилган битимдир. Мажбурият ёки кафолат эса нарса ҳам, манфаат ҳам ҳисобланмайди. Чунки у ишлатилмайди, фойдаланилмайди, ижарага ҳам, ориятга ҳам берилмайди. Шу мажбуриятга асосланиб молни қўлга киритиш манфаат ҳисобланмайди. У бор-йўғи муомаланинг қолдирган изи, холос. Суғурта битими нарсанинг ҳам, манфаатнинг ҳам асосида тузилмагани учун ботил битимдир. Чунки унда шаръий битимнинг шартлари тўла топилмаяпти.

Иккинчидан, ширкатнинг махсус шартлар остида суғурта қилдирувчига аҳд бериши кафолат қабилидандир. Унинг шаръий кафолат бўлиши учун кафолат хусусидаги шаръий шартлар унда топилиши керак. Топилса дуруст бўлади, топилмаса - йўқ. Шариатдаги кафолатга назар ташланса, қуйидагилар аён бўлди:

Мажбуриятни бажаришда кафилликка олувчи масъулятининг кафилликка олинувчи масъулятига қўшилиши кафолатдир. Демак, бу иш учун масъулият масъулиятга қўшилиши ҳамда кафилликка олувчи, кафилликка олинувчи ва кафиллик берилувчининг бўлиши шарт. Кафолат зиммадаги мажбуриятни эвазсиз бажаришдир. Кафолат тўғри бўлиши учун мажбурият вожиб бўлган ёки вожиб бўладиган молиявий ҳуқуқлардан бири бўлиши шарт. Агар мажбурият вожиб бўлган ёки вожиб бўладиган молиявий ҳақ бўлмаса, кафолат тўғри бўлмайди. Негаки кафолат мажбуриятни бажаришдаги масъулиятни масъулиятга қўшишдир. Агар кафилликка олинаётган кишининг гарданида масъуляти бўлмаса, унга бошқа бир масъулиятни қўшиб бўлмайди. Вожиб бўлган ҳақ хусусида бу нарса очиқ-ойдин кўриниб туради. Энди вожиб бўладиган ҳақ хусусида тўхталамиз. Масалан, бир киши бир хотинга, фалончига тегавер, маҳрингга мен кафилман, дейди. Бу ерда кафилликка олувчи кафилликка олинувчининг масъулятини ўз бўйнига оляпти, яъни кафилликка олинувчининг мажбурияти кафилликка олувчининг ҳам мажбуриятига айланыпти. Агар вожиб бўлган ёки бўладиган ҳақ бўлмаса, масъулият масъулиятга қўшилмагани тўфайли кафолатнинг маъноси қолмайди. Чунки бунда бировнинг масъулятини биров бўйнига олмаяпти. Демак, бунда кафилликка олиш дуруст бўлмайди. Шунга кўра, кафиллик берилувчининг кафилликка олинаётган шахснинг гарданида вожиб бўлган ёки бўладиган ҳақи бўлмаса, кафолатга олиш дуруст бўлмайди. Негаки, кафилликка олинувчининг агар буюм талофатга

учраса ёки нобуд бўлса, ўша буюмни ёки қарзни тўлаши шарт қилинади. Бунда агар ҳақ гарданидаги вожиб бўлган ҳақ бўлса, ўз ихтиёри билан тўлашининг ёки гарданида вожибга айланадиган ҳақ бўлса, куч билан тўлатишнинг фарқи йўқ. Агар кафилликка олинувчи гарданида ихтиёран ҳам, куч билан ҳам тўлайдиган мажбурият бўлмаса, кафиллик дуруст бўлмайди. Чунки кафилликка олинувчи гарданига вожиб бўлмаган нарса кафилликка олувчининг ҳам гарданига вожиб бўлмайди. Масалан, бир киши одамлардан кийимларни қабул қилиб олади. Иккинчи киши учинчи кишига, кийимларингни унга бер, мен кафилман, деди. Кийимлар талофатга учради. Хўш, кийимларни қабул қилувчининг кафиллигини олган киши уларнинг пулини тўлайдими? Бунга жавоб шуки, агар қабул қилувчи ўз ишини пухта бажариб, бепарволик қилмаган бўлса ҳам кийимлар талофатга учраса, кафилликка олувчига ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Табиийки, кафилликка олинувчининг ўзига вожиб бўлмас экан, кафилликка олувчига вожиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аёндыр. Шунга кўра, кафолатга олиш дуруст бўлиши учун кафиллик берилувчининг бошқалар гарданида вожиб бўлган ёки вожиб бўладиган ҳақи бўлиши шарт. Демак, гарданда ўша заҳоти ёки кейинроқ адо қилиниши керак бўлган ҳақнинг бўлиши кафилликка олиш дуруст бўлишининг шартидир. Шуни ҳам айтиш керакки, кафилликка олинувчининг ҳам, кафиллик берилувчининг ҳам маълум бўлиши шарт эмас. У номаълум бўлса ҳам кафилликка олиш дуруст бўлаверади. Бир киши бошқа бир кишига, кийимларингни кир ювувчига топшир, деса, униси, талофат етказишидан кўрқаман, деб жавоб берса, биринчи одам, беравер, агар талофат етса, мен кафилман, деса ва аниқ бир кир ювувчини тайинламаса ҳам дуруст бўлаверади. Агар у кир ювувчига берса, кейин ўша кийим нобуд бўлса - гарчи кафилликка олинувчининг кимлиги номаълум бўлса ҳам - кафилликка олган одам тўлаб беради. Шунингдек, биров, фалончи мохир кир ювувчидир, ким унга кийим берса, кийимига мен кафилман, деса, гарчи кафиллик берилувчи (кийим эгаси) ноаниқ шахс бўлса ҳам дуруст бўлаверади.

Кафилликка олиш масъулиятни масъулиятга кўшиш эканига ҳам, гарданда аниқ бор бўлган ҳақни, яъни мажбуриятнигина кафилликка олинишига ҳам, бу ишда кафилликка олувчи, кафилликка олинувчи ва кафиллик берилувчи бўлиши шарт эканлигига ҳам, бу ишнинг эвазсиз қилинишига ҳам, кафилликка олинувчи ва кафиллик берилувчининг номаълум бўлиши мумкинлигига ҳам очиқ далил бор. У Абу Довуднинг Жобирдан қилган мана бу ривоятидир:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لَا يُصَلِّي عَلَى رَجُلٍ مَاتَ وَعَلَيْهِ دَيْنٌ، فَأَتَى بِمِثَّةٍ فَقَالَ: أَعَلَيْهِ دَيْنٌ؟ قَالُوا: نَعَمْ دَيْنَارَانِ. قَالَ: صَلُّوا عَلَيَّ صَاحِبِكُمْ. فَقَالَ أَبُو قَتَادَةَ الْأَنْصَارِيُّ: هُمَا عَلَيَّ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: فَصَلَّى عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، فَلَمَّا فَتَحَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: أَنَا أَوْلَى بِكُلِّ مُؤْمِنٍ مِنْ نَفْسِهِ. فَمَنْ تَرَكَ دَيْنًا فَعَلَى قَضَاؤُهُ، وَمَنْ تَرَكَ مَالًا فَلِوَرَثَتِهِ»

«Пайғамбар ﷺ гарданида қарзи бор майитга жаноза ўқимас эдилар. Бир майит олиб келинди. Пайғамбар ﷺ: «Унинг гарданида қарзи борми?» - дедилар. Ҳа, икки динор дейишди. У киши: «Дўстингизга ўзларингиз жаноза ўқинглар», дедилар. Шунда Абу Қатода Ансорий, эй Расулulloҳ, ўша икки динор менинг гарданимга, деди. Шундан кейин Пайғамбар ﷺ жанозани ўқидилар. Оллоҳ у кишига фатҳ-ғалаба бергач: «Ҳар бир мўминга ўзидан кўра мен ҳақлироқман. Ким қарз қолдириб кетган бўлса, уни узиб қўйиш менинг гарданимга, ким мол қолдириб кетган бўлса, у меросхўрига», дедилар». Бу ҳадисда Абу Қатода қарз берган кишига тўланиши керак бўлган молиявий ҳақни адо этишдаги (мажбуриятни бажаришдаги) майитнинг масъулиятига ўз масъулиятини қўшяпти. Унда кафилликка олувчи, кафиллик берилувчи, кафилликка олинувчининг борлиги очик кўриниб турибди. У кафилликка олиш гардандаги мажбуриятни эвазсиз бажариш эканини ҳам кўрсатяпти. Кафилликка олинаётганда кафилликка олинувчи, яъни майит ҳам, кафиллик берилувчи, яъни қарз берган киши ҳам номаълум эканлиги кўриниб турибди. Демак, ҳадис кафилликка олиш дуруст бўлишининг ва тузилишининг шартларини ўз ичига оляпти.

Шаръий кафилликка олиш мана шудир. Суғурта мажбуриятини унга солиштирадиган бўлсак, кафилликка олишнинг дуруст бўлиши ва тузилиши учун шариатда нусус-ҳужжати келган шартлардан суғуртанинг холилигини кўрамиз. Чунки биринчидан, унда масъулият масъулиятга қўшилмайди. Суғурта ширкати суғурта қилдирувчининг молини тўлашда ўз масъулиятини бошқа бировнинг масъулиятига қўшмайди. Демак, у ботилдир, кафилликка олиш ҳисобланмайди. Иккинчидан, унда суғурта қилдирувчининг бирон одамга тўлаши керак бўлган молиявий мажбурияти йўқки, суғурта ширкати уни бажариб қўйса. Негаки, суғурта қилдирувчининг бировга тўлаши керак бўлган молиявий

мажбурияти йўқ. Ширкат келиб уни кафилликка олаётганда ҳеч қандай молиявий мажбурият бўлмаганидан кейин ширкат бажарадиган молиявий мажбурият ҳам бўлмайди. Шунга кўра, у шаръан нодуруст кафилликка олиш бўлади. Учинчидан, ширкат тўлашни ўз бўйнига олган нарсанинг ўзи ё баҳоси ёки маълум миқдордаги мол суғурта битими пайтида кафиллик берилувчининг ўша вақтда ҳам, кейинчалик ҳам бошқаларга тўлаши керак бўлган мажбурияти эмас. Шу жиҳатдан ҳам бу нодуруст кафилликдир. Демак, суғурта ширкати ўша пайтда ҳам, кейинчалик ҳам тўланиши вожиб бўлмаган нарсани кафилликка оляпти. Бу нарса ҳам унинг ботиллигини кўрсатиб турибди. Тўртинчидан, суғуртада кафилликка олинувчи йўқ. Демак, унда шаръий кафолатнинг бир асосий элементи, яъни кафилликка олинувчининг бўлиши шарт етишмайди. Зеро, кафилликка олишда кафилликка олувчи ҳам, кафилликка олинувчи ҳам, кафиллик берилувчи ҳам бўлиши шарт. Суғурта битимида кафилликка олинувчи бўлмаганидан кейин у шаръан ботилдир. Бешинчидан, суғурта ширкати талофатга учраган нарсанинг ўзини ёки пулини тўлаш ёки маълум миқдорда мол бериш мажбуриятини олганда бу ишни маълум миқдордаги маблағ эвазига қилади. Кафилликка олиш дуруст бўлишининг бир шарт еса унинг эвазсиз бўлишидир. Шу жиҳатдан суғурта ботил кафолатдир.

Шулардан кўриниб турибдики, суғурта шартномасида кафолатнинг тузилиши ва дуруст бўлишига оид шариат нусусларида ворид бўлган шартлар топилмагани боис ширкат берган шартнома ҳужжатлари ҳам, ундаги нарсанинг ўзини, баҳосини ёки маълум миқдорда пул тўлашлари ҳам, суғуртанинг ўзи ҳам шаръан батамом ботилдир.

Шунга асосан, ҳаётни бўладими, товарни бўладими, мулкни бўладими, бошқани бўладими, суғурта қилдиришнинг барча тури шаръан ҳаромдир. Зеро, унинг битими шаръан ботилдир. Суғурта ширкатининг битим тақозоси билан берадиган аҳди ҳам шаръан ботилдир. Шунга кўра, шу битим ва шу аҳд орқали олинган мол ношаръий йўл билан топилган даромад ҳисобланиб, уни ейиш ҳаромдир.

МУЛК КЎПАЙТИРИШНИНГ МАН ҚИЛИНГАН ЙЎЛЛАРИ

Ислохий шарият мулк кўпайтиришга чегаралар белгилаб қўйган. Улардан ўтиш жоиз эмас. У шахсга мулк кўпайтиришнинг муайян йўлларини тақиқлаган. Уларнинг айримларини айтиб ўтамыз:

Қимор

Шарият қиморни катъий ман қилган, у орқали топилган молни мулк ҳисобламаган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩٠﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقَعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنتَهُونَ﴾

– „Эй мўминлар, ароқ, қимор, бутлар ва чўплар (билан фолбинлик қилиши) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлинг! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Оллоҳни зикр қилишидан ва намоз ўқишидан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!“ [5:90,91]

Бу оятда ароқ ва қиморнинг ҳаромлиги бир неча йўллар билан таъкидланяпти. Биринчиси, жумланинг ﴿إِنَّمَا﴾ сўзи билан бошланишидир. Иккинчиси, бу ишларнинг бут-санамларга ибодат қилиш билан ёнма-ён қўйилишидир. Учинчиси, уларнинг нажас деб аталишидир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ﴾

– „Бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлинг“. [22:30]

Тўртинчиси, уларни шайтон амалидан ҳисоблаш. Шайтон ёмонликдан бошқа иш қилмайди. Бешинчиси, улардан тийилишга бўлган буйруқ. Олтинчиси, улардан тўхтаб, тийилиш - нажотнинг бир кўриниши экани. Тийилиш нажот бўлганидан кейин тийилмаслик ҳалокат ва шармандалик бўлади. Еттинчиси, улардан келиб чиқадиган фалокат, яъни ароқхўрлар ва қиморвозлар ўртасидаги ўзаро душманлик ва нафратланишларни ҳамда бу ишларнинг Оллоҳнинг зикридан ва намозларни вақтида адо этишдан тўсиб қўйиш каби ёмон оқибатларга олиб боришини эслатаётгани. Оллоҳ Таоло:

﴿فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

– „Энди тўхтасизлар!“,

[5:91]

деган сўзи қайтарининг энг етук кўринишидир. Гўёки уларга, сизларга тақиқлаш ва ман қилишнинг шунча кўринишлари тиловат қилинди, энди тийиларсизлар, дейилаётгандай. Лоторея билетлари ҳам, тури ва қайси мақсадда чиқарилишидан қатъий назар, киморнинг бир туридир. От пойгасидаги гаров боғлашишлар ҳам киморга киради. Киморнинг пули ҳаромдир. Унга мулкдор бўлиш мумкин эмас.

Судхўрлик

Шариат миқдори оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар судхўрликни қатъий тақиқлайди. Унинг пули аниқ ҳаромдир. Ҳеч кимнинг уни мулк қилиб олишга ҳаққи йўқ. Эгаси топилса, унга қайтарилади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат куни қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: „Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?“ - деганларидир. Ҳолбуки, Оллоҳ байни ҳалол, суд-хўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга Парвардигоридан мавъиза-насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Оллоҳга (топирилади) (яъни Ўзи хоҳласа афв қилар) ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар“.

[2:275]

Яна Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿۲۰۸﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

– „Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинг ва агар чиндан мўмин бўлсанглар, судхўрлик сарқитларини тарк қилинг. (Яъни одамларга

берган қарзларингиздан чиқадиған фойдани олманг). Энди, агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Оллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, (дастмоянгиз) ўзингизга - золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз“.
[2:278,279]

Рибо (судхўрлик)нинг воқелиги судхўр одамлар меҳнатини эксплуатация қилиб фойда олишидан иборатдир. У меҳнатсиз даромаддир. Чунки устига фоиз қўйилаётган молнинг ҳеч қандай зиёнга рўбарў бўлмаган ҳолда фойдаси қафолатлангандир. Бу иш **«Зарар кўриш фойда олиш билан биргадир»** деган қоидага тўғри келмайди. Шунинг учун молни шерикчилик, музораба каби йўллар билан ишлатиш буларнинг шартлари тўла топилганда жоиздир. Чунки шундай қилганда ундан бутун бир жамоа фойдаланади. Бировларнинг меҳнатлари эксплуатация қилинмайди. Аксинча, улар ўз меҳнатлари билан молдан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. У фойдага қандай рўбарў бўлса, зиёнга ҳам шундай рўбарў бўлади. Судхўрлик - бунинг акси. Унинг ҳаром қилиниши насс биландир. Нассда илллати кўрсатилмаган. Суннатда судхўрлик пуллари баён қилинган. Лекин мол эгаси молини сақлаши керак-ку. У муҳтожнинг ҳожатини қарз бериш орқали чиқариш учун саховат кўрсатмаслиги ҳам мумкин-ку, натижада ҳожатманд ноиложликка учрайди-ку, бирон йўл билан бу ишни олдини олиш керак-ку, ахир. Бугунги кунда хилма-хил эҳтиёжлар пайдо бўлиб тижорат, зироат ва саноатни судхўрлик ушлаб турибди-ку, шунинг учун рибо билан ишлайдиган банклар очилган, бундан бошқа чора йўқ-да, деган хаёллар мияга урилиши мумкин.

Жавоб шуки, биз ҳозирги вазиятдаги жамият хусусида эмас, Ислому тўлалигича, жумладан, иқтисодий жиҳати ҳам татбиқ этиладиган жамият хусусида гапирмоқдамиз. Ҳозирги вазиятдаги жамият капиталистик тузум асосида яшамоқда. Шунинг учун банкларнинг бўлиши ҳаёт заруратларининг бири бўлиб кўриняпти. Ўз мулкида ўзини эркин, деб ҳисоблайдиган, алдаш, монополия қилиш, қимор, судхўрлик ва бошқаларга ҳам ҳаққим бор, деб биладиган, давлат бу ишимни назорат қилолмайди ёки қонун билан чеклолмайди, деб ўйлайдиган сармоядор учун судхўрлик ва банклар ҳаёт заруратларидан биридир.

Шунинг учун ҳозирги иқтисодий тузумни тағ-томири билан қўпориб, унинг ўрнига исломий иқтисод низомини ўрнатиш лозим. Бу тузум йўқ қилиниб, исломий низом татбиқ этилса Ислому татбиқ этиладиган жамиятда рибонинг зарурати йўқлиги одамларга аён бўлади. Чунки инсон ё яшаш ё зироат учун қарзга муҳтож бўлади.

Биринчи эҳтиёжни Ислоом ҳар бир фуқарога тирикчилик ўтказишнинг кафолатлашининг ўзи билан қондиради. Иккинчи эҳтиёжни эса муҳтожга рибосиз қарз бериш билан қондиради. Ибн Ҳиббон ва ибн Можа ибн Масъуддан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُقْرِضُ مُسْلِمًا قَرْضًا مَرَّتَيْنِ إِلَّا كَانَ كَصَدَقَتِهَا مَرَّةً»

«Қайси бир мусулмон яна бир мусулмонга икки марта қарз берса, бир марта садақа бергандек бўлади», деганлар. Муҳтожга қарз бериш мандубдир. Қарз сўраш макруҳ эмас. У ҳам мандуб. Зеро, Пайғамбар ﷺ ҳам қарз сўраганлар. Модомики, қарз берувчи учун ҳам, олувчи учун ҳам мандуб экан, рибонинг иқтисодий ҳаётга нақадар зарарлиги, уни жамиятдан қувиб юбориш зарурлиги ўз ўзидан аён бўлади. Бу иш исломий низом асосидаги қонун ва йўлланма билан амалга ошади.

Рибо йўқ қилинса, бугунги мавжуд банкларнинг ҳолати қолмайди. Байтулмолнинг ўзи қарз сўровчининг молдан фойдаланиш имконияти борлигини текшириб билганидан кейин кейин фоиз қўймасдан қарз бераверади. Умар ибн Хаттоб ؓ Ироқдаги деҳқонларга ўз ерларидан фойдаланишлари учун байтулмолдан пул берган. Шаръий ҳукм шуки, деҳқонларга ерларини ишлатиб фойда (ғалла) чиқариб олишларига имконият берадиган даражада байтулмолдан маблағ берилади. Имом Абу Юсуфдан ривоят қилинади: **«Тирикчилик ўтказолмаётган одамга ердан ишлаб фойдаланиши учун байтулмолдан қарз берилади»**. Байтулмол деҳқонларга зироат учун қарз бергани каби тирикчиликка муҳтож бўлган якка ҳолда ишлайдиганларга ҳам қарз беради. Умар ؓ деҳқонларга тирикчиликларини ўтказишга муҳтож бўлганлари учун пул берган. Шунга кўра, маҳсулотни қўпайтириш учун бой деҳқонларга байтулмолдан ҳеч нарса берилмайди. Тирикчилигини ўтказишга муҳтож бўлган бошқа одамлар мазкур деҳқонларга қиёс қилинади. Негаки,

«أَعْطَى الرَّسُولُ رَجُلًا حَبْلًا وَقَاسًا لِيَحْتَطَبَ مِنْ أَجْلِ أَنْ يَأْكُلَ»

«Пайғамбар ﷺ бир кишига тирикчилик қилиш учун, ўтин қилиб сот, деб арқон ва болта берганлар».

Шуни ҳам айтиш лозимки, рибони тарк этиш исломий жамиятнинг ё исломий давлатнинг ёки қарз берадиган одамнинг борлигига қараб қолган иш эмас. Рибо ҳаромдир. Исломиий давлат ё исломий жамият ёки қарз берадиган одам бўладими, йўқми, уни тарк қилиш вожиб.

Ғабн (ҳаддан ташқари қимматлатиш ёки арзонлатиш)

«Ғабн» сўзи «алдаш» маъносидадир. Савдода алдаш нархни камайтириб ёки кўпайтириб юборишдир. Демак, у нарсани ўз баҳосидан қимматроқ ёки арзонроқ сотишдир. Ортиқ даражадаги ғабн шаръан ҳаромдир. Чунки саҳиҳ ҳадисда уни тарк қилиш катъий талаб этилган. Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилишича, бир кишининг савдода алдаши Пайғамбар ﷺ га айтилганда,

«إِذَا بَايَعْتَ فَقُلْ لَا خِلَابَةَ»

«Савдо қилаётганингда алдамасдан гапир», дедилар. Аҳмад Анас رضي الله عنهнинг замонларида бир киши ақлида заифлик бўлса ҳам савдо қиларди. Унинг аҳли Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, эй Оллоҳнинг Пайғамбари, фалончини тийиб қўйинг, чунки у ақлида заифлик бўла туриб савдо қиляпти дейишди. Пайғамбар ﷺ уни чақириб, савдодан қайтардилар. У эй Оллоҳнинг Пайғамбари, мен савдо қилмасдан туrolмайман, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«إِنْ كُنْتَ غَيْرَ تَارِكٍ لِلْبَيْعِ فَقُلْ هَا وَهَا وَلَا خِلَابَةَ»

«Агар савдони ташлолмайдиган бўлсанг, кеп қолинг, лекин алдаш йўқ, дегин», дедилар. Баззор Анасдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ соғмай, елинида сут тўплаб туяларни сотишдан қайтарганлар. Бу ҳадисда алдамаслик талаб қилинапти. Демак, алдаш - ҳаром. Савдодаги алдаш ортиқ даражада бўлганда ҳаром. Чунки у нарх масаласидир. Нархни бироз ошириб ёки тушириб юбориш алдашга кирмайди. Чунки бу иш кишининг савдолашиш маҳоратига қараб бўлади. Савдода алдов исботланса, алданган одам хоҳласа, савдони бекор қилади, хоҳласа, рози бўлиб кетаверади. Бошқачароқ қилиб айтганда, савдодаги алдов кўриниб қолса, алданган одам сотувчи бўлса, пулни бериб нарсани қайтариб олиш, харидор бўлса товарни бериб пулни қайтариб олиши мумкин. Товон тўлатиш, яъни сотилган баҳо билан товарнинг ҳақиқий баҳоси ўртасидаги фарқни олиш мумкин эмас. Чунки Пайғамбар ﷺ унга савдони бузиш ёки бузмаслик ихтиёрини белгилаганлар, холос. Ундан бошқасини белгиламаганлар. Дорукутний Муҳаммад ибн Яҳё, ибн Ҳиббондан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا بَعْتَ فَقُلْ لَا خِلَابَةَ، ثُمَّ أَنْتَ فِي كُلِّ سَلْعَةٍ تَبْتَاعُهَا بِالْخِيَارِ ثَلَاثَ لَيَالٍ،
فَإِنْ رَضِيتَ فَأَمْسِكْ، وَإِنْ سَخَطْتَ فَارْذُدْهَا عَلَى صَاحِبِهَا»

«Агар сотсанг, алдаш йўқ дегин. Кейин сен ҳар бир сотиб олган матоингда уч кечагача ихтиёрлисан. Рози бўлсанг, олиб қол, рози бўлмасанг, эгасига қайтар». Мана шундан кўриниб турибдики, алданган одам ихтиёрлидир. Лекин унинг ихтиёрли бўлиши икки шарт билан бўлади: Биринчиси, битим (савдо) пайтида уни билмаган бўлиши. Иккинчи, нархни баландлиги ёки пастлиги одамлар қилмайдиган даражада кўп бўлиши. Ортиқ даражанинг миқдори савдогарларнинг келишиб олганларига қараб бўлади. У учдан бир, тўртдан бир қилиб белгиланмайди. Шаҳардаги савдогарларнинг келишувларига ҳавола қилинади. Чунки бу иш товарлар ва бозорларга қараб ҳар хил бўлиб туради.

Савдодаги товламачилик

Аслида, савдо битимига риоя қилиш лозим. Сотувчи ва харидор ўртасида таклиф ва қабул орқали битим тузилиб, мажлис тарқганидан кейин ҳар икки тараф ҳам уни бажариши лозим. Лекин муомала битими одамлар ўртасида низо чиқмайдиган тарзда тузилиши керак. Шунга кўра, шариат одамларга савдодаги товламачиликни ҳаром қилиб, сотувчи ёки харидор тарафидан содир этилишидан қатъий назар уни, гуноҳ, деб белгилади. Чунки товламачилик гоҳида сотувчи тарафидан, гоҳида харидор тарафидан содир этилиши мумкин. Сотувчининг товламачилиги билиб туриб харидордан товарнинг айбини яшириш ё айбни харидор сезмайдиган қилиб ёпиб қўйиши ёки товарнинг ҳамма ёғини чиройли қилиб кўрсатадиган нарса билан ўраб қўйишидир. Харидорнинг товламачилиги эса пулнинг қалбакилигини сотувчидан яширишидир. Товламачилик туфайли товарга қараб нарх ҳам ўзгаради. Гоҳида харидор товламачилик туфайли товарга қизиқаётган бўлиши ҳам мумкин. Товламачиликнинг ҳамма тури ҳам ҳаромдир. Бухорий Абу Хурайрадан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا تُصَرُّوا الْإِبِلَ وَالْغَنَمَ، فَمَنْ ابْتَاعَهَا بَعْدَ، فَإِنَّهُ بِخَيْرِ النَّظَرَيْنِ، بَعْدَ أَنْ يَجْتَلِبَهَا، إِنْ شَاءَ أَمْسَكَ، وَإِنْ شَاءَ رَدَّهَا وَصَاعَ تَمْرٍ»

«Туя ва қўйларни елини сутга тўлсин деб, бир неча кун соғмай турманглар. Кимки, шу ишдан кейин уларни сотиб олса, уларни соғганидан сўнг икки ишда ихтиёрли бўлади: Хоҳласа,

олиб қолади, хоҳласа, бир соҳ хурмо қўшиб қайтариб беради». Ибн Можа Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ ابْتِغَاءَ مُصْرَاةً فَهُوَ بِالْخِيَارِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ، فَإِنْ رَدَّهَا، رَدَّ مَعَهَا صَاعًا مِنْ تَمْرٍ،
لَا سَمْرَاءَ»

«Кимки, елини сутга тўлиши учун соғилмай турган туяни сотиб олса, уч кунгача ихтиёрлидир. Қайтарадиган бўлса, қорайиб кетмаган хурмодан бир соҳ қўшиб беради». Бир соҳ хурмодан мурод сутнинг пулидир. Баззор Анас رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ

«أَنَّهُ نَهَى عَنِ بَيْعِ الْمُحَفَّلَاتِ»

Соғмай, елинида сут тўплаб туяларни сотишдан қайтарганлар. Мана бу ҳадислар туя ва қўйларни елини сутга тўлиши учун соғмай туришдан ҳам, шундай қилинган ҳайвонларни сотишдан ҳам очик қайтаряпти. Ҳайвонларнинг елинини катта, серсут қилиб кўрсатиш учун бу ишни қилиш алдовдир, ҳаромдир. Товарнинг айбини яшириш ҳам шунга ўхшаш ишдир. У товарда бўладими, пулда бўладими, фарқи йўқ. Муслмон кишининг кимматроққа сотиш учун товардаги айбни яширишга ҳам, сотувчига ўтказиб юбориш учун пулнинг қалбакилигини билдирмасликка ҳам ҳаққи йўқ. Тўғриси айтиши шарт. Чунки Пайғамбар ﷺ бу ишдан қатъий қайтарганлар. Ибн Можа Уқба ибн Омирдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، وَلَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ بَاعَ مِنْ أَخِيهِ بَيْعًا فِيهِ عَيْبٌ إِلَّا بَيْنَهُ
لَهُ»

«Муслмон муслмоннинг биродаридир. Биродарига айбли нарсани сотаётганида уни билдирмасдан сотиши ҳалол бўлмайди», деганлар. Бухорий Ҳаким ибн Ҳизомдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا، فَإِنْ صَدَقَا وَبَيْنَا بُرُوكَ لُهُمَا فِي بَيْعِهِمَا، وَإِنْ كَتَمَا
وَكَذَبَا حَقَّتْ بَرَكَةُ بَيْعِهِمَا»

«Сотувчи ва харидор, модомики ажралмаган эканлар, ихтиёрлидирлар. Агар ростини айтиб, очик гапирсалар,

савдолари баракали бўлади. Ёлғон гапириб, яширсалар, савдоларидаги барака учеди». Яна Пайғамбар ﷺ:

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ عَشَّ»

«Алдаган одам биздан эмас», деганлар. Бу ҳадисни ибн Можа ва Абу Довуд Абу Ҳурайра йўлидан ривоят қилганлар. Кимки, товламачилик ва алдов йўли билан бир нарсани қўлига киритса, унга эгалик қилолмайди. Чунки у эгалик қилинадиган эмас, қайтарилган воситалардандир. Бир сўз билан айтганда, харомдир. Ношаръий йўл билан топилган молдир. Пайғамбар ﷺ:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ حَتْمَ نَبَتٍ مِنْ سُحْتٍ، النَّارُ أَوْلَىٰ بِهِ»

«Ношаръий йўл орқали ўсган гўшт жаннатга кирмайди, унга дўзах лойикрок», деганлар. Бу ҳадисни Аҳмад Жобир ибн Абдуллоҳ йўлидан ривоят қилган. Товардами, пулдами, товламачилик содир этилса, алданган одам ихтиёрлидир. Хоҳласа, битимни бузади, хоҳласа, рози бўлиб кетаверади. Бундан бошқасига ҳаққи йўк. Харидорнинг сотилган товарни олиб қолиб, товон ҳам, яъни айбсиз товар билан айбли товар ўртасидаги фарқни ҳам олишга ҳаққи йўк. Чунки Пайғамбар ﷺ унга товон олиш ҳуқуқини белгиламаганлар. Унда фақат икки ишда ихтиёр берганлар:

«إِنْ شَاءَ أَمْسَكَ، وَإِنْ شَاءَ رَدَّهَا»

«Хоҳласа олиб қолади, хоҳласа қайтаради». Бу ҳадисни Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилади.

Ихтиёр берилишида сотувчининг товламачиликни ёки айбини билган бўлиши шарт эмас. алданган одамга товламачилик содир этишининг ўзи билан сотувчи бундан хабардорми, йўкми, ихтиёр берилаверади. Чунки ҳадислар умумий маънода келган. Қолаверса, бу тарзда савдо қилишдан қайтарилган. Ғабнда бундай эмас. Унда ғабн бўлаётганини билиш шарт. Зеро, агар билмаган бўлса, воқеъ унинг алдаганлигини кўрсатмайди. Алданганга ҳеч қандай ҳуқуқ ҳам берилмайди. Масалан, бозорнинг нархи тушиб кетсаю сотувчи бундан беҳабар қолиб, товарини қимматроққа сотган бўлса, уни алдоқчи, деб бўлмайди. Харидорга ихтиёр берилмайди ҳам. Чунки нархнинг тушиб кетганидан беҳабар сотувчининг алдаганлиги тасдиқ этилмайди.

Эҳтикор (монополия)

Эҳтикор қилиш мутлақо тақиқланади. У шаръан харомдир. Ҳадисда ундан катъий қайтарилган. Муслим Саид ибн

Мусаййабдан, у Муаммар ибн Абдуллоҳ Адавийдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا يَحْتَكِرُ إِلَّا خَاطِئٌ»

«Эҳтикор қилган кимса хатокор-гуноҳкордир», деганлар. Асром Абу Умомадан ривоят қилишича:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يُحْتَكِرَ الطَّعَامَ»

«Пайғамбар ﷺ озиқ-овқатни эҳтикор қилишдан қайтарганлар». Муслим Саид ибн Мусаййабдан, у Муаммардан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ احْتَكَرَ فَهُوَ خَاطِئٌ»

«Эҳтикор қилган одам хатокор-гуноҳкордир», деганлар. Ҳадислардаги эҳтикордан қайтариш билан бирга уни қилган одамнинг, гуноҳкор, дея мазамматланиб келиши тақиқлашнинг қатъийлигини кўрсатади. Демак, ҳадислар эҳтикорнинг ҳаромлигига далолат қияпти. Эҳтикор товарни қимматроққа сотиш мақсадида шаҳар аҳолисини танг аҳволга кўядиган даражада қимматланишни кутиб, тўплаб қўйишдир. Негаки, эҳтикор сўзининг маъноси «якка ўзи эгалик қилиш», «ўзим бўлай» деганидир. Товарни ҳам кўпроққа сотиш учун ўзида ушлаб қолиш ўшандан олинган. Демак, нарсани эҳтикор қилиш қимматлашини кутиб, тўплаб, кейин қимматга сотишдир. Шаҳар аҳлининг эҳтикор қилинган товарни сотиб олишда танг аҳволгача бориб етишининг шарт қилинишига сабаб шуки, ҳолат шу даражага етгандагина эҳтикор юзага келади. Чунки одамларда товарни сотиб олиш танглиги юзага келмаса, қимматроққа сотиш учун тўплаш, йиғиш, деган нарса ҳам бўлмайди. Шунга кўра, эҳтикор бўлиши учун товарни сотиб олиб, йиғиши шарт эмас. Қимматроққа сотиш учун қимматлашини кутиб тўплашнинг ўзи эҳтикор ҳисобланаверади. Сотиб олиб тўплайдими, кенг ерларини ҳосилидан тўплайдими, фарқи йўқ. Ғалланинг маълум бир турига якка эгалик қилиш ёки зироатининг камёблиги учун уни тўплаш ёхуд саноатнинг маълум бир турига якка эгалик қилиш ёки шу саноатни камёбга айлантириш учун ҳамма корхоналардан шу турдаги саноат молларини сотиб олиб тўплаш эҳтикордир. Капиталистик монополияларда мана шундай иш қилинади. Улар ўзларининг саноатларидан бошқа корхоналарни синдириб эҳтикор қиладилар-да, бозорни эгаллаб оладилар. Бу ишларнинг ҳаммаси эҳтикордир. Чунки улар эҳтикор сўзининг мазмунига тўғри келади. Зеро, эҳтикор товар ёки

товарларни қимматга сотиш учун қимматлашини кутиб, кейин қимматга сотишдир.

Одамзотнинг озуқаси бўладими, хайвоннинг озуқаси бўладими, озуқадан бошқа нарса бўладими, одамларнинг биринчи даражали эҳтиёж моллари бўладими, иккинчи даражали эҳтиёж моллари бўладими - ҳаммасини эҳтикор қилиш ҳаром. Чунки эҳтикорнинг луғавий маъноси, умуман нарса тўплашдир. Уни овқат, озуқа, биринчи даражали эҳтиёж молларига хословчи ҳужжат келган эмас. Ҳадисларни зоҳири шунга далолат қилади. Улар қайдланмас (чекланмас)дан мутлақ, хосланмасдан умумий бўлиб келган ва мутлақлигича, умумийлигича қолади.

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يُحْتَكَرَ الطَّعَامُ»

«Пайғамбар ﷺ таомнинг эҳтикор қилишдан қайтарганлари» каби эҳтикорни таомга боғловчи ҳадислар ҳам ворид бўлган. Лекин бу дегани, эҳтикорни таомга хослаш дегани эмас. Эҳтикор борасидаги ривоятларнинг айримлари мутлақ, айримлари эса муқайяд (чекланиб) келган, шундай бўлгач мутлақлари муқайядлари маъносидадир, деб бўлмайди. Чунки ривоятлардаги таом сўзи мутлақ ривоятларни қайдлашга ярамайди. У бор-йўғи мутлақ келган маънонинг бир қисми, холос. Таомдан бошқасидан бу ҳукми йўқ қилиш сифатнинг эмас, лақабнинг мафҳуми бўляпти. Лақабнинг мафҳумига эса амал қилинмайди. У қайдлашга ҳам, хослашга ҳам ярамайди. Бу гапнинг тафсилотига киришадиган бўлсак, эҳтикор ҳақидаги айрим ривоятларда таомнинг айтилиши эҳтикорнинг бир турига мисол сифатида ҳужжат келтиришдир. У эҳтикорнинг қайди ҳам, амал қилинадиган мафҳумига эга бўлган васф ҳам эмас. У бор-йўғи аниқ бир нарсанинг номи, яъни лақаби холос. Сифат бўлмаганидан кейин унинг мафҳумига амал қилинмайди. Қайд ёки хословчи бўлиш учун амал қилинадиган мафҳумига эга бўлган нарса бўлиши керак. Бу ерда эса ундай нарса йўқ. Шунга кўра, эҳтикордан қайтарувчи ривоятлар, ҳатто, таом сўзи айтилганлари ҳам мутлақ ва умумий маънодаги ҳадислар бўлиб, мутлақо ҳамма нарсани эҳтикор қилишдан қайтаришни ўз ичига олади. Эҳтикор қилувчининг воқеъи шуки, у товарни тўплаб олиб, одамларни ўзи хоҳлаган нархга мажбур қилади, бозорни эгаллаб олади. Одамлар бошқа жойдан тополмагач, қиммат бўлса ҳам сотиб олишга мажбур бўладилар. Бу ишнинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, эҳтикор қилувчининг мусулмонларга нархни қимматлаштирмоқчи бўлаётганини кўрамиз. Бу иш ҳаромдир.

Маъқал ибн Ясордан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ دَخَلَ فِي شَيْءٍ مِنْ أَسْعَارِ الْمُسْلِمِينَ، لِيُعْلِيَهُ عَلَيْهِمْ، كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُقْعِدَهُ بِعُظْمٍ مِنَ النَّارِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Кимки, қимматлаштириш мақсадида муслмонларнинг нархларига бирор нарсани киритса, қиёмат кунда уни улкан оловга ўтирғизиш Оллоҳнинг ҳаққи бўлиб қолади».

Нарх белгилаш

Оллоҳ Таоло ҳар бир шахсга товарини ўзи хоҳлаган нархда сотишини белгилаб қўйган. Ибн Можа Абу Саиддан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّمَا الْبَيْعُ عَنْ تَرَاضٍ»

«Савдо ўзаро розиликдан (ҳосил бўлади)», деганлар. Одамларга нарх белгиловчи кўпроқ давлат бўлгани туфайли Оллоҳ Таоло унга товарга муайян нарх белгилаб, одамларни шу нархда олди-сотди қилишга мажбурлашни ҳаром қилган. Нарх белгилашдан қайтарувчи ҳужжат ворид бўлган.

Нарх белгилаш дегани, халифа, унинг ноиби ёки бирор амалдорнинг бозорчиларга нархлар кўтарилиб ёки пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида, товарни фалон нархда сотасан, ошириб юбормайсан, деб буюришидир. Бунинг маъноси, жамият манфаати, деган эътибор билан давлатнинг нархларга аралашиб, ҳамма товарларга ёки айримларига муайян нархлар белгилаб, одамларга ундан қиммати ёки арзонига сотишни тақиқлаши, демакдир. Ислоҳ нарх белгилашни мутлақо ҳаром қилган. Аҳмад Анасдан ривоят қилади:

«غَلَا السَّعْرُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَوْ سَعَرْتَ. فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْخَالِقُ، الْقَابِضُ، الْبَاسِطُ، الرَّازِقُ، الْمُسَعِّرُ، وَإِنِّي لَأَرْجُو أَنْ أَلْقَى اللَّهَ، وَلَا يَطْلُبُنِي أَحَدٌ بِمَظْلَمَةٍ ظَلَمْتُهَا إِلَيْهِ فِي دَمٍ، وَلَا مَالٍ»

«Пайғамбар ﷺнинг замонларида нарх қимматлашди. Одамлар, эй Расулуллоҳ, нарх белгилаб қўйганингизда эди, дейишди. Шунда у киши: Яратувчи ҳам, мўл қилиб берувчи ҳам, бермай турувчи ҳам, ризқ берувчи ҳам, нарх белгиловчи ҳам Оллоҳнинг Ўзидир. Мен Оллоҳга биронта одам мол борасида ҳам, жон борасида ҳам, шу менга зулм қилган, деб

устимдан арз қилмагани ҳолда йўлиқишни умид қиламан», дедилар. Абу Довуд Абу Хурайрадан ривоят қилади:

«إِنَّ رَجُلًا جَاءَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، سَعَرْتُ. فَقَالَ: بَلْ أَدْعُوا. ثُمَّ جَاءَهُ رَجُلٌ

فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، سَعَرْتُ. فَقَالَ: بَلْ اللَّهُ يَخْفِضُ وَيَرْفَعُ»

«Бир киши келиб, эй Расулulloх, нарх белгилаб қўйинг, деди. У киши: Яхшиси дуо қилинглар, дедилар. Кейин яна бир киши келиб, эй Расулulloх, нарх белгилаб қўйинг, деди. У киши: Нархни оширадиган ҳам, туширадиган ҳам Оллоҳдир, дедилар». Бу ҳадислар нарх белгилашнинг ҳаромлигини, ҳокимга шикоят қилинадиган зулм эканини, бу ишни ҳокимнинг ўзи қилса, ҳаром ишни қилгани боис Оллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлишини кўрсатиб турибди. Ҳар бир фуқаро нарх белгилаган кишининг устидан, у ҳоким ёки халифа бўлишдан қатъий назар, шикоятлар маҳкамасига арз қилиш ҳуқуқига эга. Маҳкама шикоятни кўриб чиқиб, унинг талабини қондиришга бурчлидир.

Нарх белгилашнинг ҳаромлиги ҳамма товарларга тегишлидир. Озиқ-овқат ёки бошқа нарса бўлишининг фарқи йўқ. Чунки нарх белгилашдан қайтарувчи ҳадислар мутлақ ва умумий маънода келган. Уларни озиқ-овқат ёки бошқасига хословчи омил йўқ. Шунга кўра, нарх белгилашнинг ҳаромлиги умумий бўлиб, ҳамма товарни ўз ичига олади.

Нарх белгилаш хоҳ уруш, хоҳ тинчлик ҳолатида бўлсин, ҳамма шароитларда уммат учун ўта зарарли ишдир. Чунки у махфий бозорни очиб беради. Одамлар давлатдан беркитиб, унинг назоратидан қочиб, савдо қила бошлайдилар. Ҳозирги замонда уни, қора бозор, дейдилар. Натижада нархлар кўтарилиб, ҳамма товарларни бойлар эгаллаб олиб, камбағаллар четда қоладилар. Негаки, нархни белгилаш истеъмолга ҳам, ундан ўтиб ишлаб чиқаришга ҳам таъсир қилади. Иқтисодий тангликни юзага келтириши ҳам мумкин. Бунинг устига одамлар ўз молларининг ҳукмронларидирлар. Мулкка эга бўлиш унга ҳукмронлик қилишдир. Нарх белгилаш эса бундан қайтаришдир. Шаръий ҳужжатсиз бу ишни қилиш мумкин эмас. ҳужжат эса ворид бўлмаган. Шунга кўра, одамларнинг товарларига муайян нарх белгилаб, уни ошириш ёки туширишни тақиқлаш жоиз эмас. Уруш пайтлари ёки сиёсий тангликлар чоғидаги нархларнинг кўтарилиб кетиши, бозорда товарларнинг етишмаслиги туфайлидир. Бунинг илдизи эҳтикор ёки камайиб кетганликка бориб тақалади. Агар етишмаслик эҳтикордан келиб чиқаётган бўлса, бу ишни Оллоҳ

ҳаром қилган. Камайиб кетганликдан келиб чиқаётган бўлса, одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб етишмаётган товарларни ўзининг жойларидан олдириб келиб, бозорга қўйиш халифанинг бурчидир. Шу билан нархлар кўтарилишнинг олди олинади. «Рамода йили, деб номланган очарчилик йилида озуқа камёблигидан фақат Хижоздагина очарчилик бўлганди, нархлар кўтарилганди. Ўшанда Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه озиқ-овқатга муайян нарх белгиламади, балки одам юбориб Миср ва Шом диёрларидан Хижозга озиқ-овқат олдириб келди. Шу билан нархлар тушди. Нарх белгилашга ҳожат қолмади».

ҚАРИНДОШЧИЛИК ВА НАФАҚА ТАРЗИДА САРФЛАШ ТАСАРРУФИ ХУҚУКИ

Нафақа қилиш ҳам тасарруф ҳуқуқидандир. У эвасиз сарфлашдир. Эвасли сарфлаш нафақа дейилмайди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

– „Оллоҳ йўлида сарфланглар!“, [2:195]
яна айтади:

﴿وَمَا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ﴾

– „... Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган тақволи кишилар...“, [2:3]
яна айтади:

﴿لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّنْ سَعَتِهِ﴾

– „Бойлик эгаси бойлигидан сарфласин“. [65:7]
Ислом бу йўлга ҳам юриб, нафақа қилинадиган жойларни белгилаб, унга қонун-қоидалар чиқариб қўйган. Мол эгасига тасарруфни мутлақ топшириб, хоҳлаганча сарфлашига қўйиб бермайди. Балки унга ҳаётлигида ҳам, ўлганидан кейин ҳам қандай тасарруф қилишини белгилаб беради. Шахсинг ўз мулкани бошқага эвасиз ўтказиши ё уни одамларга бериб юбориши билан ёки ўзига ва қарамоғидагиларга сарфлаши билан бўлади. Бу сарф ҳаётлигида совға, ҳадя, нафақа кабиларни қилиши билан, вафотидан кейин эса васият кабилар билан бўлади. Ислом бу тасарруфга аралашиб шахсни уруш чоғида мусулмонга қарши кучлантирадиган нарсани душманга бериш ёки ҳадя қилишдан қайтарган. Шунингдек, ўзи ва қарамоғидагиларнинг ҳожатига ярашасини олиб қолгандан кейингина қолганини бериш, ҳадя ё садақа қилишга буюради. Ўзи ёки қарамоғидагилар муҳтож бўла туриб берса, берганларининг ҳаммаси - бекор. Пайғамбар ﷺ:

«خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِنَى، وَأَبْدَأُ بِمَنْ تَعُولُ»

«Энг яхши садақа беҳожатлик ортидан қилинганидир ва уни қарамоғингдагилардан бошлагин», дедилар. Бу ҳадисни Бухорий Абу Хурайрадан ривоят қилган. Дорамий Жобир ибн Абу Абдуллоҳдан ривоят қилади:

«بَيْنَمَا نَحْنُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، إِذْ جَاءَهُ رَجُلٌ مِمَّنْ أَلْبَسَ مِنْ ذَهَبٍ، أَصَابَهَا فِي بَعْضِ الْمَغَارِي (قال أحمد: في بعض المعادن وهو الصواب) فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، خُذْهَا مِنِّي صَدَقَةً، فَوَاللَّهِ مَا لِي بِهَا غَيْرُهَا، فَأَعْرَضَ عَنْهُ، ثُمَّ جَاءَهُ عَنْ رُكْبَتَيْهِ الْأَيْسَرِ فَقَالَ مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ جَاءَهُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ فَقَالَ مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ قَالَ: هَاتِمَا، مُغْضَبًا، فَحَدَفَهُ بِهَا حَدَفَةً لَوْ أَصَابَهُ لَأَوْجَعَهُ، أَوْ عَقَرَهُ، ثُمَّ قَالَ: يَعْمَدُ أَحَدُكُمْ إِلَى مَالِهِ، لَا يَمْلِكُ غَيْرَهُ، فَيَتَصَدَّقُ بِهِ، ثُمَّ يَقْعُدُ يَتَكَفَّفُ النَّاسَ. إِنَّمَا الصَّدَقَةُ عَنْ ظَهْرِ غِيٍّ. خُذِ الَّذِي لَكَ، لَا حَاجَةَ لَنَا بِهِ، فَأَخَذَ الرَّجُلُ مَالَهُ»

«Пайғамбар ﷺнинг хузурларида эдик. Бир киши тухумдек келадиган олтинни кўтариб кириб келди. Унга бир ғазотда эришган экан. (Аҳмад, бир кондан олган экан, дейди. Шуниси - тўғри) У эй Расулulloҳ, шуни мендан садақа сифатида олинг, Оллоҳга қасамки, менинг шундан бошқа молим йўқ, деди. Пайғамбар ﷺ ундан юз ўғирдилар. Чап ёнларидан келиб, яна шундай деди. Сўнг олд тарафларидан келиб яна ўша сўзни айтди. Шунда Пайғамбар ﷺ ғазабланиб, бер, дедилар-да, уни шундай улоқтирдиларки, агар унга текканида оғритган ёки ярадор қилган бўларди. Кейин, бирингиз бошқа мулки бўлмаса ҳам бор нарсасини садақа қилиб юборди-да, сўнг одамлардан тиланиб ўтиради, беҳожатлик ортидан қилинган садақагина садақа ўрнига ўтади, ол бунингни, биз унга мухтож эмасмиз, дедилар. Ҳалиги киши молини олди». Инсоннинг ўзи ва қарамоғидагилари учун олиб қолган бойлиги зарурий ва қамоллий эҳтиёжларига етадиган молдир. Ейиш, кийиш, жой зарурий эҳтиёж ҳисобланса, одамлар орасида одат тусига кирган оддий яшаш тарзи қамоллий эҳтиёжларга қиради. Бу нарса ўзи ва қарамоғидагиларнинг атрофидаги одамлар каби яшаш тарзи даражасини сақлаб қолгани ҳолда одатдаги эҳтиёжга қараб белгиланади. Энди Оллоҳ Таолонинг

﴿وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ﴾

– „Гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар“, [59:9]

деган оятга келсак, унинг маъноси айримлар ўйлаганидек, мухтож бўла туриб дегани эмас, асосий эҳтиёжларидан ташқари бошқа

эҳтиёжлари ҳам бўла туриб, деганидир. Бунга далил шуки, Пайғамбар ﷺ ўзлари муҳтож бўлганларнинг нарсасини қайтариб бердилар, ўзлари муҳтож бўлмаганларнигина садақа қилишдан қайтармадилар. Оятдаги «хососат» сўзи эҳтиёж маъносидадир. Аслида, у уйнинг ёриқлари, тешикларини англатади. Оят тўлалигича мана бундай:

﴿وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِّمَّا أُوتُوا وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ﴾

– „У (муҳожир)ларга берилган нарса ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар“, [59:9] яъни, гарчи ансор саҳобалар ўз эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки ишларига сарфлаш учун молга эҳтиёж сезсалар ҳам, муҳожир саҳобаларга берган нарсаларига ҳеч ачинмадилар. Пайғамбар ﷺнинг:

«إِنَّمَا الصَّدَقَةُ عَنْ ظَهْرِ غِنَىٰ»

«Садақа беҳожатлик ортидан қилинади».

﴿يَعْمَدُ أَحَدِكُمْ إِلَىٰ مَالِهِ، لَا يَمْلِكُ غَيْرَهُ، فَيَتَصَدَّقُ بِهِ، ثُمَّ يَفْعُدُ يَتَكَفَّفُ

النَّاسَ﴾

«Бировинглар молга муҳтож бўлатуриб, ундан бошқа мулки бўлмаса ҳам садақа қилади-да, кейин одамлардан тиланиб ўтиради» деган ҳадисларидаги садақадан қайтариш асосий эҳтиёжларини қондирилмаётган камбағалнинг ўз эҳтиёжини қондиришга керак бўлиб турган молини садақа қилиши жоиз эмаслигини кўрсатапти. Чунки садақа беҳожатлик ортидан, яъни асосий эҳтиёжларини қондиришда одамларга муҳтож бўлмаслик ортидан қилинади. Энди кимнинг асосий эҳтиёжидан ортикча моли бўлиб, асосий эҳтиёжларини қондирганидан кейин камолий эҳтиёжларини қондирмоқчи бўлса, унга камолий эҳтиёжларини қондириш учун ўз молига эҳтиёжи бўлса-да, ўзидан кўра камбағалларни афзал кўриши мандубдир.

Шунингдек, Ислому шахсга ўлим тўшагида ётганидан кейин бериш, ҳадя қилиш, васият қилишни ман қилди. Шу пайтда берган, ҳадя ёки васият қилган одамнинг қарори молини учдан бирига нисбатангина ижро этилади. Доруқутний Абу Дардодан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ تَصَدَّقَ عَلَيْكُمْ بِثُلْثِ أَمْوَالِكُمْ عِنْدَ وَفَاتِكُمْ، زِيَادَةً فِي حَسَنَاتِكُمْ، لِيَجْعَلَهَا لَكُمْ زِيَادَةً فِي أَعْمَالِكُمْ»

«Оллоҳ амалларингиз ва яхшиликларингизни зиёда қилиш учун вафот қилаётган пайтингизда молларингизнинг учдан бирини ўзларингизга инҳом қилди». Имрон ибн Ҳусайн ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَنْصَارِ أَعْتَقَ سِتَّةَ أَعْبِدٍ لَهُ فِي مَرَضِهِ، لَا مَالَ لَهُ غَيْرِهِمْ، فَاسْتَدْعَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فَجَزَّاهُمْ ثَلَاثَةَ أَجْرَاءٍ، وَأَقْرَعَ بَيْنَهُمْ، فَأَعْتَقَ اثْنَيْنِ وَأَرْقَ أَرْبَعَةً»

«Бир ансорий бетоблигида (яъни ўлаётганида) олтига қулини озод қилди. Унинг шундан бошқа моли йўқ эди. Пайғамбар ﷺ уларни чақиртириб, уларни уч қисмга ажратдилар ва қурҳа ташладилар. Иккитасини озод қилиб, тўрттасини қулигича қолдирдилар». Модомики, инсоннинг қул озод қилиши шариат шу ишга ундаганлигига қарамадан ижро этилмаган экан, бошқа тасарруфларнинг ижро этилмаслиги ўз-ўзидан аён.

Юқорида айтиб ўтганларимиз шахснинг одамларга бериши хусусида. Энди унинг ўзи ва қарамоғидагиларга сарфлашига тўхталадиган бўлсак, Ислом бу ишга ҳам аралашиб, унинг тўғри йўлини чизиб бериб, шахсни куйидаги ишлардан қайтарди:

а) Шахсни исрофдан қайтарди. Исрофгарчиликни тентаклик, деб ҳисоблаб, исрофгарни ўзича мол ишлатишдан ман қилиб, бошқани унга васий қилган. Токи, васий унинг фойдаси учун молларини тасарруф қилиб берсин. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تُؤْتُوا السُّفَهَاءَ أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيَامًا وَارْزُقُوهُمْ فِيهَا وَاكْسُوهُمْ﴾

– „Ақлсиз кимсаларга Оллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни бериб қўйманг, балки уларни ўша моллардан едириб-ичиринглар“.

[4:5]

Демак, Оллоҳ исрофгарларга (тентакларга) мол беришдан қайтарган. Уларни фақат ейиш ва кийиш билан таъминлашни буюрган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمِلَّ هُوَ فليُؤْتِ وَلِيُّهُ بِالْعَدْلِ﴾

– „Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз бўлса, ёки ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин“.

[2:282]

Бу оятда исрофгарга (тентакка) волий бўлишни вожиб қилган. Муғйира ибн Шуъбанинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ

﴿نَهَى عَنْ إِضَاعَةِ الْمَالِ﴾

молни зоя қилишдан қайтарганлар. Дорамий ва икки шайх ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган.

Исроф қилиш ва созуриш сўзларининг ҳам луғавий ва ҳам шаръий маънолари бор. Одамлар кўпроқ луғавий маъносига эътибор қилиб, шаръий маъносини четда қолдирадилар-да, уларни шариат хоҳлаганидан бошқача тафсир қиладилар. Уларнинг луғавий маъноси иқтисоднинг зидди бўлиб, ҳаддан, мўътадилликдан ошиш, демакдир. Фалончи молни совурди, дегани луғатда, сочиб юборди, деганидир. Уларнинг шаръий маънолари эса молни Оллоҳ қайтарган ишга сарфлашдир. Оллоҳ буюрган ёки рухсат берган иш учун қилинган сарф оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар исроф ва созуриш ҳисобланмайди. Ривоят қилинишича, Зухрий Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ﴾

– „Кўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарлик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг“,

[17:29]

деган оятини, ўринли жойидан қизғонма, ботилга сарфлама, деб тафсир қилган. Қуръони Каримнинг бир неча оятларида исроф сўзи ворид бўлган:

﴿وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا﴾

– „Улар эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, ана ўша ўрта-мўътадил бўлур“,

[25:67]

бу оятда исроф гуноҳ ишларга қилинган сарфдир. Савоб ишларга қилинган сарф - исроф эмас. Оятнинг маъноси: молингизни гуноҳ ишларга сарфламанглар ва мубоҳ ишлардан қизғонманглар, фақат мубоҳдан кўра яхшироқ ишларга, яъни тоатларга сарф этинглар, деганидир. Демак, мубоҳдан бошқасига сарфлаш айбдир. Мубоҳдан

қизганиш ҳам айбдир. Мубоҳ ва тоатларга сарфлаш эса фазилатдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ﴾

– „Исроф қилманглар! Албатта, У исроф қилувчиларни севмас“, [6:141]

бу оятда Оллоҳ Таоло исрофни, яъни гуноҳларга сарфлашни мазаммат қиляпти. Исрофгарлар сўзи, Оллоҳнинг зикридан юз ўгирувчи, маъносида ҳам келган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُ صُورَهُ مَرَّ كَأَنَّمَا يَدْعُنَا إِلَىٰ صُرٍّ مَسَّهُ كَذَلِكَ زِينٌ لِلْمُسْرِفِينَ
مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

– „Энди қачонки Биз ундан мусибатини кетқизсак, гўё (ҳеч қачон) ўзига етган бало-мусибатдан Бизга илтижо қилмагандек (юз ўгириб) кетур. Ҳаддан ошувчи кимсаларга ўз қилмишлари мана шундай чиройли қилиб қўйилди“, [10:12]

яъни шайтон васваса қилиб, исрофгарларнинг зикрдан юз ўгиришлари ва шахватларга эргашишларини чиройли қилиб кўрсатди. Бу ерда Оллоҳнинг зикридан юз ўгирувчилар, исрофгарлар, деб номланяпти. Исрофгарлар сўзи ёмонликлари яхшиликларидан ошиб тушганлар, деган маънода ҳам келган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا جْرَمَ أَمَّا تَدْعُونِي إِلَيْهِ لَيْسَ لَهُ دَعْوَةٌ فِي الدُّنْيَا وَلَا فِي الْآخِرَةِ وَأَنْ مَرَدْنَا إِلَىٰ
اللَّهِ وَأَنَّ الْمُسْرِفِينَ هُمْ أَصْحَابُ النَّارِ﴾

– „Шак-шубҳа йўқки, албатта сизлар мени чақираётган бутларингиз на дунёда ва на охирада даъват қила олмас. Албатта, Оллоҳга қайтишимиз бордир. Дарҳақиқат, ҳаддан ошувчи кимсаларгина дўзах эгаларидир“. [40:43]

Қатода, **бу ердаги исрофгарлардан мурод, мушриклардир**, дейди. Мужоҳид эса, **исрофгарлар ноҳақ қон тўқувчилардир**, дейди. Яна бир қавлда ёмонликлари яхшиликларидан ошиб кетганлар **исрофгарлардир**, дейилган. Исрофгарлар сўзи бузғунчилар, маъносида ҳам ворид бўлган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا أَمْرَ الْمُسْرِفِينَ ﴿١٥٢﴾ وَالَّذِينَ يُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ﴾

– „Бас, Оллоҳдан қўрқинлар ва менга итоат этинглар! Ер юзида бузғунчилик қиладиган ва ўнглай олмайдиган ҳаддан ошувчи кимсаларнинг амрига итоат этманглар!“, [26:150-152]

бу оятларнинг биронтасида исрофнинг луғавий маъноси, мутлақо, қўлланган эмас. ҳаммасида фақат шаръий маънолар ирода қилинган. Бу сўз сарфлаш сўзи билан ёнма-ён келса, гуноҳ ишга пул ишлатиш, маъносидадир. Уни луғавий маънода тафсир қилиш жоиз эмас. Чунки Оллоҳ бу билан муайян шаръий маънони ирода қилган. Согуришнинг ҳам шаръий маъноси, молни ҳаром ишларга сарфлашдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تُبَدِّرْ تَبَدِيرًا ﴿٢٦﴾ إِنَّ الْمُبَدِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ﴾

– „Исрофгарликка йўл қўйманг! Чунки исроф қилувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир“. [17:26,27]

Яъни ёмонликда уларга ўхшаганлардир. Мазамматнинг чўққиси - мана шу. Чунки шайтонлан ҳам ёмонроқ махлуқ йўқ. Бу ердаги согуриш молни нолойиқ жойга сочишдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд, согуриш молни ноҳақ жойга сарфлашдир, деган. Мужоҳид ботил ишга бир мудд сарфланса ҳам, согуриш бўлади, деган. Ибн Аббос согурувчини ноҳақ ишга сарфловчи, деган. Қатода согуришни, Оллоҳга гуноҳ қилишга, ноҳақ ишга ва бузғунчиликка сарфлашдир, деган. Бу сўзларни Табарий ўзининг тафсирида келтирган. Шулардан кўриниб турибдики, исроф ва согуришдан мурод Оллоҳ ҳаром қилган ишга сарфлашдир. Демак, шарият ҳаром қилган ишга сарфлаш ноҳақ сарфлаш ҳисобланиб, бу ишдан инсон қайтарилади. Қайтарилгандан кейин ҳам тийилмаган одамнинг садақаси ҳам, ҳадяси ҳам, савдоси ҳам, никоҳи ҳам ўтмайди. Бировдан қарз олган бўлса, қарзи адо қилинмайди. Қайтарилмасдан аввал қилган иши то қози қайтаргунига қадар ўтади. Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسِطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا﴾

﴿مَحْسُورًا﴾

– „Қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарлик қилиши билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда, маломат ва надоматда қолурсиз“, [17:29]

деган ояти очикқўлликдан эмас, мутлақо очикқўллик қилиб юборишдан қайтаряпти. Оллоҳ очикқўлликдан, яъни ҳалол ишга кўп мол сарфлашдан қайтармаган. Мутлақо очикқўллик қилиб юборишдан, яъни ҳаромга сарфлашдан қайтарган. Маълумки, очикқўллик кўп мол сарфлашдир. Бу ишдан қайтарилмаётгани унинг ҳалолга сарфлаш эканига, мутлақо очикқўлликдан қайтарилмаётганлиги эса унинг ҳаромга сарфлаш эканига далилдир.

Юқорида айтганларимиз далил жиҳатидан айтилган гаплардир. Энди бу масалага сарфлаш воқеъи жиҳатидан ёндашамиз. Одамни оз ёки кўп сарфлаганлигини аниқлаш диёридаги яшаш даражасига қараб белгиланади. Шундай диёрлар борки, уларда шахс асосий эҳтиёжларини ҳам тўла қондиrolмайди. Шундай бўлгач, унинг камолий эҳтиёжларини қондириш учун пул сарфлаши кўп (ортиқча) сарфлаш ҳисобланади. Кўпгина исломий диёрларда аҳвол шундай. Яна шундай диёрлар борки, уларда шахс асосий эҳтиёжларини ҳам, камолий эҳтиёжларини ҳам тўла қондиради. У ерларда маданият ривожланиб, музлатгич, кир ювиш машинаси, автомобилр каби камолий эҳтиёжлар ҳам зарурий эҳтиёжларга айланиб кетган. Шундай бўлгач, улар учун пул сарфлаш кўп (ортиқча) сарфлаш ҳисобланмайди. Агар исроф ва совиришнинг луғавий маъноси олинadиган бўлса, асосий эҳтиёжлардан ортиқчасига қилинган сарф - ҳаром, деган шаръий ҳукм келиб чиқади. Бунинг маъноси, музлатгич, кир ювиш машинаси ва автомобилр сотиб олиш ҳаром, деганидир. Чунки улар асосий эҳтиёжлардан ортиқча нарсалардир. Бу сўзнинг луғавий маъносига қараб маъно берилганда бу эҳтиёжлар учун пул сарфлаш айрим диёрлардаги айрим одамлар учун ҳаром, бошқа диёрдаги бошқа одамлар учун ҳалол, деган шаръий ҳукм ҳам тушуниб қолинади. Бунинг маъноси, битта нарса хусусидаги шаръий ҳукмнинг иллатсиз ҳар хил бўлиши мумкин, деганидир. Бу ножоиз ишдир. Чунки битта масаладаги шаръий ҳукм ўзгармайди, ўша-ўшалигича қолади. Қолаверса, Оллоҳ нарсаларни ишлатишга, истеъмол қилишга мутлақ рухсат берган. Уни оз ёки кўп сарфлаш билан қайд этмаган. Шундай экан, қандай қилиб, кўп сарфлаш ҳаром бўлсин. Агар Оллоҳ нарсаларни ҳалол қилиб, улар учун кўп пул сарфлашни ҳаром қилса, нарсани бир вақтнинг ўзида ҳам ҳалол, ҳам ҳаром қилган бўлиб қолади. Масалан, хусусий самолётга эга бўлишни ҳалол қилиб, лекин уни сотиб олиш кўп пул сарфлаш ҳисобланадиган бўлса, ҳаром қилган бўлади. Бундай қарама-қаршилик бўлиши мумкин эмас. шунга асосан исроф ва совиришни луғавий маъноси бўйича тафсир қилиш жоиз бўлмайди. Уларни оят матнларида келган ҳамда айрим саҳобалар ва ишончли

олимлар айтиб ўтган шаръий маънолари бўйича тафсир қилиш
вожибдир.

б) Ислом шахсни дабдабадан қайтарган, уни гуноҳ, деб
ҳисоблаган ва каландимоғларга азоб ваъда қилган. Оллоҳ Таоло
айтади:

﴿وَأَصْحَابُ الشَّمَالِ مَا أَصْحَابُ الشَّمَالِ ﴿۵۴﴾ فِي سَمُومٍ وَحَمِيمٍ ﴿۵۵﴾ وَظِلٍّ مِنْ
يَحْمُومٍ ﴿۵۶﴾ لَا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ ﴿۵۷﴾ إِنَّهُمْ كَانُوا قَبْلَ ذَلِكَ مُتْرَفِينَ﴾

– „*Чап томон эгалари.. Чап томон эгалари (бўлмоқ) не
(бахтсизлик)дир! (Улар дўзаҳдан тинимсиз эсиб турадиган,
баданларни илма-тешиқ қилиб юборувчи) Самум (шамоли) ва
қайноқ сув ичида ва на салқин, на фойдали бўлмаган қора тутун-
дан иборат «соя» (ости)дадирлар. Дарвоқе, улар бундан илгару
(дунёда ҳою ҳавасга муккадан кетган) боёнлар эдилар*“,

[56:41-45]

яъни хоҳлаганини қиладиган димоғдорлар эдилар, Оллоҳ Таоло
айтади:

﴿حَتَّىٰ إِذَا أَخَذْنَا مُتْرَفِيهِم بِالْعَذَابِ إِذَا هُمْ يَجْرُونَ﴾

– „*То қачон Биз уларнинг боёнларини азобга гирифторм
қилганимизда баногоҳ улар фарёд қилурлар*“, [23:64]

бу ерда ҳам димоғдор золимлар назарда тутиляпти. Оллоҳ Таоло
айтади:

﴿وَإِذَا أَرَدْنَا أَنْ نُهْلِكَ قَرْيَةً أَمَرْنَا مُتْرَفِيهَا فَفَسَقُوا فِيهَا﴾

– „*Биз қачон бирон шаҳарни ҳалок қилишни истасак, унинг
боёнларини буюрамиз, улар фосиқлик қиладилар*“, [17:16]

яъни мўминлардан ўзларини устун кўювчилар моллари ва
болаларининг кўплигидан кибрланиб гапирадилар. Оллоҳ Таоло
айтади:

﴿وَاتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَا أُتْرِفُوا فِيهِ﴾

– „*Золим кимсалар эса ўз маишатларига берилиб кетдилар*“,

[11:116]

бу ерда маишатга берилишдан мурод, шахватларга муккадан
кетишдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا أَرَدْنَا أَنْ نُهْلِكَ قَرْيَةً أَمَرْنَا مُتْرَفِيهَا فَفَسَقُوا فِيهَا﴾

– „*Биз қачон бирон шаҳарни ҳалок қилишни истасак, унинг
боёнларини буюрамиз, улар фосиқлик қиладилар*“, [17:16]

оятдаги боёнлардан мурод ҳашаматли ҳаёт кечирувчи золимлардир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَتَرَفْنَاهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

– „Биз уларни дунё ҳаётида бой-бадавлат қилдик“, [23:33] яъни уларни зулмидан қайтмайдиган, димоғдорлар қилиб қўйдик.

Дабдаба сўзининг луғавий маъноси неъматлардан кеккайиш ва димоғдорликни англатади. Бойлик уни кеккайтириб юборади, деб қўйишади. Кишининг димоғдор бўлиши ахлоқсизликда давом этишидир. Шунга кўра, Қуръон мазаммати ва Оллоҳ ҳаром қилган, ўзи гуноҳ ҳисобланган дабдаба боёнликнинг ўзигина эмас, неъматланишдан кеккайиш, димоғдорлик ҳамдир. Шунинг учун уни молдан фойдаланиш ва Оллоҳ берган ризқ билан неъматланиш (хузурланиш), деб тафсир қилиш хатодир. Зеро, Оллоҳ берган ризқдан хузурланиш ва фойдаланишни шариат мазаммат қилмаган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ وَالطَّيِّبَاتِ مِنَ الرِّزْقِ﴾

– „Айтинг (эй Мухаммад): Оллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!“

[7:32]

Термизий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ يَرَى أَثَرَ نِعْمَتِهِ عَلَى عَبْدِهِ﴾

«Оллоҳ Ўз неҳматининг нишонаси бандасининг устида кўриниб туришини истайди», деганлар. Яъни бандасининг Оллоҳ берган неъмат билан хузурланишини, Парвардигори Олам ато этган ҳалол ризқдан фойдаланишини хоҳлайди. Лекин Оллоҳ неъматлардан кеккайишни, димоғдорликни, ахлоқсизликни ёмон кўради. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўзидан димоғдорлик, кеккайиш, зулм ва зўравонликни келтириб чиқарувчи хузурланишни ёмон кўради. Қайси бир одамнинг фаровон ҳаёт кечириши кибр, зўравонлигу димоғдорликни юзага келтирса, Ислому унга дабдабани ман қилади, ҳаром қилади. Яъни молу фарзандларнинг кўплиги димоғдорлик, кеккайиш ва зўравонликни келтириб чиқарса, бундай бузукликни Ислому тақиқлайди ва қатъий ҳаром қилади. Дабдаба - ҳаром, дегани, фаровон ҳаёт кечириш - ҳаром, дегани эмас, ундан келиб чиқадиган димоғдорлик ҳаром деганидир. Дабдаба сўзининг луғавий маъноси ҳам, Қуръон оятларидан тушуниладиган маъноси ҳам шудир.

в) Ислом шахсни ўзига нисбатан қурумсоқлик қилишдан, ўзини шаръан жоиз бўлган ҳузурланишдан маҳрум этишдан қайтаради. Ҳалол ризқлардан ҳузурланишни, ўзига муносиб зийнатланишни ҳалол қилади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا﴾

– „Қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарлик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда, маломат ва надоматда қолурсиз“, [17:29] яна айтади:

﴿وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا﴾

– „Улар эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, ана ўша ўрта-муътадил бўлур“, [25:67] яна айтади:

﴿قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ وَالطَّيِّبَاتِ مِنَ الرِّزْقِ﴾

– „Айтинг (эй Муҳаммад): Оллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!“

[7:32]

Пайғамбар ﷺ:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ يَرَىٰ أَثَرَ نِعْمَتِهِ عَلَىٰ عَبْدِهِ﴾

«Оллоҳ Ўз неҳматининг нишонаси бандасининг устида кўришиб туришини хоҳлайди», деганлар. Термизий ривояти. Ҳоким Волид Абул-Аҳвасдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

﴿إِذَا آتَاكَ اللَّهُ مَالًا، فَلْيُرْ أَثَرَ نِعْمَةِ اللَّهِ وَكَرَامَتِهِ﴾

«Агар Оллоҳ сенга мол берган бўлса, Оллоҳ неҳматининг ва саҳоватининг нишонаси устингда кўришиб турсин», деганлар. Кишининг моли бўла туриб, ўзига сарфлашдан бахиллик қилса, у Оллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлади. Қарамоғидагилардан бахиллик қилса, Оллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлишдан ташқари муътадил ҳаёт билан таъминлайдиган даражада сарфлашига давлат тарафидан мажбур ҳам қилинади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿لِيُنْفِقْ ذُو سَعَةٍ مِّنْ سَعَتِهِ﴾

– „Бойлик эгаси бойлигидан сарфласин“, яна айтади:

[65:7]

﴿أَسْكِنُوهُمْ مِّنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِّنْ وَّجْدِكُمْ وَلَا تَضَارُّوهُمْ لِنَصِيَّتِهِمْ عَلَيْهِمْ وَإِن كُنَّ أُولَاتٍ حَمْلٌ فَأَنْفِقُوا عَلَيْهِنَّ﴾

– „Уларга (яъни талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга) ўзларингиз маскан тутган - қудратингиз етган жойдан маскан беринглар ва уларни (турган жойларидан) қисиб чиқариш учун уларга зиён етказманглар“.

[65:6]

Кимки, қарамоғидагилардан бахиллик қилса, улар унинг молидан ўзларига етарли миқдорини яхшилик билан олиши мумкин. Бухорий ва Аҳмад Оиша رضي الله عنه дан ривоят қиладилар, Утбанинг қизи Ҳинд:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أَبَا سُفْيَانَ رَجُلٌ شَحِيحٌ، وَلَيْسَ يُعْطِينِي مَا يَكْفِينِي وَوَلَدِي إِلَّا مَا أَخَذْتُ مِنْهُ وَهُوَ لَا يَعْلَمُ، فَقَالَ: خُذِي مَا يَكْفِيكَ وَوَلَدَكَ بِالْمَعْرُوفِ»

«Эй Расулulloх, Абу Суфён хасис одам, унга билдирмасдан молидан олмасам, ўзининг бергани менга ва боламга етмайди, деди. Шунда, Пайғамбар ﷺ, ўзингга ва болангга етарлисини меёрида олавер, дедилар». Бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ Ҳиндга эри бермайдиган бўлса, унга билдирмасдан олишга ҳам ҳуқуқ бераптилар. Чунки бу иш эрининг устидаги фарзидир. Бундай ҳолатларда қози ҳам шундай иш тутиши лозим. Нафақа зиммасига юклатилган одамга қанчалик вожиб бўлса, нафақани қабул қилиб олган одамга ҳам уни ўз жойига ишлатиш шунчалик вожибдир. Масалан, болаларга сарфланиши учун уларни тарбиялаётган онага, бувигга ёки бошқага нафақа топширилса, уларнинг нафақани ўз жойига, яъни болаларга сарфлашлари лозим. Шундай қилмасалар қози тарафидан мажбурландилар.

Камбағаллик

Камбағаллик сўзининг луғавий маъноси, муҳтожликдир. У бойлик сўзининг зиддидир. Одамнинг етарли нарсаси бўлмаслиги, муҳтожлиги камбағалликдир. Шариатда камбағал тиланмайдиган, аҳволи ночор муҳтождир. Мужоҳид, **камбағал тиланмайдиган одамдир**, дейди. Жобир ибн Зайд ҳам худди шундай, яъни **камбағал тиланмайдиган одамдир**, дейди. Икрима **камбағал бу ожиздир**, дейди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿رَبِّ إِنِّي لِمَا أَنْزَلْتَ إِلَيَّ مِنْ خَيْرٍ فَقِيرٌ﴾

– „Парвардигорим, мен Ўзинг мен учун нима яхшилик (ризқ) туширсанг, ўшанга муҳтождирман“.

[28:24]

яъни яхшиликлардан менга ниманики нозил қилган бўлсанг, оз бўладими, кўп бўладими, унга муҳтожман. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَطْعِمُوا الْبَائِسَ الْفَقِيرَ﴾

– „Бечора камбағалларга ҳам едиринглар“, [22:28]
яъни фалокатга учраган бахтсизга ва йўқчиликдан силласи қуриган камбағалга таом беринглар. Оят ва асарларнинг ҳаммаси камбағалликнинг муҳтожлик эканига далолат қиляпти. Унинг тафсилоти эҳтиёж сўзининг маъноси билан келиб чиқади.

Капиталистик иқтисодий тузумда камбағаллик ўзгармас, аниқ бир нарсанинг атамаси эмас, нисбий нарса, деб эътибор қиладилар. Унга товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондирилмаслик, деб таъриф берадилар. Эҳтиёжлар эса маданият ривожланган сари ўсиб, тараққийлашиб бораверади. Натижада эҳтиёжларни қондириш шахслар ва умматларга қараб ҳар хил бўлиб қолади. Қолоқ умматлар керакли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан чеклансалар, моддий жиҳатдан тараққийлашган, ривожланган, маданийлашган умматларнинг эҳтиёжлари кўп бўлади. Уларни қондириш учун кўп товар ва хизматлар керак бўлади. Шунга кўра, улардаги камбағаллик қолоқ диёрдагилардан бошқача ҳисобланади. Масалан, камолий эҳтиёжларни қондирмаслик Европа ва Америкада камбағаллик ҳисобланса, Миср ва Ироқда камбағаллик ҳисобланмайди. Капиталистик иқтисодий тузумдаги бу қараш хатодир. Чунки у нарсанинг маъносини ҳақиқийликдан нисбийликка айлантириб юборади. Бундай қилиш хатодир. Негаки, нарса ўз воқеига эга бўлади ва воқеъи билан таърифланади. У ўз воқеига эга бўлмаган нисбий нарса эмас. Қолаверса, шариат, модомики, шахс сифатидаги эмас, инсон сифатидаги инсонга келган экан, унинг низоми шахсларга қараб ҳар хил бўлмайди. Испания ва Ямандаги давлатнинг камбағалликка нисбатан қараши бир-биридан фаркли бўлиши мумкин эмас. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам инсон бўлиб, уларнинг муаммолари учун ечим ишлаб чиқилган.

Ислом қайси диёр, қайси авлодда бўлишидан қатъий назар камбағалликка битта эътибор билан қарайди, яъни уни асосий эҳтиёжларини тўла қондира олмаслик, деб ҳисоблайди. Шариат асосий эҳтиёжларни уч нарса билан, яъни озуқа, кийим ва жой билан белгилайди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا لَا

تُضَارَّ وَالِدَةٌ بِوَلَدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بِوَلَدِهِ وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ ﴿﴾

– „Оналарни яхшилик билан едириб-кийдириши отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан таишқари нарса тақлиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин. Меросхўр-ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор“, [2:233] яна айтади:

﴿أَسْكِنُوهُمْ مِّنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وُجْدِكُمْ﴾

– „Уларга (яъни талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга) ўзларингиз маскан тутган - қудратингиз етган жойдан маскан беринглар“, [65:6]

Ибн Можа Абул-Аҳвасдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

﴿أَلَا وَحَقُّهُنَّ عَلَيْكُمْ أَنْ تُحْسِنُوا إِلَيْهِنَّ فِي كِسْوَتِهِنَّ وَطَعَامِهِنَّ﴾

«Огоҳ бўлингларки, яхшилаб кийинтириб, едиришингиз уларнинг устингиздаги ҳаққидир», деганлар. Шулардан кўриниб турибдики, кондирилмаслик камбағаллик ҳисобланадиган асосий эҳтиёжлар озуқа, кийим ва жойдир. Қолганлари камолий эҳтиёжлар ҳисобланади. Камолий эҳтиёжларини кондиролмаган одам камбағал дейилмайди. Чунки камбағалликнинг исломий маъноси, умматнинг қоқлашуви ва ҳалокатига сабаб бўладиган ишлардан ҳисобланувчи асосий эҳтиёжларнинг кондирилмаслигидир. Исломуни, шайтоннинг ваъдаси, деб белгилади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ﴾

– „Шайтон сизларни (агар эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади“, [2:268]

Ислому камбағалликни заифлик, деб эътибор қилиб, камбағалларга раҳмдиллик қилишга буюрди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنْ تَبَدُّوا الصَّدَقَاتِ فَعِمَّا هِيَ وَإِنْ تُخْفُوهَا وَتُؤْتُوهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ﴾

– „Агар садақаларни ошқора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Агар махфий қилиб фақир-камбағалларга берсангиз, бу ўзингиз учун янада яхшироқдир“, [2:271] яна айтади:

﴿وَأَطِيعُوا الْبَائِسَ الْفَقِيرَ﴾

– „Бечора камбағалларга ҳам едиринглар“, [22:28]

Ислому ожизларнинг асосий эҳтиёжларини кондирилишини фарз қилиб белгилади. Агар шахс ўзи топса, яхши. Моли ёки имконияти

йўқлиги туфайли тополмаса, шариат бўйича бошқаларнинг унга ёрдам бериши лозим бўлади. Токи, у ҳам асосий эҳтиёжларини тўла қондира олсин. Шариат бу нарсаларда шахсга қандай ёрдам беришни тафсилоти билан айтиб ўтган. Уларни меросхўр қариндошларига вожиб қилган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا لَا تُضَارَّ وَالِدَةٌ بِوَلَدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بِوَلَدِهِ وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ﴾

– „Оналарни яхшилик билан едириб-кийдириши отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташиқари нарса тақлиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин. Меросхўр-ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор“, [2:233] яъни меросхўр ҳам едириб кийинтиришда ота қабидир. Бу ердаги меросхўрдан мурод амалда меросхўр бўлаётган одам эмас, балки меросга ҳақли бўлган одамлардир. Агар бундай қариндошлари бўлмаса, унинг нафақаси байтулмолнинг гарданига тушади, яъни байтулмол унга закотлардан ажратиб беради. Абу Ҳурайра ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

﴿مَنْ تَرَكَ مَالًا فَلِوَرَثَتِهِ، وَمَنْ تَرَكَ كَلًّا فَلِإِنَانَا﴾

«Ким мол қолдириб кетган бўлса, ворисларигадир, кимки қаровсиз муҳтожларни қолдирса, бизнинг гарданзимизгадир», дедилар. Муслим ривояти. Қаровсиздан мурод, боласи ҳам отаси ҳам бўлмаган ожиз одамдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ﴾

– „Албатта, садақалар фақат муҳтож ва мискинларга...“.[9:60] Байтулмолнинг закот қисми камбағалу мискинларнинг эҳтиёжларини қондиришга кифоя қилмаса, бошқа қисмларидан ҳам олиш вожиб бўлади. Агар байтулмолда фақиру мискинларга бериладиган мол бўлмаса, давлатнинг бойларга солиқ солиши лозимдир. Чунки нафақа, аввало, қариндошларга, улар бўлмаса, закот молларига, улар ҳам топилмаса, байтулмолга, унда ҳам топилмаса, барча мусулмонларга фарздир. Аҳмад ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿إِنَّمَا أَهْلُ عُرْصَةِ، أَصْبَحَ فِيهِمْ أَمْرٌ جَائِعٌ، فَقَدْ بَرَّتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى﴾

«Қайси бир маҳаллада қорни оч одам тонг ортгирса, Оллоҳ Таборака ва Таолонинг ҳимояси улардан кўтарилади». Пайғамбар ﷺ Парвардигоридан ривоят қилади:

«مَا آمَنَ مَنْ بَاتَ شَبَعَانَ، وَجَارُهُ جَائِعٌ إِلَىٰ جَنْبِهِ وَهُوَ يَعْلَمُ بِهِ»

«Қўшнисининг очлигини била туриб, тўқ холида тонг оттирган одам Менга иймон келтирмабди». Бу ҳадисни Баззор Анасдан ривоят қилган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَفِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ لِّلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ﴾

– „Уларнинг мол-мулкларида сўрагувчи ва (мол-давлатдан) маҳрум-муҳтож кишилар учун ҳақ-улуш бўлар эди“, [51:19]

Пайғамбар ﷺнинг ансорларга камбағал муҳожирларни боқишни буюришлари ҳам бу ишнинг ҳамма мусулмонларга фарзлигини кўрсатади. Ҳамма мусулмонларга - фарз, дегани, халифанинг гарданидаги фарз, деганидир, чунки умматни у бошқаради. Бу фарзни адо этиш учун мусулмонлардан мол йиғиш лозим. Ана шунда у мусулмонларнинг гарданидан байтулмолнинг гарданига ўтади-да, фақиру мискинларга таом бериш билан байтулмол уни адо этади.

Хуллас, қайси бир мискин ва фақир нафақасини ўзи топишига мажбур қилинганидан кейин, топа олса, топа олди. Топа олмаса, бу ишга меросхўр қариндошлари мажбур қилинади. Қариндошлари ҳам топа олмаса ёки улар мавжуд бўлмасалар, бу вазифа байтулмолнинг закот қисмига, у ҳам топа олмаса, байтулмолнинг ўзига юклатилади, унда ҳам топилмаса, ҳамма мусулмонларнинг гарданидаги фарзга айланади.

Энди фақиру мискиннинг нафақаси қандай қариндошларга вожиб бўлишига тўхталамиз. У бой қариндошларга вожибдир. Кимдан садақа (закот) талаб қилинса, у бой ҳисобланади. Кимки садақа (закот) беришдан қайтарилса, демак, у бой эмас. Бухорий Саид ибн Мусайябдан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِنَى»

«Садақанинг яхшиси беҳожатлик ортидан қилинганидир», деганлар. Беҳожатлик дегани, инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириши учун етарли моли бўлиши деганидир. Фақиҳлар айтадилар: «Беҳожатлик кишининг ўз оиласи билан тўйиб бир хил овқат ейиши, бир хил кийиниши, бир хил жойда туриши, бир хил улов ва бир хил кўринишга эга бўлишидир».

Беҳожатликнинг луғавий маъноси ҳам шунга тўғри келади. Луғатда кишининг бой бўлиши етарли таъминланишини билдиради. Шунга кўра, нафақа мискин - фақирнинг эмас, бойнинг гарданига вожибдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ وَمَن قَدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ﴾

– „Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбагал) бўлса, у ҳолда (ғаний) Оллоҳ ўзига ато этган нарсадан (ҳолига яраша) нафақа берсин“. [65:7]

Муслим Жобирдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَبْدَأُ بِنَفْسِكَ فَتَصَدَّقْ عَلَيْهَا، فَإِن فَضَلَ شَيْءٌ فَلِأَهْلِكَ، فَإِن فَضَلَ عَن أَهْلِكَ شَيْءٌ فَلِذِي قَرَابَتِكَ، فَإِن فَضَلَ عَن ذِي قَرَابَتِكَ شَيْءٌ فَهَكَذَا وَهَكَذَا، يَقُولُ فَبَيْنَ يَدَيْكَ، وَعَن يَمِينِكَ، وَعَن شِمَالِكَ»

«Садақа қилишни ўзингдан бошла, ортиб қолса, оиланга, оилангдан ҳам ортса, қариндошларингга, қариндошларингдан ҳам ортса, шу тариқа, кўл остингдагиларга, ўнг тарафингдагиларга, чап тарафингдагиларга бергин». Инсоннинг ўзига сарфлаши керакли эҳтиёжларини қондиришидир. Улар эса асосий эҳтиёжларидангина иборат эмас. Чунки шариат унга аёлини ҳам ҳолига қараб, урфга қараб, таъминлашни вожиб қилган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

– „Оналарни яхшилик билан едириб-кийдириш“, [2:233] ўзига сарфлаши ҳам етарли миқдорда эмас, урфга қараб бўлади. Пайғамбар ﷺ Абу Суфённинг хотини Ҳиндга:

﴿حُدِي مَا يَكْفِيكَ وَوَلَدَكَ بِالْمَعْرُوفِ﴾

«Ўзинга ва боланга етадиганини яхшилик билан (урфга қараб) ол», дедилар. Бухорий ва Аҳмад ривояти. У киши, «ўзингга етадигани» деб қўя қолмадилар, балки «яхшилик билан (урфга қараб)», деган сўзни ҳам қўшиб қўйдилар. Бундай қилишлари етарли сўзидан Ҳинд билан боласининг ҳолатлари ва улар кабиларга нисбатан урфда белгиланган миқдорни назарда тутаётганларини кўрсатади. Демак, гарданига нафақа вожиб бўлаётган одамнинг беҳожатлиги асосий эҳтиёжларигагина эмас, одамлар ўртасидаги урфда бўлаётган эҳтиёжларига ҳам етарли

молининг бўлиши билан белгиланади. Бу иш маълум миқдор билан белгиланмайди. У шахсга ва шахснинг яшаш даражасига ҳавола қилинади. Айрим фақиҳлар ортгани беҳожатлик ҳисобланадиган эҳтиёжларни беш нарса, деб белгилаганлар. Улар: озуқа, кийим, жой, уйланиш ва улов. Лекин бунга аниқ ҳужжат ворид бўлмаган. Урфга қараб олинаверади. Шунга кўра, беҳожатлик урфдаги эҳтиёжларини қондиришдан ортиқчаси билан белгиланади. Кимнинг моли шу эҳтиёжлардан ортса, факиру мискиннинг нафақаси унга вожибдир. Ортмаса, вожиб эмас. хулоса шуки, нафақаси вожибга айланадиган фақир асосий эҳтиёжларини қондиролмаган одамдир. Яъни озуқага, кийимга ва жойга муҳтож бўлган кишилардир. Нафақа беришнинг вожиблиги гарданига тушадиган, ҳамма мусулмон қатори молиявий мажбурият бўйнига юклатиладиган бой эса асосий эҳтиёжлари эмас, урфдаги эҳтиёжларини қондиришдан ортиқча мулкка эга бўлган кимсадир. Урфдаги эҳтиёж ўзининг ва ўзи каби одамларнинг аҳволига қараб белгиланади.

УМУМИЙ МУЛК

Умумий мулк Шорёъ жамоатга биргаликда фойдаланишга рухсат берган мулкдир. Умумий мулк, деб белгиланган нарсалар Шорёъ, жамоатники, деб тайинлаган, шахснинг ёлғиз ўзи эгалик қилишини тақиқлаган нарсалардир. Улар уч турлидир:

1. Жамоат заруратларидан ҳисобланган нарсалар. Улар шундай ашёларки, агар бирор шахар ёки жамоатга етишмай қолса, одамлар уларни излаб, ҳар тарафга тарқаб кетадилар.

2. Тугамайдиган маъданлар.

3. Ёлғиз шахснинг ўзиники қилиб олиши табиатан мумкин бўлмаган нарсалар.

Одамларнинг зарурати ҳисобланган ҳар бир нарса жамоат заруратидир. Пайғамбар ﷺ уларни сони эмас, сифати жиҳатидан баён қилганлар. Ибн Аббос ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«الْمُسْلِمُونَ شُرَكَاءُ فِي ثَلَاثٍ فِي الْمَاءِ وَالْكَأِ وَالنَّارِ»

«Мусулмонлар уч нарасада: яъни сув, ўт-ўланда ва оловда шерикдилар», деганлар. Бу ҳадисни Анас ҳам ибн Аббосдан ривоят қилиб, «унинг пули ҳаромдир», деган гапни ҳам қўшган. Ибн Можа Абу Хурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«ثَلَاثٌ لَا يَمْنَعَنَّ: الْمَاءُ وَالْكَأُ وَالنَّارُ»

«Уч нарасадан, яъни сув, ўт-ўлан ва оловдан (фойдаланишдан) ман қилинмайди», деганлар. Бу ҳадислар одамларнинг сув, ўт-ўлан ва оловда шерик эканларига, шахснинг ёлғиз ўзи уларга эгадорлик қилиши мумкинмаслигига далилдир. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, агар мулоҳаза қилинадиган бўлса, ҳадисда зикр қилинган «уч нараса» исми жомид бўлиб, улар ҳадисга иллат бўлиб келмаган. Бу ҳадисдан шу учаласининг муҳтож бўлинадиган керакли нараса, деган сифати (хусусияти) эмас, балки учаласининг ўзи умумий мулк бўлади, деган хаёлга борилади. Лекин, масалага чуқурроқ ёндашилса, «Пайғамбар ﷺ Тоиф ва Ҳайбарда шахсларга сувга эгадорлик қилишга рухсат бердилар ва улар ўз экинлари ва боғларини суғориш учун ҳақиқатан сувга мулкдор бўлдилар». Агар сувдаги муштарак эгаликлик унга муҳтож бўлиш жиҳатидан эмас, сув эканлиги учунгина бўлганида Пайғамбар ﷺ шахсларга сувга эгадорлик қилишга рухсат бермаган бўлардилар. Пайғамбар ﷺнинг:

«الْمُسْلِمُونَ شُرَكَاءُ فِي ثَلَاثٍ فِي الْمَاءِ»

«Мусулмонлар уч нарсада, яъни сувда... шерикдирлар», дейишлари ва аини пайтда сувга эгадорлик қилишга рухсат беришларидан сув, ўт-ўлан ва оловдаги шерикликнинг иллатини, яъни уларнинг ҳамма мухтож бўладиган жамот заруратлари эканини истинбот қилинади. Шунга кўра, ҳадис бу уч нарсани зикр қиляпти, лекин бу уччаласи - жамоат заруратларидан бўлганлиги учун - иллатланиб келяпти. Шунга биноан бу иллат бор-йўқликда иллатланган нарса билан бирга юради, яъни қайси бир нарсанинг жамоат заруратларидан эканлиги аниқланса, у сув, ўт-ўлан, олов бўлиши ёки бўлмаслигидан, ҳадисда айтилганлиги ёки айтилмаганлигидан қатъий назар умумий мулк ҳисобланаверади. Аксинча, жамоат заруратлариданлиги хусусиятини йўқотса, сув каби ҳадисда айтилган нарса бўлса ҳам, умумий мулк ҳисобланмайди. Шахсий мулк бўлишига ҳам рухсат этиладиган нарсага айланади. Нарсанинг жамоат заруратларидан ҳисобланиши етишмай қолганида қишлоқ, шаҳар ёки давлатда бўлишларидан қатъий назар одамларнинг уни излаб ҳар томонга тарқалиб кетишлари билан белгиланади. Сув манбалари, чакалакзорлар ва яйловлар шулар жумласидандир.

Конлар икки қисмдир: биринчи қисмига шахсга нисбатан катта миқдор ҳисобланмайдиган ҳажм билан чекланган конлар кирса, иккинчисига миқдори чекланмаган конлар киради. Миқдори чекланган конлар шахсий мулклардир, уларга якка шахс эгадорлик қилиши мумкин. Рикоз (олтин ва қумуш рудаси)га муносабат қандай бўлса, уларга ҳам ўшандай бўлади, яъни бешдан бири олинади. Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ дан йўқолган нарса хусусида сўрашганида:

«مَا كَانَ مِنْهَا فِي طَرِيقِ الْمَيْثَاءِ (أَيِّ الطَّرِيقِ الْمَسْلُوكَةِ) أَوْ الْقَرْيَةِ الْجَامِعَةِ، فَعَرَفَهَا سَنَةً، فَإِنْ جَاءَ طَالِبُهَا، فَادْفَعَهَا إِلَيْهِ وَإِنْ لَمْ يَأْتِ فَهِيَ لَكَ، وَمَا كَانَ فِي الْحَرَابِ، يَعْغِي فِيهَا وَفِي الرِّكَازِ الْخُمْسُ»

«Йўловчилар юрадиган йўлдан ёки одамлар гавжум қишлоқдан олган бўлсанг, бир йил эҳлон қил. Талабгори келса, топшир, келмаса, ўша нарса - сеники. Харобадан олган бўлсанг, ундан худди кон каби бешдан бирини берасан», деб жавоб бердилар. Бу ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Миқдори чекланмаган, тугамайдиган маъдан умумий мулк ҳисобланиб, шахсий мулк бўлиши мумкин эмас. Термизий Абяз ибн Ҳаммолдан ривоят қилади:

«أَنَّهُ وَفَدَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَاسْتَقَطَعَهُ الْمِلْحَ فَقَطَعَ لَهُ، فَلَمَّا أَنْ وُلِّيَ، قَالَ
رَجُلٌ مِنَ الْمَجْلِسِ: أَتَدْرِي مَا قَطَعْتَ لَهُ؟ إِنَّمَا قَطَعْتَ لَهُ الْمَاءَ الْعِدَّ، قَالَ:
فَانْتَزَعَهُ مِنْهُ»

«У Пайғамбар ﷺнинг олдиларига вакил бўлиб келганида у кишидан туз (кони)ни ажратиб беришни сўради. Пайғамбар ﷺ ажратиб бердилар. У қайтиб кетгач, ўтирганлардан бири, нимани бўлиб берганингизни биласизми, сиз оқар сувни бўлиб бердингиз-ку, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ ундан қайтариб олдилар». Туз тугамаганлиги боис оқар сувга ўхшатиляпти. Пайғамбар ﷺнинг Абяз ибн Ҳаммолга туз тоғини бўлиб берганлари уни бўлиб бериш жоизлигини кўрсатади. Унинг туганмас маъданлигини билганларидан кейин қайтариб олишлари эса туганмас маъданнинг жамоат мулки эканини, хусусий мулк бўлиши мумкинмаслигини англатади. Бу ерда «туз» сўзидан мурод тузнинг ўзи эмас, умуман, маъдандир. Чунки унинг туганмаслигини билганларидан кейин (тузлигини аввалданоқ билган эдилар) қайтариб олдилар. Демак, тақиқлашга унинг туганмас маъданлиги сабаб бўляпти. Абу Убайда айтади: «Пайғамбар ﷺнинг Абяз ибн Ҳаммол Махрабийга Махрабдаги тузни ажратиб беришлари, сўнг эса қайтариб олишларига сабаб бундай: Абязга ўлик ерларни тирилтириб, обод қилиш учун ажратиб бергандилар. Пайғамбар ﷺга у ернинг оқар сувлиги, яъни худди қудук ва булоқ сувидек, битмас-туганмас маъданлиги аён бўлгач, ундан қайтариб олдилар. Негаки Пайғамбар ﷺнинг суннатлари ўт-ўлан, олов ва сув борасида одамларнинг тенг шериклиги эди. Шунинг учун уни ёлғиз бир кишининг мулкига айлантиришни ёқтирмадилар». Туз маъданлардан бири бўлгани учун, демак Расул ﷺнинг уни Абязга бўлиб бериб, кейин қайтариб олишлари унинг шахсий мулк бўлмаслигига иллат ҳисобланади. Пайғамбаримиз туганмас туз бўлганлиги учун эмас, туганмас маъдан бўлганлиги учун қайтариб олдилар. Шу ҳадисдан кўришиб турибдики, туз маъданини бўлиб бериш мумкин эмаслигининг илллати унинг туганмаслигидир. Амр ибн Қайснинг ривояти, яъни «туз маъдани» деб гапириши тузнинг маъдан эканлигини англатяпти. Фақиҳларнинг гапларига назар ташланса ҳам уларнинг тузни маъдан, деб ҳисоблашлари аён бўлади. Демак, ҳадис, тузнинг ўзига эмас, умуман, маъданга алоқадордир.

Абу Довуд ривоятидаги Пайғамбар ﷺнинг Билол ибн Ҳорис Музанийга қабиласига қарашли маъданларни бўлиб беришлари ҳамда Абу Убайданинг моллари хусусида Абу Икрмадан қилган ривоятидаги

«أَفْطَعَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِاللَّاءِ أَرْضَ كَذَا، مِنْ مَكَانٍ كَذَا إِلَى كَذَا، وَمَا كَانَ فِيهَا مِنْ جَبَلٍ أَوْ مَعْدِنٍ»

«Пайғамбар ﷺ Билолга фалон ерни фалон жойидан фалон жойигача тоғию маъданига қўшиб бўлиб бердилар», деган гап Абязнинг ҳадисига зид эмас, балки Пайғамбар ﷺнинг Билолга бўлиб берган маъданлари чекланган бўлиб, бундан уларни худди Пайғамбаримиз Абязга туз конини бўлиб берганлари каби бўлиб беришнинг жоизлиги келиб чиқади, бироқ маъданларни бутунлай бўлиб берса бўлаверади, деган маъно чикмайди. Чунки у ҳолда бу маъно Пайғамбар ﷺнинг туз маъданининг туганмаслигини билганларидан кейин қайтариб олганларига зид бўлиб қолади. Шунга кўра, Пайғамбар ﷺ бўлиб берган маъданлар тугайдиган, чекланган экани аён бўлади.

Бу ҳукм яъни туганмас маъданнинг умумий мулклиги ҳамма маъданларни ўз ичига олади. Улар туз, сурма, ёқут каби машаққатсиз эришиладиган зокирий маъданлар бўладими, олтин кумуш, темир, мис, қўрғошин каби машаққат билан эришиладиган ботиний маъданлар бўладими, биллур каби қуюқ бўладими, нефт каби суюқ бўладими, ҳаммаси ҳам ҳадисда назарда тутилган маъданлардир.

Шахснинг хусусий мулки бўлиши табиатан мумкин бўлмаган нарсалар умумманфаатларни ўз ичига олган мулклардир. Улар жамоат заруратларидан ҳисобланганлари туфайли биринчи қисмга кирсалар ҳам табиатан шахсий мулк бўлиши мумкинмаслиги жиҳатидан ундан фарқланади. Биринчи қисмдаги нарсалар эса масалан, сув шахсий мулк бўлиши мумкин. Бироқ жамоат зарурати бўлганлиги учунгина шахсий мулк бўлиши ман қилинапти. Йўл эса ундай эмас. Унинг шахсий мулк бўлиши мутлақо мумкин эмас. Шунга кўра, гарчи бу қисмнинг далили шаръий иллатга тўғри келиши, яъни жамоат заруратларидан эканлиги бўлса-да, унинг асл воқеи умумий мулклигига далолат қилади. Йўл, дарё, денгиз, кўл, канал, кўрфаз, бўғоз кабилар шу қисмга қиради. Масжидлар, давлат мактаблари, шифохоналар, ўйингоҳлар ва бошпаналар ҳам уларга қўшилади.

ДАВЛАТ МУЛКИ

Шундай моллар борки, уларга шахснинг эгалик қилиши мумкин бўлгани туфайли умумий мулкка эмас, шахсий мулкка киради, айни пайтда уларда мусулмонлар оммасининг ҳаққи ҳам бўлади. Шу эътибор билан улар умумий мулк ҳам, шахсий мулк ҳам эмас, давлат мулки ҳисобланади. Ер ва кўчма ашёлар каби. Давлат мулкида мусулмонлар оммасининг ҳаққи бўлади. Уни тадбир билан ишлатиш эса халифанинг ҳуқуқидир. Бу мулкнинг маълум қисмини хоҳлаган одамига бериши мумкин. Тадбир билан ишлатишининг маъноси шуки, халифа бу мулк устидан тасарруф юритиш ҳуқуқига эга бўлади, шунини мулкчилик дейилади. Чунки мулкчиликнинг маъноси шахснинг ўзи эгалик қиладиган нарсалар устидан ҳукмронлик қилишидир. Демак, халифанинг фикри ва ижтиҳодига қараб тасарруф қилинадиган ҳар бир мулк давлат мулки ҳисобланади. Шоръ маълум молларни давлатга мулк қилиб берган. Уларни халифа ўз фикри ва ижтиҳоди билан тасарруф этади. Ўлжа, хирож, жизя кабилар шулар жумласидандир. Чунки шариат уларнинг сарфланадиган жойини белгиламаган. Агар белгилаганида ва халифа раъйи ва ижтиҳодига ҳавола қилмаганида улар давлатнинг эмас, шариат белгилаган жиҳатнинг мулки бўлиб қоларди. Шунга кўра, закот давлатнинг мулки ҳисобланмайди. Чунки шариат улар сарфланадиган саккиз ўринни белгилаб қўйган. Байтулмол эса уларни ўз жиҳатларига сарфлаши учун захира қилиб туриладиган жойдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, умумий мулкни ҳам, давлат мулкини ҳам давлат идора қилиб туради. Лекин бу икки мулк ўртасида фарқ бор. Умумий мулкдан жорий қилинган тадбир асосида ҳамма одамлар бир хил фойдалансалар-да, лекин унинг асл эгалигини давлат ҳеч кимга бериши мумкин эмас. Давлат мулкини эса ҳаммасини муайян шахсларга бериб, бошқаларга бермаслиги жоиз. Халқ манфаати бермасликни тақозо қилади, деб билса, давлат уни баъзи шахсларга бермаслиги ҳам мумкин. Масалан, сув, туз, яйлов ва кўчалардан ҳамма бир хил фойдаланади. Уларни шахсларга бериш мутлақо жоиз эмас. Хирожни эса экин экишлари учун фақат деҳқонларга бериши ҳам, ҳеч кимга бермасдан унга қурол сотиб олиши ҳам мумкин. Фуқаро манфаати учун қайси иш маъқул кўрилса, ўша иш қилинади.

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНГАН (УМУМ ХАЛҚ МУЛКИГА АЙЛАНТИРИЛГАН) МУЛК УМУМИЙ МУЛК ҲАМ, ДАВЛАТ МУЛКИ ҲАМ ЭМАС

Национализациялаштириш капиталистик тузум «ямоқ солишлари»нинг бир кўринишидир. У манфаат тақозоси билан шахсий мулкни давлат мулкига айлантиришдир. Бу ишни қилишга давлат мажбур эмас, ихтиёрлидир. Хоҳласа, национализациялаштиради, хоҳламаса, йўқ. Умумий мулк ва давлат мулкида эса ундай эмас. улар борасида давлатнинг фикридан қатъий назар молнинг табиати ва сифати хусусидаги исломий ҳукмларга қараб иш юритилади. Молнинг воқеига назар ташланади. Агар унда мусулмонлар оммасининг ҳаққи бўлса, давлат мулки ҳисобланиб, давлатнинг ўзи унга эгалик қилиши вожиб бўлади. Агар унда мусулмонлар оммасининг ҳаққи бўлмаса, шахсий мулк ҳисобланиб, давлатнинг унга эгалик қилиши мумкин бўлмайди. Агар у жамоат зарурати, маъдан ёки табиатан шахсий мулк бўлиши мумкин бўлмаган мол бўлса, умумий мулк ҳисобланиб, давлат уни шахсий мулкка айлантиролмайди. Агар мол умумий мулкнинг бирор турига кирмаса, шахсий мулк ҳисобланиб, эгасини мажбурлаб уни национализациялаштиролмайди, эгалик ҳам қилолмайди. Лекин эгасининг ўзи рози бўлиб, бошқа бирор шахсга сотгани каби давлатга сотиши мумкин. Шунга кўра, давлат умум манфаатини ҳужжат қилиб шахснинг мулкани ҳатто, пулини бериб ҳам тортиб ололмайди. Чунки шахсий мулк ҳурмат қилинади ва қўриқланади. Унга тажовуз қилишга ҳеч кимнинг, ҳатто, давлатнинг ҳам ҳаққи йўқ. Унга тажовуз қилиш жиноят ҳисобланиб, агар бу ишни халифа қилган бўлса, эгасининг шикоятлар маҳкамасига халифанинг устидан арз қилишга ҳаққи бор. Чунки бировнинг кўлидан бирон нарсани ноҳақ тортиб олишга халифанинг ҳаққи йўқ. Шунингдек, давлат манфаатни рўкач қилиб умумий мулк ёки давлат мулкани бир кишининг кўлига топшириб қўйиши ҳам мумкин эмас. Чунки шарият умумий мулкнинг, шахсий мулкнинг, давлат мулканинг нималигини баён қилар экан, бу моллардаги манфаатни ҳам белгилаб қўйган.

Шулардан кўриниб турибдики, национализация қилинган мулк умумий мулк ҳам, давлат мулки ҳам, шаръий ҳукм ҳам эмас. У капиталистик тузум «ямоқ солишлари»нинг бир кўриниши, холос.

ҚҶРИҚХОНА УМУМ МАНФААТИДАНДИР

Одамлар умумманфаатлардан улар нима мақсадда бино қилинган бўлса, улардан ўша мақсадларда фойдаланишлари мумкин. Масалан, йўлдан дам олиш ёки савдо қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин эмас. Чунки у бундай мақсадларда бино қилинмаган. Йўловчиларга ҳалақит бермайдиган даражада фойдаланилса, ҳечқиси йўқ. Яна бир мисол, фақат суғориш учун фойдаланиладиган дарёдан кема қатнови учун фойдаланиш мумкин эмас. Ҳар иккаласи учун ҳам ишлатиладиган Нил, Дажла, Фирот каби дарёлардан иккала мақсадда ҳам фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, яйлов, масжид, денгиз каби умумманфаатларининг бир қисмини қўриқхона қилиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Пайғамбар ﷺ:

«لَا حِمَىٰ إِلَّا لِلَّهِ وَلِرَسُولِهِ»

«Қўриқхона қилишга Оллоҳ ва Расулидан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», деганлар. Бу ҳадисни Абу Довуд Саъб ибн Жусомадан ривоят қилган. Арабларда қўриқхона аслида мана бундай бўлган: уларнинг бир бошлиғи серҳосил жойга кўнади-да, бир итни баланд жойда хурдиради. Унинг овози етиб борган жойни ҳамма тарафдан ўрайди, яъни қўриқхона қилади. Кейин у жойда бошқаларнинг ҳайвон боқишига йўл қўймайди. Ўзи эса бошқаларнинг жойларида ҳам ҳайвонини боқаверади. Қўриқхона «кўриқланадиган жой» деганидир. Рухсат этилганнинг зидди. Ислом келиб умумий мулклардан маълум қисмини қўриқхона қилиб олишни тақиқлади. Ҳадиснинг маъноси, мусулмонларнинг умумий мулкига алоқадор нарсани қўриқхона қилиб олишга Оллоҳ ва Расулидан бошқанинг ҳаққи йўқ, деганидир. Негаки, Оллоҳ ва расулининг хоҳлаган жойини қўриқхона қилиб олишга ҳаққи бор. Пайғамбар ﷺ айрим жойларни қўриқхона қилганлар. Ибн Умар ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ حَمَى النَّقِيعَ حَيْثُ الْمُسْلِمِينَ»

«Пайғамбар ﷺ Нақихни мусулмонларнинг отлари учун қўриқхона қилганлар», бу ҳадисни Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилган. Яъни Пайғамбар ﷺ Нақий номли жойни қўриқхона қилганлар. У ер сув тўпланадиган, серҳосил жой бўлиб, Мадинадан йигирма фарсах узоқликда жойлашган. Одамларни у ердаги ўлик ерларни тирилтиришлари, яйловларни кўпайтириб, ҳайвонларни боқишлари ман қилинган. Чунки у ер Оллоҳнинг йўлида ғазот

киладиган отлар учун кўриқхонага айлантирилган. Пайғамбар ﷺ дан кейин халифалар ҳам айрим жойларни кўриқхона қилганлар. Умар ва Усмон умумий мулкнинг бир қисмини кўриқхона қилган. Бу иш саҳобалар орасида машхур бўлишига қарамасдан ҳеч ким уни инкор қилмаган. Шунга кўра, у ижмоъдир. Омир ибн Убайдуллоҳ ибн Зубайр отасидан ривоят қилади: «**Бир аҳробий Умарнинг олдига келиб: Эй, амирул-мўминин, жоҳилиятда биз шу диёр устида жангу жадал қилдик ва шу заминда Исломга кирдик. Нимага асосланиб, уларни кўриқхона қиласиз? - деди. Умар бошини қуйи солиб, мўйловини бураб хўрсина бошлади. (У қачон бир нарсадан хафа бўлса, мўйловини бураб хўрсинарди) Аҳробий бу аҳволни кўриб ҳам гапини яна такрорлади. Шунда Умар: Мол Оллоҳнинг моли, бандалар ҳам Оллоҳнинг бандалари. Оллоҳга қасамки, устимда Оллоҳнинг йўлида қилинадиган ишларнинг масхулияти бўлмаганида бир қарич ерни ҳам кўриқхона қилмасдим, деди**». Буни Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилган.

Ҳадисда кўриқхона қилиниши тақиқланган нарсалар икки турлидир: Биринчиси, ҳар бир одам ишлатиб ҳосил олиши мумкин бўлган ўлик ерлар. Иккинчиси Пайғамбар ﷺ одамлар ўртасида муштарак мулкка айлантирган сув, яйлов, олов каби нарсалардир. Масалан, бир ариқни ўзиники қилиб олиб, ўзининг экинини суғориб, бошқаларнинг экинларини суғоришга йўл қўймаслик тақиқланади. Аҳмад Иёс ибн Абддан ривоят қилади:

«لَا تَبِيعُوا فَضْلَ الْمَاءِ، فَإِنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ بَيْعِ الْمَاءِ»

«Сувнинг ортиқчасини сотманглар. Чунки Пайғамбар ﷺ сувни сотишдан қайтарганлар». Ҳишом Ҳасандан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ مَنَعَ فَضْلَ الْمَاءِ لِيَمْتَعَ بِهِ فَضْلَ الْكَأَلِ مَنَعَهُ اللَّهُ فَضْلَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Кимки бировни ортиқча ўт-ўландан махрум қилиш мақсадида ортиқча сувдан махрум қилса, қиёмат кунида Оллоҳ уни Ўз фазлидан махрум қилади». Бу ҳадисни Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилган. Шулардан кўриниб турибдики, мусулмонларга фойдаси бор деб билса, ўлик ерни ва умумий мулкка алоқадор нарсаларни ҳеч кимга зарар қилмаслиги шарти билан кўриқхонага айлантиришга давлатнинг ҳаққи бор.

КОРХОНАЛАР

Корхона корхоналиги жиҳатидан шахсий мулкдир. Пайғамбар ﷺнинг замонларидан ҳам одамлар пойабзал, кийим, қилич каби маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлганлар. Пайғамбар ﷺ уларга эътироз билдирмаганлар. Минбар ясаб беришлари учун ўшаларга буюртма берганлар. Бу нарса корхоналарнинг шахсий мулк бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Корхоналар устидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қараб ҳукм чиқарилади. Масалан, ароқ ишлаб чиқарувчи корхонага эга бўлиш мусулмонга ҳаромдир. Негаки, Оллоҳ Таолонинг сиқиб ароқ чиқарувчининг ҳам, чиқартирувчининг ҳам лаънатлагани хусусида ҳадис ворид бўлган. Унда сиқишдан эмас, сиқиб ароқ чиқаришдан қайтарилган. Сиқишнинг ўзи ҳаром эмас. Сиқиб ароқ чиқариш ҳаром. Ароқ корхонасининг ҳаромлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотига, яъни ароққа қараб бўляпти. Демак, корхона ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ҳукмини олади. Шунга асосан қайси бир корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти умумий мулкка тегишли моддалардан бўлмаса, ўша корхона шахсий мулк ҳисобланади. Қандолатчилик, тўқимачилик, дурадгорлик каби корхоналар шулар жумласидандир. Энди агар корхоналар умумий мулкка дахлдор маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган бўлса, улар умумий мулк бўлиб қолади. Туганмас маъданларни қазиб олувчи корхоналар шулар жумласидандир. Худди ароқ корхонаси ҳаромликда ароқнинг ҳукмини олгани каби, олтин, кумуш, темир, мис, нефт каби маъданларни қазиб олувчи корхоналар ҳам қазиб олаётган ўша маъданлар каби умумий мулк ҳукмини олади. Мусулмонлардан вакил сифатида ва мусулмонлар фойдаси учун маъданларни қазиб олиш вазифаси давлатнинг зиммасига юклатилганлиги эътибори билан улар давлат мулки бўлиши мумкин. Темирни кесиш, болғалаш, машина ишлаб чиқариш каби шахсий мулкка алоқадор маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар шахсий мулк бўлиши мумкин. Чунки улар ишлаб чиқараётган маҳсулот умумий мулкка тегишли эмас. Хуллас, умумий мулкка тегишли материалдан маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона умумий мулк бўлиши ҳам, давлат мулки бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ўшандай корхоналар давлат шахслардан ижарага оладиган шахсий мулк бўлиши ҳам мумкин. Қайси бир корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти шахсий мулкка тегишли бўлса, унга шахслар ҳам эгалик қилишлари жоиз. Негаки, у шахсий мулк туридандир.

БАЙТУЛМОЛ

Байтулмол - мусулмонларнинг ҳақи бўлган молларнинг кирим-чиқими билан шуғулланувчи идорадир. Шунга кўра, мусулмонлар ҳаққи бўлган ҳар бир мол - гарчи бирон жихат унинг эгаси этиб тайин қилинган тақдирда ҳам, мусулмонлардан ким унга эга бўлиши тайин бўлмаса - байтулмолнинг ҳаққи бўлиб қолаверади. Шунинг учун агар, мол байтулмолда ушлаб турилса, шу ушлаб турилиши сабабли мол байтулмол ҳақига қўшилади. Бунда молнинг байтулмолга кириш ёки кирмаслигида фарқ йўқ. Чунки байтулмол жой эмас, идорадир. Энди агар ўз ўрнига сарфланса, байтулмолнинг чиқими ҳисобланади. Бунда мол байтулмолнинг ўзидан чиқдими ёки чиқмадими бунинг фарқи йўқ. Чунки мусулмонлар волийлари ва омиллари ихтиёрига ўтган ёки қўлларидан чиққан мол байтулмол кирими ва чиқими ҳукмида бўлади.

Байтулмолнинг киримлари

Байтулмолнинг доимий киримлари ўлжа, ғанимат, хирож, жизя, умумий мулкнинг барча турдаги киримлари ва давлат мулкидан тушган фойдалар, ушрлар, конлар, рикознинг бешдан бири ва закот молларидир. Фақат закотлар байтулмолнинг алоҳида хазинасига қўйилиб, Куръонда зикр қилинган саккиз жойгагина сарф қилинади. Хоҳ, давлат ишлари бўлсин, хоҳ уммат ишлари бўлсин, уларнинг шу саккиз ўриндан бошқасига сарфланиши мумкин эмас. Имом (халифа) ўз раъйи ва ижтиҳоди билан шу саккиз жойдан хоҳлаганига бериши мумкин. Улардан фақат биттасига бериши ҳам, ҳаммасига бериши ҳам жоиз, умумий мулкларнинг киримлари байтулмолнинг алоҳида хонасига йиғилиб, бошқаларидан ажратиб қўйилади. Чунки улар ҳамма мусулмонларнинг мулкидир. Халифа уларни ўз раъйи ва ижтиҳоди билан, шариат ҳукмларига амал қилгани ҳолда, мусулмонларнинг фойдасига ишлатади.

Байтулмолнинг ҳақларидан ҳисобланувчи бошқа моллар бир-бирлари билан аралаш қўйилиб, давлат ва уммат ишларига ҳам, мазкур саккиз ўринга ҳам, давлат лозим топган бошқа жойга ҳам сарфланиши мумкин. Бу моллар фуқаронинг эҳтиёжларига етса, етди. Етмаса давлат ўз зиммасидаги вазифани бажариш учун мусулмонларга солиқ солади. Солиқ солиш шариат белгилаб берган тарзда бўлади. Мусулмонларнинг гарданидаги фарзни адо этиш учун давлатга пул керак бўлса, унинг мусулмонларга солиқ солишга ҳаққи бўлади. Майитнинг қарзини узиб қўйиш каби мусулмонларга вожиб бўлмаган ишларда эса давлатнинг солиқ солишга ҳаққи йўқ. Байтулмолда пул бўлса, узиб қўяди, бўлмаса, бу мажбурият давлат

гарданидан соқит бўлади. Куйидаги ҳолатларда давлатнинг солиқ солишига ҳаққи бўлади:

1. Байтулмолнинг гарданидаги фақирлар, мискинлар ва мусофирларнинг ҳаққини бериш ва жиҳод фарзини адо этиш учун;

2. Амалдорларга маош бериш, аскарларни таъминлаш каби байтулмолнинг гарданидаги вожиб харажатларни бадал тарзида коплаш учун;

3. Йўллар қуриш, сувлар чиқариш, масжид-мадрасалар, шифохоналар солиш каби уммат учун зарур бўлган, йўқ бўлса, умматга зарар етадиган ишлар сингари байтулмолнинг гарданидаги чиқимларни бадал тарзида эмас, манфаат ва мурувват тарзида коплаш учун;

4. Мусулмонларнинг устига қўққисдан келиб қоладиган очлик, тўфон, зилзила, душман ҳужуми каби офатларни даф қилиш сингари байтулмолнинг гарданига зарурат тарзида юклатилган харажатларни коплаш учун;

5. Юқоридаги тўрт ҳолатдан бири туфайли бўладими ё улардан келиб чиқадиган бирор иш туфайли бўладими ёки умуман шариат мусулмонларга вожиб қилган бирор ҳолат туфайли бўладими, иш қилиб барча мусулмонларга вожиб бўлган вазифани адо этиш мақсадида олинган қарзларни тўлаш учун ҳам солиқ солинади.

Ушр йиғувчининг аҳли ҳарб ва аҳли аҳддан йиғиб олганлари, умумий мулк, давлат мулкидан келган ҳамда меросхўри йўқ кишилардан мерос бўлиб қолган маблағлар ҳам байтулмолнинг қиримлари ҳисобланиб, фуқаронинг манфаати учун сарфланади. Байтулмолдаги маблағлар сарфланиши лозим бўлган ўринлардан ортиб қолса, қаралади: Агар у ўлжадан келган бўлса, одамларга ҳадя тарзида бўлиб берилади. Агар у жизя ва хирождан келган бўлса, келгусида юз бериши мумкин бўлган ҳодиса учун олиб қўйилади. Лекин гарданида жизя ва хирож мажбурияти бўлган одамлардан соқит қилинмайди. Негаки, шаръий ҳукмга кўра жизя қўлдан олинади, хирож эса кўтаришига қараб ерга солинади. Агар у закотдан йиғилган бўлса, то сарфлаши керак бўлган саккиз ўриндан бири топилгунига қадар байтулмолда сақлаб турилади. Агар ортиб қолган маблағ мусулмонларнинг гарданига юклатилиши керак бўлган тўлов мажбуриятдан бўлса, улар бу мажбуриятдан озод этиладилар.

Байтулмолнинг харажатлари

Байтулмолнинг харажатлари куйидаги олти асосда белгиланади:

1. Байтулмолда сақланаётган закот пулларининг ҳақдорларга тегиши унинг борлиги билан эътиборлидир. Яъни, байтулмолда

закот пули бўлса, уни Қуръонда айтилган саккиз ўринга сарфлаш лозим. Байтулмолда закот пули бўлмаса бу мажбурият ундан соқит қилинади. Бошқа пуллар закот учун сарфланадиган жойларга сарф этилмайди, унинг учун қарз ҳам олинмайди.

2. Байтулмолнинг жиҳод фарзини адо этилиши учун бўладиган чиқимлари ҳамда фақир мискинларга қиладиган харажатлари каби ишларда молнинг бор-йўқлиги эътиборга олинмайди. Зеро, бу ишлар байтулмолда маблағ бор-йўқлигидан қатъий назар, сарфланиши лозим бўлган ҳақлардандир. Агар мол бор бўлса, дарҳол сарф қилинади. Йўқ бўлса ва сарфнинг кечиктирилишидан зарар хавфи бўлса, мусулмонлардан пул йиғилгунига қадар, давлат дарҳол қарз олади. Зарар хавфи бўлмаса

﴿فَنْظَرَةٌ إِلَى مَيْسَرَةٍ﴾

«**Бойгунча кутиш**» қоидаси татбиқ этилиб, сарф мол йиғилгунига қадар кечиктирилиб турилади. Йиғилганидан кейин ҳақдорларига берилади.

3. Байтулмолнинг бадал тарзида тўлайдиган харажатлари, яъни қўшинни таъминлаш, хизматчилар, қозилар, муаллимлар кабиларга ойлик бериш сингари хизмат эвазига пул беришда маблағ бор-йўқлигининг эътибори йўқ, улар мол бор бўлса ҳам, йўқ бўлса ҳам бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлардир. Агар мол бор бўлса, дарҳол сарфланиши вожиб, йўқ бўлса, топиш давлатнинг бурчи. Сарфнинг кечиктирилишидан зарар хавфи бўлса, мусулмонлардан пул йиғилгунига қадар давлат дарҳол қарз олади. Агар зарар хавфи бўлмаса, «**бойгунча кутиш**» қоидаси татбиқ этилиб, сарф пул йиғилгунига қадар кечиктирилади. Кейин ҳақдорларга берилади.

4. Байтулмолнинг бадалсиз манфаат ва қулайлик яратиш тарзидаги харажатлари, яъни йўл, сув, масжид-мадраса, шифохона каби зарур бўлган, бўлмаса уммат қийналиб қоладиган, муқобилига маблағ йиғиб олинмайдиган ишлар учун қиладиган чиқимларида молнинг бор-йўқлиги эътиборга олинмайди. Улар мол бўлса ҳам, бўлмаса ҳам бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлардир. Байтулмолда мол бор бўлса, бу ишларга сарфланиши вожиб. Йўқ бўлса, унинг вожиблиги умматнинг гарданига тушади. Яъни уларнинг чиқимини қоплашга етарли мол умматдан йиғиб олинади. Чунки бу ишда молнинг бор-йўқлиги эътиборга олинмайди. Бор бўлса, сарфланиши вожиб, йўқ бўлса унинг фарзлиги мусулмонларнинг гарданига тушиб, улардан шу ишга етарли мол йиғиб олинади. Йиғиб олинганидан кейин унинг вожиблиги яна байтулмолнинг гарданига ўтади.

5. Байтулмолнинг бадалсиз ва қулайлик яратиш тарзидаги харажатлари. Фақат бу ишлар қилинмай қолса, умматга зарар етмайди. Яъни бир шифохона бўла туриб, иккинчи шифохонани очиш, бир йўл одамларга узоқлик қилганлиги учун янги бир йўл қуриш каби бўлмаслиги умматга зарар қилмайдиган ишларга қилинадиган харажатларда молнинг борлиги эътиборлидир. Байтулмолда мол бўлса, бу ишларга сарфлаш вожиб, бўлмаса, унинг вожиблиги байтулмолдан соқит қилинади. Унинг учун мусулмонлардан пул йиғилмайди. Чунки бу иш аслида мусулмонларнинг гарданидаги вазифа эмас.

6. Байтулмолнинг кўққисдан мусулмонлар устига тушган очлик, тўфон, зилзила каби ҳодисаларга қиладиган харажатларида молнинг бор-йўқлиги эътиборга олинмайди. Улар мол бор бўлса ҳам, йўқ бўлса ҳам бажарилиши шарт бўлган мажбуриятдир. Агар мол бўлса, дарҳол сарфлаш вожиб. Бўлмаса унинг фарзлиги мусулмонларнинг гарданига тушади-да, дарҳол мусулмонлардан маблағ йиғиб олиниб, сарфлаш учун байтулмолга қўйилиши лозим. Йиғиб олгунига қадар сарфнинг кечиктирилишидан зарар хавфи туғилса, давлат дарҳол қарз олиб керакли жойга ишлатиши вожиб. Қарз кейинроқ мусулмонлардан йиғилган пул билан тўланади.

Давлат бюджети

Демократик давлатлар ҳар йили давлатнинг умумий бюджетини белгилаб оладилар. Демократик давлатнинг бюджетининг воқеи шундан иборатки, бюджет фалон йил бюджети деган ном билан чиқарилади. Парламент уни тасдиқлайди, муҳокамадан кейин қонун қабул қилинади. Муҳокамада бюджетнинг бўлимлари ва ҳар бир бўлим ўз ичига олган маблағлар ҳар бири алоҳида кўриб чиқилади. Ҳар бир бўлим ажралмас бир бутунлик, деб эътибор қилинади. Унинг ҳар бир қисмига эмас, бир бутун сифатида овоз берилади. У бутунича қабул қилинади, ё қабул қилинмайди. Муҳокамада бўлимлар ва улардаги маблағлар ҳар бири алоҳида кириб чиқилса-да, бюджет қонуни бир неча моддалардан таркиб топади: Давлатнинг молиявий йил мобайнидаги харажатлари учун йиғилган маблағни кўрсатувчи модда; Молиявий йил мобайнидаги давлат киримларининг тахминий маблағини кўрсатувчи модда; Айрим муассасаларнинг харажатлари ва тахминий киримларини кўрсатувчи моддалар; Молия вазирига бериладиган айрим ваколатларни кўрсатувчи моддалар ва ҳоказо. Бюджет боблари жадвалида ҳар бир модда ва унинг киримлари ёки чиқимлари кўрсатгичи туради. Ҳар бир жадвалда боб ўз ичига олган бўлимлар кўрсатилади. Ҳар бир бўлимдаги айрим томонларнинг умумий

маблағлари ҳам белгиланади. Шу асосда йиллик бюджет айрим йилларда турли воқеаларга қараб жузъий ўзгаришлар билан ёки давлатлар ўртасидаги айрим жузъий келишмовчиликларга қараб ишлаб чиқилади.

Исломий давлатда эса йиллик бюджет белгиланмайди. Шунга кўра унда ҳар йили янги қонун чиқариш, уни уммат мажлиси муҳокамасига қўйиш, уларнинг фикрини билиш зарурати йўқ. Негаки, демократик тузумдаги бюджет ўзининг боблари, бўлимлари ва улардаги маблағлари билан бир йил учун чиқарилган қонундир. Уни парламент чиқаради. Шунинг учун уни парламент мажлиси муҳокамасига қўйилади. Исломий давлатда эса бундай ишларга ҳожат йўқ. Чунки байтулмолнинг киримлари ҳам, чиқимлари ҳам шаръий нусуслардаги шаръий ҳукмларга қараб бўлади. Барча шаръий ҳукмлар доимийдир, шунинг учун киримлар бобини ҳам, чиқимлар бобини ҳам муҳокама қилишга ўрин йўқ. Улар доимий шаръий ҳукмлар белгилаб қўйган доимий боблардир. Бюджет боблари жиҳатидан олинганда шундай бўлади. Аммо бюджетнинг бўлимлари, ҳар бир бўлимдаги маблағлар ва шу маблағлар сарфланадиган ишлар жиҳатидан оладиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси халифанинг раъйи ва ижтиҳодига ҳавола қилинади. Чунки улар бошқарув ишларига оид бўлиб, шариат уларни халифага қолдирган. Халифа улар ҳақида ўз раъйига қараб қарор чиқаради. Халифанинг амри эса вожибдир.

Шунга кўра, демократик тузумга ўхшаб Исломда давлатнинг йиллик бюджетини, бобларини, бўлимларини, қисмларини, уларга керак бўладиган маблағларни тузишга ўрин йўқ. Демак, исломий давлатнинг йиллик бюджети тузилмайди. Унинг бюджети доимий бўлиб, бобларини - киримларини ва чиқимларини шариатнинг ўзи тузиб қўйган. Бўлимлари, қисмлари ва уларга кетадиган маблағларни эса манфаат тақозо қилган пайтда муайян муддатга қараб ўтирмасдан халифанинг ўзи белгилайверади.

Закот

Закот моли байтулмолга қўйиладиган моллар турига киради. У бошқа турдаги моллардан йиғилиши, олинадиган миқдори ва сарфланиши жиҳатидан фарқ қилади. У фақат мусулмонларнинг молларидан олинади. Бошқаларникидан йиғилмайди. У умумий ўлпон эмас, муайян ибодат бўлиб, исломнинг бир рукни ҳисобланади. У мол бўлиши билан бирга уни адо қилиш намоз, рўза, ҳаж каби руҳий қийматни ҳам вужудга келтиради. Уни адо этиш мусулмоннинг гарданидаги фарзи айндыр. У умматдан йиғиладиган бошқа моллар каби давлатнинг эҳтиёжлари,

жамоанинг манфаатига қараб йиғилмайди. Эҳтиёж бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар байтулмолга берилиши шарт. Мусулмоннинг молига закот вожиб бўлганда, ундан соқит бўлмайди. Қарзлари ва эҳтиёжларидан ташқари моли нисобига етган мусулмонга закот вожибдир. У мусулмондан бошқага вожиб бўлмайди. Ғўдакка ҳам, жиннига ҳам фарз. Термизий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«أَلَا مَنْ وَلى يَتِيْمًا لَهُ مَالٌ، فَلْيَتَّجِرْ فِيهِ، وَلَا يَتْرُكْهُ حَتَّى تَأْكُلَهُ الصَّدَقَةُ»

«Огоҳ бўлингларки, кимки, моли бор етимга васий бўлса, молини айлантириб турсин. Уни закот еб юборишига қўйиб бермасин», деганлар. Яъни закотга тўланавериб, моли йўқ бўлиб кетмасин, деганидир. Зеро, закот молнинг устига вожибдир. У жасадий эмас, молиявий ибодатдир.

Олинадиган закот миқдори аниқ бўлиб, камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Тилла, кумуш, тижорат молларидаги миқдори қирқдан бирдир. Закот нисоби етган молдан олинади. Нисоб икки юз дирҳам кумуш ёки йигирма мисқол олтин билан белгиланади. Тилланинг мисқоли - шаръий динорга тенг. Унинг вазни йигирма қийрот (карат), яъни 4,25 грамм. Шунга кўра, нисоб тилла билан ўлчанганда 85 грамм олтинга тўғри келади. Кумуш дирҳам эса 2,975 грамм. Демак, нисоб кумуш билан ўлчанганда 595 грамм кумушга тўғри келади. Мол нисобга етмаса, ундан ҳеч нарса олинмайди. Бўғдой каби донлар, туя, сигир қўй каби чорваларнинг нисоби, миқдорини ва улардан қанча олинishi кераклигини фақиҳлар муфассал баён қилганлар.

Закот сарфланадиган жойлар ҳам аниқ белгиланган. У Оллоҳ Куръонда зикр қилган саккиз синфдан бошқасига сарфланмайди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمْ وَفِي

الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَإِنَّ السَّبِيلَ﴾

– „Албатта, садақалар (яъни закотлар) фақат фақирларга, мискинларга, закот йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошина қилинувчи кишиларга, ва қулларни озод қилишига, қарздор кишиларга ва Оллоҳ йўлида (жиҳодга) ҳамда мусофирларга берилур“. [9:60]

Пули бору, лекин харажати кўп кишилар фақирлардир. Умунан пули йўқ, кирими ҳам йўқлар эса мискинлардир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْ مَسْكِينًا ذَا مَتْرَبَةٍ﴾

– „*Ёки муҳтож бечора-мискин*“.

[90:16]

Закот йиғувчилар уни йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган кишилардир. Диллари динга ошно қилинувчи кишилар - давлат, закот берилса, мусулмонлиги янада мустаҳкамланади, деб ўйлаган кимсалардир. Қулларни озод қилиш учун ҳам закот берилади. Закот олувчиларнинг бу синфи ҳозирда мавжуд эмас. Қарздорлардан мурод, қарзини узолмаётган қарздорлардир. Оллоҳнинг йўлида, дегани, жиход учун, деганидир. Қуръонда:

﴿فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾ деган сўз сарфлашга алоқадор бўлса, жиход, маъносини билдиради. Йўловчидан мурод, узилган (яъни, мол-мулки, юртдан йирокдаги) мусофирдир. Шу саккиз синфдан бошқасига закот пулидан берилмайди. У давлатнинг иқтисодий ишларига сарflanмайди. Мазкур саккиз синфдан бирортаси топилмай қолса, закот сарflanмасдан байтулмолда сақланиб тураверади. Ҳожат тушганда, яъни саккиз синфдан бири топилганда берилади. Закот халифа ёки унинг вакилига топширилади. Чунки Оллоҳ Таоло:

﴿حُذِّ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةٌ تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ بِهَا﴾

– „*(Эй Муҳаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг*“, [9:103] деди. Абу Бакр ҳам одамлардан камбағалларга берасизларми, бермайсизларми, деб ўтирмасдан закот беришларини талаб қилган. Саҳобалар унга эътироз билдирмаганлар. Закот беришдан бош тортишгач, уларга қарши урушган. Закотни ҳақдорга фақат имом беради, холос. Ҳатто, волийлар золим бўлсалар ҳам уларга топширилади. Суҳайл ибн Абу Солиҳ ривоят қилади: «**Саҳд ибн Абу Ваққоснинг олдига келиб, менинг молим бор, закотини чиқармоқчиман, анавиларни ўзинг кўриб турибсан, менга нима маслаҳат берасан, дедим. У, ўшаларга беравер, деди. Ибн Умарнинг олдига борган эдим, у ҳам шу гапни айтди. Абу Ҳурайранинг олдига борган эдим, у ҳам шу гапни айтди. Абу Саиднинг олдига борган эдим, у ҳам шу гапни айтди**». Бу ривоятни «Муғний»нинг муаллифи айтган. Закот зиммий бўлиш - бўлмаслигидан қатъий назар кофирга мутлақо берилмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ Муоз ибн Жабални Яманга юбораётганларида:

«فَاعْلَمْهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً فِي أَمْوَالِهِمْ، تَتَّخِذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ، وَتَرُدُّ عَلَى فُقَرَائِهِمْ»

«Уларнинг молларига бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган садақа (закот)ни Оллоҳ фарз қилганини уларга билдириб қўй», дедилар. Бу ҳадисни Бухорий ибн Аббосдан ривоят қилган. Унда Пайғамбар ﷺ закотнинг вожиблигини мусулмонларнинг бойларига хослаганларидек, сарф этилишини мусулмонларнинг камбағалларига хослаптилар. Лекин кўнгилдан чиқариб бериладиган садақани кофирга бериш ҳам жоиз. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حَيْثُ مَسْكِنًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا﴾

– „Таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни таомлантирурлар“, [76:8]
У пайтда кофирдан бошқа асир бўлмаган.

Жизя

Жизя Оллоҳ Субҳонаху Ислом ҳукмига бўйсунган кофирлардан мусулмонларга олиб берган ҳақдир. У умумий мол ҳисобланиб, фуқаронинг ҳамма манфаатлари йўлида сарфланаверади. Йил кириши билан уни тўлаш лозим бўлади. У Куръони Карим ҳужжати билан собитдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿حَتَّىٰ يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ﴾

– „То улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) жизя (солиги)ни тўламагунларича, жанг қилинг!“ [9:29]

Абу Убайд «Амвол»да Ҳасан ибн Муҳаммаддан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ Ҳажар мажусийларига Исломга даъват қилиб ёзган мактубларида шундай деганлар:

«فَمَنْ أَسْلَمَ قَبْلَ مِنْهُ، وَمَنْ لَا ضَرْبَ عَلَيْهِ الْجِزْيَةَ. فِي أَنْ لَا تُؤَكَّلَ لَهُ ذَبِيحَةٌ، وَلَا تُنَكَّحَ لَهُ امْرَأَةٌ»

«Ким мусулмон бўлса, мусулмонлиги қабул қилинади. Ким мусулмон бўлмаса, сўйган ҳайвони ейилмагани ва бирон аёл унга никоҳланмагани учун унинг гарданига жизя солинади». Жизя кофирлардан олинади. Мусулмон бўлишса, улардан соқит қилинади. Жизя молга эмас одамга солинади. Ҳар бир кофирнинг молидан эмас, ўзидан олинади. Жизя «жазо» сўзидан олинган.

Демак, у одамдан кофирлигига жазо тариқасида олинади. Шунга кўра, мусулмон бўлмагунича ҳатто, урушда қатнашса ҳам соқит бўлмайди. Чунки жия мусулмонларни ҳимоя қилганлиги учун ундан соқит бўладиган нарса эмас. Жия - беришга қодир одамдангина олинади. Чунки Оллоҳ Таолонинг:

﴿عَنْ يَدٍ﴾ «ўз қўллари билан» дегани, қодир бўлган одамлар, деганидир. Қурби етмайдигандан олинмайди. У фақат эркаклардан олинади. Аёлга, гўдакка, жиннига жия солинмайди. Ҳатто бир аёл Ислом диёрига яшаш учун келиб, жия тўламоқчи бўлса, яшашга рухсат берилади, аммо ундан жия олинмайди. Жияга махсус миқдор белгиланмайди. Бу иш халифанинг раъйи ва ижтиҳодига яшовчининг тоқатидан ошириб юбормаслиги шарти билан ҳавола қилинади. Ибн Абу Нажих ривоят қилади: **«Мен Мужоҳидга, нега шомликларга тўрт динор, яманликларга эса бир динор (жия солинган) деган эдим, у, бойликка қараб шундай қилинган, деб жавоб берди».** Бухорий ривояти. Қодир одамга жия солинганидан кейин камбағаллашиб кетса, уни тўлаш бўйнига қарз бўлиб қолади. Унга нисбатан камбағал қарздорга қилинадиган муомала қилиниб, бой бўлиши кутилади.

Хирож

Хирож Оллоҳ кофирлардан мусулмонларга олиб берган ҳақдир. У кофирлардан уруш ёки сулҳ (агар сулҳда ер бизники дейилиб, хирож тўлаш эвазига кофирларнинг унда яшашлари айтилган бўлса) орқали олинган ерга солинади. Хирож сўзи арабларда фойда олиш, ижарага бериш маъноларини англатади. Кофирлардан уруш эълон қилинганидан кейин куч билан олинган ҳар бир ер хирожий (хирож олиннадиган) ер ҳисобланади. Фатҳдан кейин мусулмон бўлишса-да, ерлари хирожийлигича қолади. Абу Убайд «Амвол»да Зухрийдан ривоят қилади: **«Улардан ким мусулмон бўлса, мусулмонлиги қабул қилинган, мусулмонлиги унинг ўзини ва молини сақлаган. Фақат ерни эмас. Чунки у дастлаб ҳимоялана оладиган пайтларида мусулмон бўлмагани учун ер мусулмонларнинг ўлжаси ҳисобланган».** Ҳимоялана оладиган пайтлари, яъни мусулмонлардан ҳимоялана оламиз, деб ўйлаган пайтлари маъносидадир. Хирож ерга унинг кўтаришига қараб солинади. Умар □ ерга кўтаришига қараб, мулкдорга ҳам, деҳқонга ҳам зарар қилмайдиган миқдорда хирож солган. Айрим жойларда ҳар бир жариб (1260-1592м) учун бир қафиз (14,5 укка) ва бир дирҳам солган бўлса, бошқа жойларда бошқача миқдорда хирож солган. Шом тарафларида бундан бошқача иш тутган. Кўриниб

турибдики, у ернинг кўтаришига эътибор берган. Ернинг кўтаришига қараб хирож белгилаганидан кейин, у қайси тарзда солинган бўлса, ўша тарзда олинади. Агар йиллик хирож ер майдонига нисбатан солинган бўлса, қамарий сананинг охирида олинади. Чунки шариатда шу сана эътиборлидир. Агар у экин ҳажмига нисбатан солинган бўлса, шамсий сананинг охирида олинади. Чунки ёмғирлар ва экиннинг чиқиши шу сана билан ўлчанади. Агар маҳсулотга нисбатан солинса, яъни маҳсулотнинг маълум бир қисмини олишга келишилса, йиғим-теримлар тугаганидан кейин олинади. Халифа шу уч йўлдан бирини танлаши, яъни ер майдонига ё экин ҳажмига ёки маҳсулотга нисбатан хирож солиши мумкин. Қайсинисини унумлироқ деб билса, ўшанисини олаверади. Ер яхшиланиб, масалан қудуқ қавланиб ёки ариқ очилиб, натижада ҳосилнинг кўпайиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай пайтда агар яхшиланиш деҳқон тарафидан бўлса, хирож миқдори оширилмайди, давлат тарафидан бўлса, оширилади. Айрим сабаблар, масалан қудуқни қаровсиз ташлаб кўйиш ёки ариқни бузиб юбориш сабабидан ҳосилнинг камайиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай пайтда агар ўша сабаблар деҳқон тарафидан содир этилса, хирож миқдори камайтирилмайди, давлат тарафидан содир этилган бўлса, камайтирилади. Ҳосилнинг камайиш ҳоллари довулларнинг дарахтларни қўпориб ташлаши, селнинг ариқларни бузиб кетиши каби табиий офат туфайли бўлса, хирож ернинг кўтаришига қараб солинади, токи ер эгаларига зулм бўлмасин. Хирож доимий бўлмайди, муайян муддатга солинади. Ернинг кўтариш муддати тугаши билан белгиланган миқдор ҳам тугайди. Янги муддатга янги миқдор белгиланади.

Солиқлар

Шариат белгилаб қўйган байтулмолнинг киримлари фуқарони бошқаришга, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга етарлидир. Бевосита ҳам билвосита ҳам солиқ солишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Шунга қарамай шариат эҳтиёт юзасидан умматнинг эҳтиёжларини икки қисмга ажратиб, биринчи қисмдаги эҳтиёжларни қондиришни байтулмолнинг зиммасига, иккинчи қисмдаги эҳтиёжларни қондиришни эса барча мусулмонларнинг зиммасига юклаб, давлатга бу эҳтиёжларни қондириш учун мусулмонлардан пул йиғиш ҳуқуқини берди. Шунга кўра, солиқлар Оллоҳнинг мусулмонлар зиммасига юклаган фарзи бўлиб, уларнинг манфаатлари йўлида ишлатилади. Оллоҳ пул йиғиш ва уни ўз ўрнига сарфлашни халифага юклади. Уни солиқ, деб аташ ҳам, фарз қилинган мол, деб аташ ҳам мумкин. Жизя, хирож каби шариатда

кўрсатилиб Оллоҳ фарз қилган ҳамда йўллар, мадрасалар каби зарурий эҳтиёжларга сарфланиши учун Оллоҳ мусулмонларга фарз қилган солиқлардан бошқа ҳеч қандай солиқ олинмайди. Масалан, маҳкамалар, идоралар, ҳеч қайси бошқармалар учун солиқ олинмайди. Божхона солиғи - олинадиган солиқ турига кирмайди. Чунки у бошқа давлатлар биз билан қандай муомала қилса, улар билан ўшандай муомала қилишимиздан бошқа нарса эмас. У байтулмолни етарли маблағ билан таъминлаш учун олинадиган солиқ эмас. Шариат уни макс деб номлаб, мусулмонлардан ҳам, зиммийлардан ҳам олишни таъқиқлайди. Хуллас, шариат фарз қилган солиқдан бошқа солиқ олинмайди. Чунки мусулмоннинг молидан шаръий ҳуқуқсиз ҳеч нарсани олиб бўлмайди. Айтиб ўтганларимиздан ташқари мусулмонлардан олинадиган бошқа солиқ хусусида ҳеч қандай далил ворид бўлмаган. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ғайри динлардан солиқ олинмайди. Чунки шариат эҳтиёжларини қондиришни мусулмонларга фарз қилган. Шунга биноан у фақат мусулмонлардангина олинади. Ғайри динлардан жазиядан бошқа солиқ олинмайди. Хирожий ерлар учун эса мусулмондан ҳам, ғайридиндан ҳам хирож олинади. Мусулмонлардан олинадиган солиқ ҳам харажатларидан, яъни шаръий эҳтиёж қондирилиб, ундан ортганидан олинади.

Асосий ҳамда урфдаги камолий эҳтиёжларни қондиришдан ортгани эҳтиёждан ортгани ҳисобланади. Чунки шахснинг ўзига сарфлаши яшаётган муҳитдаги урфга қараб барча эҳтиёжларни қондиришдир. Уни ҳамма одамлар учун умумий, аниқ бир миқдор билан белгилаб бўлмайди. У шахснинг яшаш даражасига қараб белгиланади. Агар бошқаларга ўхшаб машина ва хизматчига муҳтож бўлса, унинг ўша нарсалардан ортган молидан солиқ олинади. Агар хотин олишга муҳтож бўлса, солиқ миқдори уйланганидан ортгани билан белгиланади ва ҳоказо. Хуллас, эҳтиёжларидан ортиқ мулкка эга бўлса, солиқ олинади, эга бўлмаса солиқ олинмайди. Чунки ўзи муҳтож бўлгач, солиқ беролмайди.

Солиқ йиғишда мол кўпайтиришдан, бой бўлишдан ман қилиш кўзда тутилмайди. Чунки Ислом бойликни таъқиқламайди. Солиқлар йиғишнинг ҳеч қандай иқтисодий аҳамияти кўзда тутилмайди, балки солиқ байтулмолдаги мол керакли эҳтиёжларнинг ҳаммасини қоплашга етарли бўлмагани учунгина солинади. Шунда ҳам давлат харажатлари, яъни фуқаронинг эҳтиёжига яраша ҳамда мусулмонларнинг қурбига қараб олинади. Мусулмонлардан қанча маблағ олинаётганидан қатъий назар бир хил меъёр қўлланади. Мусулмонлар ўртасида адолатли меъёрни

белгилашга эътибор берилади. Чунки солиқ эҳтиёждан ортганидан олинади. У эҳтиёждан ортган ҳамма молдан: сармоядан ҳам, фойдадан ҳам, киришдан ҳам олинади. Саноат ва зироатдаги ишга керакли ишлаб чиқариш асбаб-ускуналари, ер ва кўчмас мулк ҳам сармоя ҳисобланмайди.

БОЙЛИКНИ ОДАМЛАР ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАШ

Ислом шахсий мулкчиликка рухсат бериб, мулкка эга бўлиш шаклини ҳам белгилаб қўйган. Шахсга ўз мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини бериб, тасарруфнинг шаклини ҳам белгилаган. Одамлардаги ақлий ва жисмоний қувватларнинг хилма-хиллигини эътиборга олиб, эҳтиёт юзасидан ожиз ва муҳтожларни қўллаш, таъминлаш мақсадида бойларнинг молларидан уларга ҳақ ажратган. Жамоат муҳтож бўладиган нарсани ҳамма мусулмонларнинг умумий мулкига айлантирган. Биронта одамнинг унга эгадорлик қилишга, ўзи ёки бошқа биров учун асраб қўйишга ҳаққи йўқ. Шунингдек, Ислом фуқарони етарли бойлик ва хизматлар билан таъминлаш масъулиятини давлатга юклаб, унинг ҳам хусусий мулки бўлишига рухсат берди.

Шу билан ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, жамоатнинг жипслиги, одамларнинг манфаатлари, ишларнинг бошқарилуви кафолатланиб, давлатнинг иқтисодий масъулиятини адо этишдаги етарли иқтидори сақланиб қолади. Лекин бунинг учун жамиятдаги ҳар бир фуқаро етарли бойлик билан таъминланган бўлиши ҳамда барча фуқаролар биргаликда шариатнинг барча ҳукмларини ижро этаётган бўлишлари шарт. Бугунги кунда Ислом оламида юз бераётганидек, шахслар ўртасида эҳтиёжларни қондириш борасида улкан тафовут юзага келса, тафовут ҳажмини қисқартирувчи янги тақсимлаш жараёнини жорий этиб, одамлар ўртасида мувозанатни вужудга келтириш вожиб.

Агар нотўғри тушуниш, тасодифий бузилиш ёки давлатнинг низомини татбиқ қилишда камчиликка йўл қўйгани боис одамлардаги шаръий ҳукмларни татбиқ қилиш тушунчаси издан чикса ва бу нарса худбинликка, шахсий мулкчиликни суистеъмол қилишга олиб борса, натижада бойликнинг одамларга тақсимланиши адолатсиз бўлса, бу иш одамларнинг низомдан бешишига, жамиятнинг мўътадил вазиятидан чикиб кетишга олиб боради. Шунда фуқаролар ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш ёки вужудга келтириш вожибга айланади.

Жамиятда бойлик фақат бойлар синфи ўртасида қўлма-қўл бўлиб қолса ёки одамларга мол берилмасдан молнинг одамлар ўртасида айланиб юриши таъқиқланса, бойлик тарқатилишида адолатсизлик юзага келади. Ислом бу икки ҳолатни ҳал этиб, бойликнинг одамлар ўртасида айланиб туришини кафолатловчи ҳамда жамиятда мувозанат бузилган пайтда бойликни қайтадан тақсимловчи шаръий аҳкомларни йўлга қўйиб берди. Шунингдек, Ислом олди-берди

воситаси ҳисобланадиган олтин ва кумушни хазина қилиб сақлашни ман қилувчи ва уларни жамиятда одамлар ўртасидаги муомалага чиқаришга мажбурловчи аҳкомларни ҳам кўрсатиб берди. Шу билан издан чиққан, бузилган ёки бузилиш арафасида турган жамият тикланиб, бойликни ҳар бир фуқаронинг асосий эҳтиёжларини тўла қондирилишга етарли миқдорда тақсимлайди ҳамда асосий бўлмаган эҳтиёжларнинг ҳам қондирилишига мумкин қадар йўл очади.

Жамиятдаги иқтисодий мувозанат

Ислом молнинг барча фуқаро ўртасида айланиб юришини вожиб қилиб, бир гуруҳ одамлардагина чекланиб қолишини тақиқлайди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

– „Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун“.

[59:7]

Агар жамиятда фуқаролар ўртасида эҳтиёжларини таъминлашда улкан иқтисодий тафовут юзага келса ва бунинг сабаби Ислом ҳукмларига амал қилмаслик, уларни татбиқ этишда масъулиятсизлик қилиш бўлса, таъминотни қайта йўлга қўйиш учун ҳожатмандларга етарли мол бериб, жамиятдаги иқтисодий мувозанатни юзага келтириш давлатнинг гарданига тушади. Эҳтиёжларни таъминлашда мувозанатни юзага келтириш учун давлат муҳтожларга кўчма мулкни ҳам, кўчмас мулкни ҳам бериши лозим. Чунки мол беришдан мақсад эҳтиёжни вақтинча қондириш эмас, балки шахсни эҳтиёжни қондирувчи воситалар билан тўла таъминлашдир. Агар давлатнинг моли бўлмаса ёки мувозанатни юзага келтиришга етмаса, одамларга солиқ солиши жоиз бўлмайди. Чунки бу иш барча мусулмонларнинг гарданидаги фарз эмас. Хуллас, давлат жамиятдаги иқтисодий мувозанатда бузилишни кўрса, уни муҳтожларга давлат молидан бериш билан ўнглайди. Зеро, Пайғамбар ﷺ муҳожирлар билан ансорлар ўртасидаги иқтисодий тафовутни кўриб, уни мувозанатга келтириш учун Бану Назирдан олинган ўлжани муҳожирларнинг ўзларигагина бердилар. Ривоятда шундай келади: «Пайғамбар ﷺ Бану Назирни сулҳ йўли билан фатҳ этиб, яҳудийларни ундан кўчириб юборгач, мусулмонлар у кишидан ўлжани тақсимлаб беришларини сўрашди. Шунда:

﴿وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْهُمْ فَمَا أَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ﴾

– „Оллоҳ Ўз пайгамбарига улардан ўлжа қилиб берган нарсаларнинг устига сизлар оту туяларни ўйнатиб-чоптириб борганларингиз йўқ (яъни у ўлжаларни сизлар қийналиб, машаққат чекиб, жанг-жадал билан қўлга киритганларингиз йўқ)“, [59:6] ояти нозил бўлиб, Оллоҳ Бану Назирнинг молларини хоҳлаган жойларига сарфлашларини Пайғамбар ﷺнинг ихтиёрига қўйди. Пайғамбар ﷺ уни муҳожирларга бўлиб бериб, камбағалликда муҳожирлардан қолишмайдиган Абу Дужона Саммок ибн Харша ва Саҳл ибн Ҳанифадан бошқа ансорийга ҳеч нарса бермадилар». Ибн Аббос ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ ансорларга, хоҳласангиз, ҳовли-жойингиз ва молингиздан муҳожирларга улуш ажратиб бераман-да, сизларни ҳам бу ўлжага шерик қиламан, хоҳласангиз, ҳовли-жойингиз ва молингиз ўзларингизда қолаверади-да, ўлжадан сизларга ҳеч нарса ажратмайман, дедилар. Ансорлар, биродарларимизга ҳовли жойларимиз ва молларимиздан ҳам мол ажратамиз, ўлжани ҳам уларни ўзларига берамиз, дейишди. Шунда Оллоҳ Таоло:

﴿وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ﴾

– „... гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар“, [59:9] оятини нозил қилди». Оллоҳ Таолонинг:

﴿كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

– „Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун“, [59:7] деган ояти, бойларнинг ўртасидагина айланиб қолмаслик, деганидир. Яъни фақирларга етарли даражада тирикчилик ўтказиладиган мол сифатида берилиши керак бўлган ўлжа бойларнинг қўлига тушиб, улар ўртасида қўлма-қўл бўлиб юрмасин.

Бану Назирдан олинган ўлжа давлат моли бўлиб, одамлар ўртасидаги иқтисодий мувозанатни юзага келтириш учун фақат фақирларга берилди, бойларга берилмади. Агар бу моллар мусулмонлардан йиғиб олинган мол бўлмай, балки ўлжа каби мол бўлса, шундай қилинади. Агар мусулмонлардан йиғилган бўлса, мувозанатлаштиришга сарфланмайди. Ҳар доим шундай қилинади. Негаки, сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга

олинади. Демак, иқтисодий мувозанатни юзага келитириш учун байтулмолдаги давлат молларидан камбағал фуқароларгагина бериш халифанинг гарданидаги вазифадир. Фақат бу иш байтулмолнинг доимий ҳаражатларига кирмайди, балки у муайян молиявий ҳолатни тузатишдир, холос.

Олтин ва қумушни хазина қилишнинг тақиқланиши

Бугунги кунда турли давлатларда юз бераётган бойликни фуқароларга тақсимлашдаги адолатсизлик кундалик ҳаётнинг ўзи очик кўрсатиб турган, исботланиши далил талаб қилмайдиган очик ҳақиқатдир. Эҳтиёж қондиришдаги улкан тафовут дастидан башариятнинг азоб тортаётганини билиш учун бу тафовутнинг кескинлиги ва ёмонлигини кўрсатиш шарт эмас. Капитализм уни ўнгламоқчи бўлди, аммо ўнглолмади. Капиталист иқтисодчилар даромадни тақсимлаш назарияси устида тадқиқот олиб борганларида ҳеч тузатиш ва изоҳларсиз рақамларнинг ўзинигина кўрсатиш билан кифояланиб, шахсий даромад тақсимотидаги адолатсизликни батамом назардан четда қолдиришди. Социалистлар тақсимотдаги адолатсизликни бартараф этишнинг мулкчиликни миқдор билан чегаралаб қўйишдан бошқа йўлини топа олишмади. Коммунистлар мулкчиликни умуман, тақиқлаб қўя қолишди. Исломи одамлар эҳтиёжларини таъминлашдаги тафовутни камайтириш учун мулкчилик ва тасарруф шаклини белгилаб ҳамда ишга яроқсизларга жамиятдаги одамлар турмуш даражасига яқин ҳаёт кечиришни таъминловчи маблағ бериб, гўзал тақсимотни қафолатлади. Шу билан тақсимотдаги адолатсизлик бартараф этилди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, одамлар орасида эҳтиёж қондириш ўртасидаги яқинлик вужудга келса-да, гоҳида, барибир, айрим шахсларда катта миқдорда мол тўпланиш ҳоллари ҳам учрайди. Исломи мулкчилик масаласида одамлар ўртасида яқинлик бўлишини фарз қилган эмас. у бор-йўғи ҳар бир шахс ўзининг урфдаги эҳтиёжларини қондиришда бошқага муҳтож бўлмаслигини фарз қилган, холос.

«خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِيٍّ»

«Садақанинг яхшиси беҳожатлик ордидан қилинганидир». Бухорий ривояти. Катта бойлик ўз эгаларига жамғариш, катта даромад топиш имконини беради. Демак, кўп пул бор жойда катта миқдордаги даромад тўпланиши табиий ҳол. Чунки, гарчи, пул топишда ҳаракатнинг ўзига хос ўрни бўлса-да, пулни пул топади. Бу ишдан иқтисодга ҳеч қандай хавф туғилмайди. Аксинча, у шахснинг бойлигини кўпайтирганидек, жамиятнинг ҳам

иқтисодини ривожлантиради. Фақат пулларнинг айрим бой шахслардагина тўпланиб қолишидан хавф туғилади. Чунки бунинг натижасида даромад даражаси пасайиб, ишсизлик кўпаяди, одамлар камбағаллашадилар. Шунга кўра, пуллар тўпланиб қолишининг олдини олиш шарт. Зеро, пуллар мол билан мол, мол билан ҳаракат, ҳаракат билан ҳаракат ўртасидаги айирбошлаш воситасидир. Демак, айирбошлашнинг миқёси пулдир. Агар у бозордан кетса, одамларнинг кўлига етиб бормаса, айирбошлаш барбод бўлиб, иқтисод ҳаракатдан тўхтаб қолади. Чунки унинг ҳаракати шу воситанинг одамлар ўртасида етарли бўлишига, ишнинг олдинга қараб силжишига боғлиқдир.

Негаки, ҳар бир шахс ёки ташкилот даромаднинг манбаи бошқа бир шахс ёки ташкилотдир. Давлат йиғадиган солиқлар давлатнинг кирими бўлгани билан одамларнинг чиқимидир. Хизматчилар, лойиҳалар, қўшиннинг таъминоти каби ишларга сарфланадиган пуллар эса ўшаларнинг кирими бўлгани билан давлатнинг чиқимидир. Хизматчи, аскар кабиларнинг сарфлаётган пуллари уй эгаси, кассоб, савдогар, кўкатфуруш кабиларнинг киримидир ва ҳоказо. Демак, жамиятдаги одамларнинг киримлари ва умумий чиқимлари тинимсиз доира шаклида айланиб туради. Агар бир шахс пулни хазина қилиб олса, у бозордан пулни суғуриб олган бўлади. Табиийки, ўз харажатини камайтириши муқаррар равишда бошқалар оладиган даромаднинг ва пул айирбошлашнинг камайишига олиб келади. Бу камайиш ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб боради. Чунки товарга бўлган талаб камайиб кетади. Оқибатда ишсизлик ва иқтисодий инқироз юзага келади. Шунинг учун ҳам пулни хазина қилиш одамлар даромадини озайтириб, ишсизлик ва иқтисодий инқирозни юзага келтирувчи омил ҳисобланади.

Шуни ҳам билмоқ лозимки, бу зарар пулни тўпланишидан эмас, хазина қилиб босиб қўйишдан келиб чиқади. Иқтисод ҳарактини тўплаш эмас, хазина қилиш тўхтатиб қўяди. Хазина қилиш билан тўплаш ўртасидаги фарқ шуки, хазина қилиш пулни бекордан бекорга тўплайвериш бозордан суғуриб олиш ҳисобланса, тўплаш, уй қуриш, уйланиш, бирор корхона сотиб олиш, бирор тижорат ишини юрғатиш каби мақсадларда мол жамғарилишидир. Пул жамғаришнинг бу тури бозорга ҳам, иқтисод ҳаракатига ҳам таъсир қилмайди. Чунки у молни қамаб қўйиш эмас, сарфлаш учун тўплашдир. Ўрни келганда сарфланади. Шунга кўра, хавф бирон бир мақсад учун пул жамғаришдан эмас, бекордан-бекорга уни хазина қилиб қўйишдан туғилади.

Ислол бирон бир хожат учун тилла, кумуш тўплашга рухсат берган. Масалан, мукотаб (ўзини озод қилмоқчи бўлган қул)нинг хожасига тўлаши учун, уйланмоқчи бўлган кишининг махр бериши учун, ҳаж фарзини адо қилмоқчи бўлган кишининг йўлга ҳаражат қилиши учун олтин, кумуш тўплашга рухсат этилган. Бу тўпланган олтин, кумушлардан нисобга етганида закотдан бошқа нарса олинмайди.

Олтин кумушни хазина қилишни тақиқлаш хусусидаги оят нозил бўлганида, айирбошлаш воситаси ҳам, меҳнатнинг ва молдаги манфаатнинг ўлчови ҳам шу икки маъдан эди. Бунда уларнинг дирҳам ва динол каби зарб қилинган ёки ёмби каби зарб қилинмаган бўлишининг фарқи йўқ эди. Демак, бу оятдаги нахий айирбошлаш воситаси ҳисобланган олтин ва кумушга қаратилди. Олтин, кумушни хазина қилишининг ҳаромлиги Қуръонда очиқ айтилган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

– „Тилла-кумушни босиб, уни Оллоҳ йўлида сарфламайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабар»ни етказинг!“ [9:34]

Олтин, кумушни хазина қилувчиларга аламли азоб хабарининг берилиши Шорёнинг хазина қилишни қатъий тақиқлаганига ёрқин далилдир. Шунга кўра, олтин, кумушни хазина қилиш ҳаром ҳисобланади.

Оятнинг олтин, кумушни хазина қилишни қатъий ҳаром қилгани куйидагилардан аён бўлади:

Биринчидан: оятнинг умумийлиги, унинг мантуқи ҳам, мафҳуми ҳам олтин, кумуш хазина қилинишининг қатъий тақиқланишига далилдир. Закотини чиқарганидан кейин хазина қилиш ҳам мубоҳ бўлади, деган хулосага бориш оят қатъий далолат қилаётган ҳукмни эътиборсиз қолдиришдир. Бундай хулосага бориш учун оятнинг ўз маъносидан бурадиган ёки уни насх (бекор) қиладиган бошқа бир далил керак. Бундай далил эса ворид бўлмаган. Бу оятнинг далолати қатъий бўлгани учун бу ерда уни ўз маъносидан бурадиган бирон далил йўқ. Энди уни насх қиладиган далилни излайдиган бўлсак, уни насх қиладиган далил ҳам йўқ.

﴿خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ﴾

– „(Эй Муҳаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг“, [9:103]

ояти эса ҳижратнинг иккинчи йилида - закот фарз қилинган пайтда нозил қилинган бўлса, хазина қилиш ҳусусидаги оят ҳижратнинг тўққизинчи йилида нозил бўлган. Аввал нозил бўлган оят кейин нозил бўлган оятни насх қилолмайди. Закоти берилган молнинг хазина бўлмаслиги ҳусусида ворид бўлган ҳадисларни бирортаси ҳам саҳиҳ эмас. Айрим фақиҳлар ҳужжат қиладиган Умму Саламанинг ҳадисини Итоб ривоят қилган. У эса мажҳул, ноъмалум шахсдир. Умму Саламанинг ҳадиси саҳиҳ, ҳатто, мутоватир бўлган тақдирда ҳам оятнинг ҳукмини насх қилишга ярамайди. Умуман ҳадис Қуръонни насх қилолмайди. Негаки, Қуръон лафзан субути қатъий бўлиб, унинг лафзи ва маъноси билан биз ибодат қиламиз. Мувотир ҳадис эса, маънан субути қатъий бўлиб, унинг лафзи билан биз ибодат қилмаймиз. Шунга биноан мутовотир бўлган тақдирда ҳам ҳадис Қуръонни насх қилолмайди. Мувотир ҳадис насх қилолмаган оятни устида ҳар хил гап-сўз бўлиб турган оҳод ҳадиснинг насх қилишига йўл бўлсин.

Иккинчидан: Табарий Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилади:

«تُؤَيِّي رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الصُّفَّةِ، فَوُجِدَ فِي مَنَزَرِهِ دِينَارًا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ: «كَيْتًا».

ثُمَّ تُؤَيِّي آخَرَ، فَوُجِدَ فِي مَنَزَرِهِ دِينَارَانِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ: «كَيْتَانِ»»

«Ахли суффалардан бир киши вафот этди. Унинг иштонидан бир динар топилди. **Пайғамбар ﷺ**: «Бир куйдириш», дедилар. Кейин яна бир киши вафот этиб, унинг иштонидан икки динар топилди. Шунда **Пайғамбар ﷺ**: «Икки куйдириш», дедилар». Бу ҳадисни Аҳмад ҳам Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган. **Пайғамбар ﷺ**нинг бундай дейишларига сабаб уларнинг закот ҳисобига яшаб туриб, тиллага эга бўлишларидир. Аслида бир ёки икки динар нисобга етмайдики, улардан закот чиқарилса. Шундай бўлсада, улар ҳусусида **Пайғамбар ﷺ**нинг: «**Бир куйдириш, икки куйдириш**» дейишлари, улар закот бериши вожиб бўлган мол бўлмаса ҳам хазина, деб эътибор қилаётганларига далилдир. У киши

﴿يَوْمَ يُحْمَى عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَى بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وَظُهُورُهُمْ﴾

– „У Кунда (қиёматда) ўша (тилла-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамга босилади“, [9:35]

оятига ишора қилгандилар.

Учинчидан: оятда ваъид икки ишга қаратилляпти. Улардан бири молни хазина қилиш бўлса, иккинчиси Оллоҳ йўлида сарфламаслик.

Яъни олтин, кумушни хазина қиладиганлар ва Оллоҳ йўлида сарфламайдиганларни азобдан огоҳлантириб қўйинг, маъносидадир. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ваъид Оллоҳ йўлида сарфламасдан хазина қилганларни ҳам, Оллоҳ йўлида сарфлаб хазина қилганларни ҳам ўз ичига олади. Қуртубий: «Хазина қилмаса ҳам, Оллоҳ йўлида сарфлашга монелик қилган кимса албатта шундай бўлади», дейди. Оятдаги ﴿ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ﴾ сўзидан мурод, жиҳоддир. Чунки у сарфлаш билан ёнма-ён келяпти ﴿ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ﴾ сўзи сарфлаш билан ёнма-ён келганда унинг маъноси жиҳод бўлади. Қуръонда бу сўз фақат шу маънода келган. Қуръондаги ﴿ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ﴾ сўзи қаерда сарфлаш сўзи билан ёнма-ён келган бўлса, унинг маъноси фақат жиҳод бўлган.

Тўртинчидан: Бухорий Зайд ибн Ваҳбдан ривоят қилади: «Рабзада Абу Заррнинг ёнидан ўтиб қолиб, бу ерларга қандай келиб қолдинг, деб сўрадим. У шундай жавоб берди. Шомда эдик. Мен

﴿وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

– „Олтин-кумушни босиб уни Оллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг“, [9:34]

оятини ўқидим. Муовия, бу оят биз ҳақимизда эмас, у фақат аҳли китоб ҳақида, деди. Мен, у биз ҳақимизда ҳам, улар ҳақида ҳам дедим». Бу воқеани ибн Жарир Убайдуллоҳ ибн Қосимдан, у Хусайндан, у Зайд ибн Ваҳбдан, у эса Абу Заррдан шундай ривоят қилади: «Юқоридагиларни айтиб, яна шуларни қўшимча қилди: Бу борада мен билан унинг ўртасида гап (ғавғо) кўтарилди. У мендан шикоят қилиб, Усмонга хат ёзди. Усмон эса ўз хузурига чорлаб, менга мактуб ёзди. Мен унинг ёнига бордим. Мадинага келганимда одамлар ўша кундан аввал худди мени кўрмагандек, устимга миниб олишди. Мен бундан Усмонга шикоят қилдим. У менга, ўзингни четроққа олиб юр, деди. Мен, Оллоҳга қасамки, гапирган гапимни қайтариб олмайман, дедим». Абу Заррнинг Муовияга хилоф чиқиши оятнинг маъноси хусусида эмас, кимлар ҳақида нозил бўлганлиги хусусида эди. Агар закоти берилган молнинг хазина бўлмаслиги хусусида ривоят қилинган ҳадис бўлганида Муовия уни, албатта,

хужжат қилиб, Абу Заррнинг тилини тийиб қўйган бўларди. Шундан мазкур ҳадисларнинг Абу Зарр воқеасидан кейин тўқилганлиги, саҳиҳ эмаслиги кўриниб турибди.

Бешинчидан, хазина қилишнинг луғавий маъноси, молни устустига тўплаб, сақлаб қўяверишдир. Хазина қилинган мол, деганидир. Ернинг тагига бўладими, сиртига бўладими, устма-уст тўпланган нарса хазинадир. Қуръоннинг калималари шаръий маъноси бўлмаса, луғавий маъноси билан тафсир қилинади. Хазина қилиш сўзининг шаръий маъноси борлиги хусусида саҳиҳ хужжат ворид бўлмаган. Шунга кўра, уни луғавий маъноси билан тафсир қилиш - вожиб. Демак, бекордан-бекорга устма-уст мол тўплайвериш қораланган хазина қилиш ҳисобланиб, уни содир этган одамга Оллоҳ аламли азоб ваъидини берган.

СУДХЎРЛИК ВА ПУЛ АЛМАШТИРИШ

Бир хил пулни ортиғи билан олди-берди қилиш рибодир. Олтин-кумушдан иборат бўлган бир хил пулни ёки бир хил нархли ҳар хил пулни ё ҳар хил нархли ҳар хил пулни бир-бирига алмаштириш пулни пулга алмаштиришдир. Пул алмаштириш фақат савдода бўлади, рибо эса савдода, қарзда ёки саламда бўлади. Мол-молга айирбошланиб, сотувчининг мулкдор қилиши ва харидорнинг мулкдор бўлиши савдо дейилади. У шаръан жоиздир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ﴾

– „Оллоҳ савдонини ҳалол қилди“.

[2:275]

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

﴿الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا﴾

«Сотувчи ва харидор, модомики, ажралмаган эканлар ихтиёрлидирлар». Бу ҳадисни Бухорий Ҳаким ибн Ҳизом орқали ривоят қилган. Нақд товарни гарданга маълум муддатгача юклатилган маълум сифатдаги нася товар эвазига топшириш салам ва салаф дейилади. У савдонинг бир туридир. Савдода қандай битим тузилса, унда ҳам ўшандай битим тузилади, фақат салам лафзи ишлатилади. Салам шаръан жоиздир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَايَيْتُمْ بِدَيْنٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ﴾

– „Эй, мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!“

[2:282]

Ибн Аббос: «Гувоҳлик бераманки, маҳлум муддатга кафолатланган салафни Оллоҳ Азза ва Жалла ҳалол қилган ва унга рухсат берган, деб,

﴿إِذَا تَدَايَيْتُمْ بِدَيْنٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى﴾

– „... бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз“,

[2:282]

оятни тиловат қилди». Икки шайх ибн Аббосдан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ Мадинага келганларида одамлар хурмони икки, уч йилга салафга берардилар. Шунда Пайғамбар ﷺ:

﴿مَنْ أَسْلَفَ فِي شَيْءٍ فَفِي كَيْلٍ مَّعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَّعْلُومٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مَّعْلُومٍ﴾

«Кимки бир нарсани салафга берса, маҳлум ўлчов, маҳлум тарози билан маҳлум муддатга берсин», деганлар. Қарз

салафнинг бир туридир. Бировга кейин қайтариб олиш шарти билан пул бериш қарз дейилади. У шаръан жоиздир. Муслим Абу Рофъидан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ اسْتَسْلَفَ مِنْ رَجُلٍ بَكْرًا، فَقَدِمَتْ عَلَيْهِ إِبِلٌ مِنْ إِبِلِ الصَّدَقَةِ، فَأَمَرَ أَبَا رَافِعٍ أَنْ يَقْضِيَ الرَّجُلَ بَكْرَهُ، فَرَجَعَ إِلَيْهِ أَبُو رَافِعٍ فَقَالَ: لَمْ أَجِدْ فِيهَا إِلَّا خِيَارًا رُبَاعِيًّا، فَقَالَ: أَعْطِهِ إِيَّاهُ إِنَّ خِيَارَ النَّاسِ أَحْسَنُهُمْ قَضَاءً»

«Пайғамбар ﷺ бир кишидан бўғалоқни салафга олдилар. У кишига садақа (закот) туяларидан келиб қолди. Шунда Абу Рофиҳга ҳалиги кишининг бўғалоғини тўлаб қўйишни буюрдилар. Абу Рофиҳ қайтиб келиб, фақат тўрт яшарли яхши туя бор экан, холос, деди. Пайғамбар ﷺ, ўшанисини беравер, чунки яхши одам қарзини яхшилаб тўлаган одамдир, дедилар». Ибн Ҳиббон ибн Масъуддан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُقْرِضُ مُسْلِمًا قَرْضًا مَرَّتَيْنِ إِلَّا كَانَ كَصَدَقَةٍ مَرَّةً»

«Қайси бир мусулмон яна бир мусулмонга икки марта қарз берса, бир марта садақа бергандек бўлади», деганлар. Пайғамбар ﷺнинг ўзлари ҳам қарз олардилар.

Рибо (судхўрлик)

Савдо ва саламдаги рибо фақат олти нарсадагина бўлади. Улар: хурмо, буғдой, арпа, туз, олтин ва кумушлардир. Қарз ҳамма нарсада бўлаверади. Бир нарсани кўпроқ, озроқ ёки бошқа навидан қилиб, қайтариб олиш шарти билан қарз бериш ҳалол бўлмайди. Қарз берилган нарсани нави ва миқдоричагина қайтариб олиш мумкин. Савдо ва салам билан қарз ўртасидаги фарқ шуки, савдо ва саламда бир нарсани ўзининг навидаги нарса билан ҳам, бошқа навдаги нарса билан ҳам айирбошлаш мумкин. Қарз эса фақат ўзининг навидаги нарса билан тўланиши шарт. Рибонинг фақат олти хил нарсада бўлишига далил саҳобаларнинг ижмолари ҳамда Пайғамбар ﷺнинг:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ، وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ، مِثْلًا بِمِثْلِ سَوَاءًا بِسَوَاءٍ، يَدًا بِيَدٍ فَإِذَا اخْتَلَفَتْ هَذِهِ الْأَصْنَافُ فَبِيعُوا كَيْفَ شِئْتُمْ إِذَا كَانَ يَدًا بِيَدٍ»

«Олтинга олтин, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз бир хил ўлчовда, бир хил ҳажмда

кўлдан кўлга берилади. Агар бу нарсалар турли хил бўлса, кўлдан кўлга бўлса хоҳлаганингиздек сотинглар», деган хадисларидир. Бу хадисни Муслим Убода ибн Сомитдан ривоят қилган. Демак, ижмоъ ва хадис шу олти нарсадагина рибо бўлишига хужжатдир. Улардан бошқасида рибонинг ҳаром бўлишига далил ворид бўлмаган. Шу жинсдаги ва шу сифатдаги бошқа нарсалар ҳам шунга киради. Бу нарсаларда рибо ҳаром қилинишининг иллатини кўрсатувчи хужжат ворид бўлмаган. Шунга кўра, уларнинг иллати кўрсатилмайди. Чунки иллат ақлий эмас, шаръий бўлади. Хужжатнинг маъносидан тушунилмаган иллатнинг эътибори йўқ. Бу ерда иллатнинг қиёси ҳам йўқ. Чунки қиёснинг иллатида иллат деб эътибор қилинган нарса бирон нарсани англаувчи сифат бўлиши шарт. Шунда ўша сифатга қиёслаш дуруст бўлади. Агар бирон нарсани англаувчи сифат бўлмай, исми жомид бўлса ёки бирон нарсани англамайдиган сифат бўлса, иллат бўлишга ярамайди, унга бошқаси қиёс ҳам қилинмайди. Зеро, Пайғамбар ﷺ ибн Можанинг Абу Бакра йўлидан қилган ривоятидаги:

«لَا يَقْضِي الْقَاضِي بَيْنَ اثْنَيْنِ وَهُوَ غَضْبَانٌ»

«Икки кишининг ишини ажрим қилаётган қози ғазабланган холида ҳукм чиқармасин», деганларида ғазабни ҳукм чиқаришнинг тақиқланишига иллат қилиб кўрсатганлар. Чунки ғазаб тақиқни англаувчи сифатдир. Шунга кўра, у иллат бўла олади. Унинг иллатлиги тақиқ тушунилган маънодан истинбот қилинади. Бу маъно ақлнинг паришон бўлиб қолишидир. Шунга биноан ақлнинг паришон бўлиб қолишига олиб борувчи ҳар бир нарса ғазабга қиёс қилинади. Масалан, қаттиқ очлик. Демак, ғазабга ғазабдан бошқа нарсаларни қиёс қилиш ҳам мумкин. Чунки ғазаб сўзи ҳукм чиқаришнинг тақиқланишини англаувчи сифатдир. Оллох Таолонинг:

﴿حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ﴾

– „Сизларга ўлимтик ҳаром қилинди“, [5:3] деган оятидаги ўлимтик эса ҳаром қилинишни англаувчи сифат эмас. Шунинг учун унга қиёс қилинмайди. Ҳаром қилиниш ўлимтикнинг ўзи билангина чекланади. Шунингдек, буғдойда рибонинг ҳаром қилинишига қатъий хужжат ворид бўлган. Уни бошқасига қиёс қилиб бўлмайди. Чунки буғдой бирон нарсанинг англаувчи сифат эмас, исми жомиддир. Чунки буғдой буни англаувчи сифат эмас. Буғдой озуқа бўлганлиги учун унда рибо ҳаром қилинди, дейилмайди. Шунинг учун унинг озуқалиги унда

рибо ҳаром эканлигига иллат ҳисобланмайди ва унга бошқаси қиёс қилинмайди. Муслим Муаммар ибн Абдуллоҳдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«الطَّعَامُ بِالطَّعَامِ مِثْلًا مِثْلًا»

«Озукага озука баб-баробар», деганлар. Аҳмад Абу Саид Худрийдан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَسَمَ بَيْنَهُمْ طَعَامًا مُخْتَلِفًا، بَعْضَ أَفْضَلٍ مِنْ بَعْضٍ قَالَ: فَذَهَبْنَا نَنْتَزِئِدُ بَيْنَنَا، فَمَعَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ نَتَّبَاعَهُ، إِلَّا كَيْلًا بِكَيْلٍ لَا زِيَادَةَ فِيهِ»

«Пайғамбар ﷺ ҳар хил озукаларни бизга тақсимладилар. Айримлари айримларидан яхшироқ эди. Ўзаро нархларни кўтара бошладик. Шунда Пайғамбар ﷺ бизни бир-биримизга сотишдан қайтариб, фақат оширмасдан килосига кило қилиб сотишимизгагина рухсат бердилар». Насоий Жобир йўлидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا تَبَاغِ الصُّبْرَةَ مِنَ الطَّعَامِ بِالصُّبْرَةَ مِنَ الطَّعَامِ، وَلَا الصُّبْرَةَ مِنَ الطَّعَامِ بِالْكَيْلِ الْمُسَمَّى مِنَ الطَّعَامِ»

«Бир уюм озука бир уюм озукага сотилмайди. Бир уюм озука аниқ ўлчовли озукага ҳам сотилмайди». Бу ҳадислар ҳаром қилинишнинг илллати озука эканлигига далолат қилмайди. Улар озукада ҳам рибо бўлишини англатади, холос. Озуқанинг ҳамма жинсини ўз ичига олиб, умумий маънони англатади. Убода ибн Сомит ривоят қилган ҳадис уларни хослаб, рибога оид озукаларни буғдой, арпа, хурмо ва туз билан чеклайди. Шунга кўра юкоридаги нусусларда келган таом, деган умумий лафз хос маъно ирода қилинадиган умумийлик сирасига қиради. Бу ерда хос маънодан мурод таомга мазкур тўртта озука қиради. Масалан, Оллох Таолонинг:

﴿الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَاخْشَوْهُمْ﴾

– „Ундай зотларга айрим кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган, қўрқингиз!»“;

[3:173]

деган оятидаги «одамлар» деган лафз умумий лафз бўлиб, ундан хослик ирода қилиняпти, чунки бу сўзни айтганлар ҳамма одамлар

эмас, айрим одамлардир. Шунга ўхшаб юкоридаги «озука» сўзи ҳам хослик назарда тутилган умумий лафздир. Яъни ундан ҳамма озуқалар эмас, айрим озуқалар назарда тутилган. Бунга далил шуки, кўп озуқаларда рибо ҳаром қилинмаган. Масалан, бақлажон ошқовоқ, сабзи, мевалар, қалампир, саримсоқ-пиёз, унноблар ҳам озуқа ҳисобланади. Лекин уларда рибо бўлмаслигига ижмоъ қилинган. Муслим Оиша орқали ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا صَلَاةَ بِحَضْرَةِ الطَّعَامِ»

«Таом келтирилган пайтда намоз ўқилмайди», деганлар. Бу ҳадисда ейиш учун тайёрланган ҳар бир таом назарда тутилган. Агар ҳар бир озуқада рибо бўлганида, уларга ҳам рибо кирган бўларди. Шунга кўра, ўтган ҳадисларда ворид бўлган «озуқа» сўзи хослик назарда тутилган умумийлик қабилидандир. Яъни рибога оид озуқалар Пайғамбар ﷺ айтиб ўтган

«الْبُرُّ بِالْبُرِّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ، وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ»

«Буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз»лардир. Шунингдек, олтин ва кумушда рибонинг ҳаром қилинганига иллат уларнинг ўлчанадиган нарсалар эканлигидир, буғдой арпа, хурмо ва тузда рибонинг ҳаром қилинишига иллат эса уларнинг тортиладиган нарсалар эканлигидир, деб ҳам бўлмайди. Чунки ҳадисдаги ўлчаш ва тортиш иллат эмас, сифат бўлиб келяпти. Насоий Убода ибн Сомитдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ تَبْرُهُ وَعَيْنُهُ وَزَنًا بِوَزْنٍ، وَالْفِصَّةُ بِالْفِصَّةِ تَبْرُهُ وَعَيْنُهُ وَزَنًا بِوَزْنٍ، وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ، سَوَاءٌ بِسَوَاءٍ، مِثْلًا بِمِثْلِ، فَمَنْ زَادَ أَوْ أزدَادَ فَقَدْ أَرَبَى»

«Олтинга олтин. Рудаси ҳам ўзи ҳам вазнга вазн берилади. Кумушга кумуш. Рудаси ҳам, ўзи ҳам вазнга вазн берилади. Тузга туз, хурмога хурмо, буғдойга буғдой, арпага арпа. Баббаробар килосига кило берилади. Кимки кўпайтириб олса ёки берса, рибо қилибди». Ҳадис ҳаром қилиш ҳолатини баён қилиб, унинг кумуш ёки тиллани ортиғи билан ўлчаш, буғдой, хурмо, арпа, тузни эса ортиғи билан тортиш эканини билдирапти. Демак, у (яъни вазн) ҳаром қилишнинг илллати эмас, балки айирбошлаш жараёнининг баёнидир. Шунга асосан ҳар бир ўлчанадиган ёки тортиладиган нарсада рибо бўлавермайди. У шу олти нарсадагина

бўлади: Вазн жихатидан олтин ва кумушда, ўлчов жихатидан бошқаларида бўлади. Хуллас, савдо ва салам рибоси фақат олти насада юз беради. Улар: хурмо, буғдой, арпа, туз, олтин ва кумушлардир.

Қарз шу олти насада ва бошқа нарсаларда ҳамда мулк бўладиган барча нарсаларда жоиздир. Қарз фойда келтирса, унга рибо кирган бўлади. Бунга далил, Хорис ибн Абу Усома Али رضي الله عنه дан ривоят қилган ушбу ҳадисдир: **«Пайғамбар ﷺ фойда келтирадиган қарздан қайтарганлар»**. Яна бир ривоятда: **«Фойда келтирган ҳар бир қарз, рибодир»**, дейилган. Ортиғи билан бериш эмас, чиройли адо этиш бундан мустаснодир. Абу Довуд Абу Рофиъдан ривоят қилади: **«Пайғамбар ﷺ бир бўғалоқни салафга олдилар. У кишига садақа (закот) туяларидан келиб қолди. Менга ҳалиги кишининг бўғалоғини тўлаб қўйишимни буюрдилар. Мен, фақат яхши туялар бор экан, холос, дедим. Шунда у киши, ўшанисини беравер, чунки яхши одам (қарзини-салафини) яхшилаб тўлаган одамдир, дедилар»**.

Пул алмаштириш

Дунё бозорларида кечаётган молиявий муомалалар бўлмиш савдо битимларини кузатадиган бўлсак, савдо-сотик операциялари олти хил экани аён бўлади. Биринчиси, бир пулни шу турдаги пулга сотиб олиш. Ироқий динорнинг янги тангаларини эски тангаларига алмаштириш каби. Иккинчиси, бир пулни бошқа бир пулга алмаштириш. Долларни Миср жунайҳига алмаштириш каби. Учинчиси, товарни муайян пулга сотилиши ва ўша муайян пулнинг ўзи бошқа бир пулга сотилиши. Битта савдо битимида долларга самолёт сотиб олиб, кейин динорни долларга алмаштириш каби. Тўртинчиси, товарни фунт-стерлингга сотиб, унга доллар алмаштириш. Бешинчиси, муайян қимматбаҳо қоғозларни муайян пулга сотиш. Олтинчиси, муайян ширкат акцияларини муайян пулга сотиш. Энди уларнинг ҳукмига бирма-бир тўхталамиз. Қимматбаҳо қоғозлар ва акцияларни сотиш ё сотиб олиш шаръан мутлақо жоиз эмас. Чунки қимматбаҳо қоғозларда белгиланган фойда бўлиб, рибога киради. Балки улар рибо муомаласининг айнан ўзидир. Акциялар эса шаръан жоиз бўлмаган ботил ширкатларнинг улушларидир. Шунга кўра, ҳиссадорлик ширкатларидаги акцияларнинг савдо-сотиги жоиз эмас. Тижорат, саноат ширкатлари каби фаолияти ҳалол ширкатлар бўладими, банклар акциялари каби фаолияти ҳаром ширкатлар бўладими, фарқи йўқ. Пулни-пулга алмаштириб, унга товар сотиб олиш ва товарни бирон пулга сотиб, уни бошқа бир пулга алмаштиришлар икки операциядан иборат

бўлган ишлардир. Савдо-сотик операцияси ва алмаштириш операцияси. Уларга савдо ва алмаштириш ҳукмлари жорий қилиниб, иккаласига айри-айри ҳукм жорий қилинади. Бир пулни шу пулнинг ўзига сотиш ёки бошқа бир пулга сотиш алмаштириш операцияси ҳисобланиб, шаръан жоиздир. Чунки пул алмаштириш олтин ва кумуш пулни ўз жинсидаги пулга тенгма-тенгига, бошқа жинсидаги пулга эса тенгма-тенгига ёки ортиқ-камига алмаштиришдир. Алмаштириш операцияси олтин-кумушда қандай бўлса, пулда ҳам шундай бўлади. Чунки пул пул сифатида олтин-кумушлик сифатига эгадир. Олтин-кумушга қийсан эмас, олтин-кумушнинг бир тури сифатида пул пулга алмаштирилади. Чунки пул пул бўлиши учун олтин-кумушга таянади. Биров бир ернинг кумушига ўша ернинг олтинини нақдма-нақд сотиб олиб, уларни кўрсатиб туриб шу олтин динорни шу кумуш дирҳамларга сотиб олдим, деса ва ҳар иккиси ҳам ўша жойда бор бўлса, бу иш жоиздир. Яна биров кўрсатмай битим тузиб, бир ернинг олтинини бошқа ернинг кумушига сотиб олса, масалан, Мисрнинг бир динорини Ҳижознинг ўн дирҳамига сотдим, деса, бу ҳам жоиздир. Чунки пулларнинг қандайлиги битимда кўрсатилиши билан тайин бўлади. Натижада айнан битимда кўрсатилган пулга эга бўлинади. Демак, олтинни кумушга сотиш жоиздир. Бунда кумуш дирҳам бўладими, тақинчоқ бўладими, руда бўладими, фарқи йўқ. Шунингдек, кумушни олтинга сотиш ҳам жоиздир. Олтин тақинчоқ бўладими, ёмби бўладими, руда бўладими, фарқи йўқ. Лекин бу савдо қўлма-қўл, нақдма-нақд бўлиши шарт бўлиб, тенгма-тенг ёки ортиқ-кам, вазна-вазн, кўтарасига ёки бирини тортиб, бирини кўтарасига бўлиши мумкин. Бир хил пул бир-бирига алмаштирилаётганда эса тенгма-тенг бўлиши лозим. Масалан, олтин олтинга сотилганда динор, тақинчоқ, ёмби ёки руда бўлишидан қатъий назар вазна-вазн, нақдма-нақд, қўлма-қўл бўлиши керак. Ортиқ-кам бўлиши мутлақо, ҳалол бўлмайди. Шунингдек, кумушга кумуш ҳам дирҳам тақинчоқ ёки нақш бўлишидан қатъий назар ўлчамма-ўлчам, нақдма-нақд, қўлма-қўл қилиб сотилади. Ортиқ-кам бўлиши бунда ҳам, мутлақо, дуруст эмас. Демак, бир хил пулларни бир-бирига алмаштириш жоиз. Фақат миқдорма-миқдор, қўлма-қўл, нақдма-нақд бўлиши шарт қилинади. Икки хил пулларни бир-бирига алмаштириш ҳам жоиз. Бунда бир хил (миқдорма-миқдор) ортиқ-кам бўлиши шарт қилинмайди. Қўлма-қўл ва нақдма-нақд бўлиши шарт қилинади, холос. Пул алмаштиришнинг жоизлигига далил Пайғамбар ﷺнинг:

«بِيعُوا الذَّهَبَ بِالْفِضَّةِ، كَيْفَ شِئْتُمْ، يَدًا بِيَدٍ»

«Олтинни кумушга қўлма-қўл қилиб, хоҳлаганингларча сотаверинглар», деган хадисларидир. Бу хадисни Убода ибн Сомитдан Термизий ривоят қилган. Муслим Убода ибн Сомитдан ривоят қилади:

«سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَنْهَى عَنِ بَيْعِ الذَّهَبِ بِالذَّهَبِ، وَالْفِضَّةِ بِالْفِضَّةِ، وَالْبُرِّ بِالْبُرِّ، وَالشَّعِيرِ بِالشَّعِيرِ، وَالتَّمْرِ بِالتَّمْرِ، وَالْمِلْحِ بِالْمِلْحِ، إِلَّا سَوَاءً سَوَاءً، عَيْنًا بَعَيْنٍ، فَمَنْ زَادَ أَوْ أَزْدَادَ فَقَدْ أَرَبَى»

«Пайғамбар ﷺнинг олтинни олтинга, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга сотишга тенгма-тенг, нақдма-нақд бўлсагина рухсат берганларини, ким ортиғи билан олса ёки берса, рибо қилибди, деганларини эшитдим». Муслим Абу Бакрадан ривоят қилади:

«أَمَرْنَا، أَيْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، أَنْ نَشْتَرِيَ الْفِضَّةَ بِالذَّهَبِ، كَيْفَ شِئْنَا، وَنَشْتَرِيَ الذَّهَبَ بِالْفِضَّةِ، كَيْفَ شِئْنَا، قَالَ: فَسَأَلَهُ رَجُلٌ فَقَالَ: يَدًا بِيَدٍ، فَقَالَ: هَكَذَا سَمِعْتُ»

«Бизни Пайғамбар ﷺ кумушни олтинга ҳам олтинни кумушга ҳам хоҳлаган тарзимизда сотиб олишимизга буюрганлар. Шунда бир киши ровийдан, қўлма-қўлми деб сўраган эди, у, мен шундай эшитганман, деб жавоб берди». Молик ибн Авс Ҳадасон ривоят қилади: Ким дирҳам алмаштиради, деб боргандим. Умар ибн Хаттоб олдида ўтирган Толҳа ибн Убайдуллоҳ олтинингни бизга кўрсат ва олиб келиб бер, ходимимиз келса, кумушингни берамиз, деган эди. Шунда Умар: Йўқ, Оллоҳга қасамки, ё кумушни ҳозир берасан, ёки олтинини қайтарасан, деди. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«الْوَرِقُ بِالذَّهَبِ رِبًا. إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ، وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ، وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ، وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ»

«Кумушни олтинга сотиш мана-мана тарзида бўлмаса, риבודир, буғдойни буғдойга сотиш мана-мана тарзида бўлмаса, риבודир, арпани арпага сотиш мана-мана тарзида бўлмаса, риבודир, хурмони хурмога сотиш мана-мана тарзида бўлмаса,

рибодир», деганлар. Термизий ривояти. Демак, олтинни кумушга сотиш қўлма-қўл бўлгандагина жоиздир. Аммо ўзаро алмаштираётганлар пулни қўлга олмай туриб ажраб кетишса, айирбошлаш ботил (бекор) бўлади. Негаки, Пайғамбар ﷺ:

«الذَّهَبُ بِالْوَرِقِ رَبًّا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ»

«Олтинни кумушга сотиш мана-мана тарзида бўлмаса, рибодир», деганлар. Бу ҳадисни Бухорий ва Абу Довуд Умардан ривоят қилган. Бухорий Сулаймон ибн Абу Муслимдан ривоят қилади: Абу Минҳолдан қўлма-қўл пул алмаштириш хусусида сўраган эдим, у шундай деди: Мен бир шеригим билан бир нарсани қўлма-қўл ва насияга сотиб олиб тургандим, Барро ибн Озиб келиб қолиб: Мен ҳам шеригим Зайд ибн Арқам билан худди шундай ишни қилиб, бу ҳақда Пайғамбар ﷺдан сўраган эдик, у киши:

«مَا كَانَ يَدًا بِيَدٍ فَخُذُوهُ وَمَا كَانَ نَسِيئَةً فَذُرُوهُ»

«Қўлма-қўл бўлганини олинглар, насия бўлганини ташланглар», деб жавоб бердилар, деди. Бу ҳадис пул алмаштиришнинг қўлма-қўл бўлиши шартлигига далилдир.

Пул алмаштирувчилар ўша жойнинг ўзида пулни олишлари шарт. Пул олмай туриб қайтиб кетсалар, савдо бузилади. Чунки пул алмаштириш пулларни бир-бирига сотиш бўлиб, савдо тўғри бўлиши учун ўша жойнинг ўзида пул олиш шарт. Бухорий Молик ибн Авсдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«الذَّهَبُ بِالْوَرِقِ رَبًّا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ»

«Олтинни кумушга сотиш мана-мана тарзида бўлмаса, рибодир», деганлар. Яна Пайғамбар ﷺ:

«يَبِغُوا الذَّهَبَ بِالْفِضَّةِ كَيْفَ شِئْتُمْ يَدًا بِيَدٍ»

«Олтинни кумушга қўлма-қўл тарзида хоҳлаганингиздек сотинглар», деганлар. Термизий ривояти. Пайғамбар ﷺ олтинни кумушга қарзга сотишдан ҳам, бу борада насия молнинг нақд молга сотилишидан ҳам қайтарганлар. Шунинг учун ўша жойнинг ўзида пул олинishi шарт. Пул олинмай туриб ажралсалар, шарт топилмаганлиги учун савдо бекор қилинади. Бир қисмини олиб ажралсалар, савдонинг олмаган қисми ва унинг муқобили бекор қилиниб, олинган қисм ва унинг муқобили ўз кучида қолади. Чунки битимни бўлиш жоиз. Масалан, бир киши бошқа бир кишига бир динорни ўн дирҳамга алмаштирса, ўн дирҳам бермагунча ажралишлари мумкин эмас. Унинг ёнида беш дирҳамгина бўлиб,

алмаштирувчи уни олиб қолса ва ажралсалар, ярим динордаги алмаштириш савдоси бекор қилиниб, қолган ярмининг савдоси ўз кучида қолади. Негаки, савдо битимларини қисмларга ажратиш мумкин.

Пул алмаштириш муомалалари

Пул алмаштириш муомалалари ҳар қанча турга бўлинишидан қатъий назар, бир хил пулни бир-бирига алмаштириш ва икки хил пулни бир-бирига алмаштиришдан нарига ўтмайди. Улар ё нақдма-нақд, ё қарзма-қарз бўлади. Нақдга қарз ёки қарзга нақд бўлиши мутлақо жоиз эмас. Пул алмаштириш операцияси ниҳоясига етгач, яъни битим тузилиб, пул олингач, нарх ортиқ даражада ошириб юборилган ёки пул нуқсонли бўлса, шундагина уни бузиш мумкин. Масалан, тарафлардан бири сотиб олган нарсадан айб топса, дейлик, кумушга мис қўшилган ёки у қора бўлса, олиб қолишга ҳам алмаштирган вақтининг нархи ўзгармаган бўлса, қайтаришга ҳам ихтиёрлидир. Ўзида олиб қолса, савдо ўз кучида қолади, қайтарса, бузилади. Биров йигирма тўрт пробали олтинни йигирма тўрт пробали олтинга алмаштира, кейин алмаштиргани ўн саккиз пробали олтин бўлиб чиқса, бу иш алдаш ҳисобланиб, у олтинни қайтаришга ҳам ёки ўша куннинг нархида олиб қолишга ҳам ихтиёрлидир. Аммо айби учун қўшимча пул олиши мумкин эмас. Чунки бир хил жинсда тенглик бўлиши керак, деган шарт йўқолади. Бир кишининг бировдан қарзи бўлса ва унга, қарзингнинг бир қисмидан кечсанг қолган қисмини тезроқ бераман, деса, жоиз бўлмайди. Чунки бу иш нақдни насияга ортиқ-камига сотишдир. У қарзини озроқ миқдордаги нақдга сотгандай бўлади, ортиқ-камлик юзага келиб, рибога айланади. Шунингдек, қарз берган одам ҳам, зиммангдаги юзни тезроқ берсанг, сенга ўн дирхам бераман, дейиши ҳам жоиз эмас. Бунда ҳам ортиқ-камлик юзага келиб, рибога айланаяпти. Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ، وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ، وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ، وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ، وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ، وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ، مِثْلًا بِمِثْلٍ، يَدًا بِيَدٍ، فَمَنْ زَادَ أَوْ اسْتَزَادَ فَقَدْ أَرَبَى،
الْأَخَذَ وَالْمُعْطَى فِيهِ سَوَاءٌ»

«Олтинга олтин, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз миқдорма-миқдор, қўлма-қўлдир. Ким оширса ёки оширишга ҳаракат қилса, у аниқ рибо қилибди. Бу ишда олувчи ҳам, берувчи ҳам баробардир».

Бир кишининг иккинчи киши зиммасида олтини бўлиб, иккинчи кишининг биринчи киши зиммасида кумуши бўлса, улар қарзларини алмаштириши, бошқачароқ қилиб айтганда, гарданидаги олтин қарзни қарз берувчининг гарданидаги ўзининг кумуш қарзи эвазига узиши жоиздир. Чунки нақд қарз нақд нарса кабидир. Бир киши олтинга товар сотиб олса, сотувчининг кумуш пул олиши жоиздир. Негаки, бир пулни ўша нархдаги бошқа пул билан тўлаш жоиз. Бу иш товарни қарзга алмаштириш ҳисобланади. Абу Довуд ва Асрам ўзларининг, «Сунан»ларида ибн Умардан ривоят қиладилар: Бақиъда туя сотардим. Динорга сотиб, дирҳам ҳам олаверардим, дирҳамга сотиб, динор ҳам олаверардим. Унисининг ўрнига бунисини олардим, бунисининг ўрнига унисини олардим. Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, у киши Ҳафсининг уйида эканлар, эй Расулulloх, шошманг, сиздан бир нарса сўрамоқчиман, мен Бақиъда туя сотаман, динорга сотиб дирҳам, дирҳамга сотиб динор ҳам олавераман, унисининг ўрнига бунисини, бунисининг ўрнига унисини оламан, дедим. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«لَا بَأْسَ أَنْ تَأْخُذَهَا بِسَعْرِ يَوْمِهَا مَا لَمْ تَنْفَرِقَا وَيَيْنَكُمَا شَيْءٌ»

«Модомики, ажралмаган экансизлар, ўртангизда мол бўлган экан, ўша кун нархда олишингнинг ҳечқиси йўқ», дедилар. Биров бировдан соф бир динорни қалбаки икки динорга сотиб олиши жоиз эмас. Соф бир динорни дирҳамларга сотиб, кейин ўша дирҳамларга икки қалбаки динорни сотиб олиши эса жоиз. Ўша одамдан сотиб оладими, бошқаданми, фарқи йўқ. Абу Саид ривоят қилади:

«جَاءَ بِلَالٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ بِتَمْرٍ بَرِيٍّ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَيْنَ هَذَا؟ فَقَالَ بِلَالٌ: تَمْرٌ كَانَ عِنْدَنَا رَدِيءًا، فَبِعْتُ مِنْهُ صَاعَيْنِ بِصَاعٍ، لِمَطْعَمِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ عِنْدَ ذَلِكَ: أَوْهَ عَيْنِ الرَّبِّ لَا تَفْعَلْ وَلَكِنْ إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَشْتَرِيَ التَّمْرَ، فَبِعْهُ بِبَيْعِ آخَرَ، ثُمَّ اشْتَرِ بِهِ»

Билал ﷺ Пайғамбар ﷺга Раний деган жойнинг хурмосини олиб келди. Пайғамбар ﷺ: Бу қаердан, деб сўраган эдилар, у, биздаги хурмолар ёмон, сиз ейишингиз учун унинг бир соҳини ўзимизнинг икки соҳимизга сотиб олдим, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Бу ғирт рибо-ку, бундай қилма, бу хурмодан олмоқчи бўлсанг, ўзингникини сот, кейин буни сотиб ол»,

дедилар. Муслим ривоят. Яна Абу Саид ва Абу Хурайра ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ اسْتَعْمَلَ رَجُلًا عَلَى خَيْبَرَ، فَجَاءَهُ بِتَمْرٍ جَنِيبٍ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكُلْتُ تَمْرَ خَيْبَرَ هَكَذَا؟ قَالَ لَا وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا لَنَأْخُذُ الصَّاعَ مِنْ هَذَا بِالصَّاعَيْنِ. وَالصَّاعَيْنِ بِالثَّلَاثَةِ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تَفْعَلْ، بَعِ الْجُمُعَ بِالدَّرَاهِمِ، ثُمَّ ابْتَعْ بِالدَّرَاهِمِ جَنِيبًا»

«Пайғамбар ﷺ бир кишини Ҳайбарга волий қилиб тайинладилар. У бошқа жойнинг хурмосини олиб келди. Пайғамбар ﷺ, Ҳайбарнинг ҳамма хурмоси шунақами, деб сўраган эдилар, у, йўк, эй Расулulloҳ, Оллоҳга қасамки, биз бунинг бир соҳини икки соҳга, икки соҳини эса уч соҳга оламиз, деб жавоб берди. Шунда Пайғамбар ﷺ, бундай қилма, ҳаммасини дирхамга сот, кейин ўша дирхамга сотиб ол, дедилар». Муттафақун алайҳ. Пайғамбар ﷺ унга ўша сотиб олган одамидан бошқасига сотишни буюрмадилар. Агар сотиб олган одамга сотиш ҳаром бўлганида буни билдириб қўйган бўлардилар. Демак, ҳеч қандай шарт ва тил бириктирув бўлмаса, бу иш жоиз. Олтинни кумушга сотиб, кейин кумушга олтин сотиб олиш ҳам шунга ўхшаш ишдир. агар тил бириктирув бўлса, бу иш жоиз эмас. Чунки диндаги бирон ишда ҳам ҳийла мумкинмас, ҳаром ишдир. Оллоҳ ҳаром қилган ишга йўл топиш ёки гарданидаги вожиб ишдан кутулиш ё бурчдан қочиш учун ҳаром иш қилишни хоҳлагани ҳолда ўзини мубоҳ ишни қилаётган қилиб кўрсатиш ҳийладир. Чунки ҳаромга олиб борувчи восита ҳам ҳаромдир. Пайғамбар ﷺ:

«لَيْسَتْ حِلَّنَ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي الْحَمْرَ بِاسْمٍ يُسْمُونَهَا بِغَيْرِ إِيَّاهُ»

«Умматимнинг бир тоифаси арокқа ўзича бир ном ўйлаб топиб, уни ҳалол қилиб олади», деганлар. Бу ҳадисни Аҳмад Убода ибн Сомитдан ривоят қилган. Яна Аҳмаднинг Абу Молик Ашжайдан ривоят қилишича, у Пайғамбар ﷺнинг:

«لَيْسَ رَيْنٌ نَاسٌ مِنْ أُمَّتِي الْحَمْرَ يُسْمُونَهَا بِغَيْرِ اسْمِهَا»

«Умматимдан айрим одамлар арокқа ўзларича бошқача ном қўйиб олиб, уни ичадилар», деганларини эшитган экан.

Хуллас, пул алмаштириш Ислолда руҳсат этилган муомалалардандир. Фақат шариат баён қилган махсус ҳукмлар асосида бўлмоғи лозим. Бу иш ички муомалаларга ҳам, ташқи

муомалаларга ҳам бир хил жорий қилинади. Мамлакат пулидан иборат олтинни кумушга, кумушни олтинга қандай алмаштирилса, чет эл пулини маҳаллий пул билан шундай алмаштирилаверади. Мамлакат ичкарисида бўладими, ташқарисида бўладими, молиявий муомала бўладими, тижорий муомала бўладими, фарқи йўқ. Ташқи муносабатлардаги пул алмаштиришларни баён қилиш учун пулнинг ўзи хусусида тўхталиб ўтишимиз лозим.

ПУЛ

Пул товар ва меҳнатдаги манфаатни ўлчовчи миқёсдир. Шунинг учун ҳам унга барча товарлар ва меҳнатлар ўлчанадиган нарсадир, деб таъриф берилган. Масалан, нарсанинг баҳоси ёки шахснинг ҳақини жамият белгилайди. Қимматбаҳо қоғозлар, акциялар кабилар пул ҳисобланмайди.

Нарсаларнинг ва меҳнатларнинг баҳосини белгилаш ҳамма диёрларда ҳар хил бирликлар билан ифодаланади. Шу билан улар нарса ва меҳнатнинг фойдасини ўлчовчи миқёсга айланиб, айирбошлаш воситаси бўлиб қолади. Бу бирликлар пуллардир.

Ислом савдо ва ижара ҳукмларини чиқарган пайтида товарлар, меҳнатлар ва манфаатларни айирбошлашга муайян бир нарса асос қилиб белгилагани йўқ. Модомики, икки тараф ўртасида ўзаро розилик мавжуд экан, инсонни хоҳлаган нарса билан айирбошлашга қўйиб берди. Масалан, бировнинг Қуръонни ўргатиш эвазига бир аёлга уйланиши, бир товарни эгасига бир кун ишлаб бериш эвазига сотиб олиши, маълум миқдордаги хурмо учун бировнинг қўлида бир кун ишлаб бериши мумкин. Шунингдек, одамларни хоҳлаган нарсалари билан айирбошлашларига қўйиб бергани билан товарни айирбошлаш муайян бирлик, яъни пул билан бўлади. Ислом олтин ва кумушни пул бирлиги қилиб белгилаган. Демак Ислом нарсалар ёки меҳнатлар фойдасини ўзгармас ёки ўзгарувчан пул бирликлари билан ўлчашни ва шу пул бирликлари билан хоҳлаганича иш юритишни жамият ихтиёрига қўйиб бермади. Балки бу пул бирликларини муайян пул бирликликлари билан аниқ белгилаб қўйдик, жамият нарсалар ва меҳнатлар баҳосини шу пул бирликлари билан ифодалайди. Буни куйидагилардан англаш мумкин:

Биринчидан, Ислом хазина қилиниши ҳаром бўлган молни олтин ва кумуш билан хослаган. Ҳолбуки, ҳамма нарса ҳам, бугдой ҳам, хурмо ҳам, пул ҳам молдир. Хазина қилиш эса товар ва меҳнатда эмас, пулда намоён бўлади. Оятдаги пулни хазина қилишдан қайтаришдан мурод унинг умумий айирбошлаш воситаси эканлигидир. Шунинг учун пулни хазина қилишдан қайтариляпти. Пулдан бошқасини тўплаш хазина эмас, эҳтикор (монополия) деб номланади. Шунинг учун олтин ва кумушни хазина қилишдан қайтарган оят пулни хазина қилиб, сақлаб қўйишдан қайтарди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يَنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

– „Тилла-кумушни босиб, уни Оллоҳ йўлида сарфламайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабари»ни етказинг!“ [9:34]

Демак, бу ерда тақиқ айирбошлаш воситаси бўлмиш пулга қаратиляпти. Шунга кўра, олтин-кумушни хазина қилиш зарб қилинган ёки қилинмаганидан қатъий назар ҳаромдир.

Иккинчидан, Исломот олтин ва кумушни ўзгармас собит ҳукмлар билан боғлади. Масалан, хун ҳақи учун муайян миқдордаги олтинни белгилади. Қўл кесиладиган ўғирлик миқдори ҳам олтин билан белгиланган. Пайғамбар ﷺ Яман аҳлига ёзган мактубларида, жумладан шундай дейдилар:

«وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَّةَ مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ ... وَعَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ أَلْفُ دِينَارٍ»

«Одамнинг хун ҳақи юзта туядир... Олтини борлар учун минг динордир». Бу ҳадисни Насоий Амр ибн Ҳазмдан ривоят қилган. Бухорий Оиша رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«تُقَطَّعُ الْيَدُ فِي رُبْعِ دِينَارٍ فَصَاعِدًا»

«Чорак динор ва ундан ортиғи учун қўл кесилади», деганлар. Муайян ҳукмларни динор ва дирҳам билан белгилаш олтиннинг бир мисқоли динор, кумушнинг бир мисқоли дирҳам бўлиши уларнинг нарса ва меҳнатлар баҳосини ўлчовчи пул бирлиги эканлигидир. Демак, бу пул бирлиги пулнинг ўзидир, унинг асосидир. Шариатнинг пулга алоқадор ҳукмларни олтин ва кумуш билан боғлаши пулнинг фақат олтин ва кумуш бўлишига далилдир.

Учинчидан, Пайғамбар ﷺ олтин ва кумушни пул қилиб белгиладилар. Товар ва меҳнатларнинг баҳосини ўлчовчи миқёс ҳам фақат ўшалар эди. Барча молиявий муносабатлар ҳам улар асосида юз берарди. Пайғамбаримиз ﷺ бу пулнинг ўлчовини уқия, дирҳам, дониқ, қийрот (қарат), мисқол ва динор деб белгиладилар. Буларнинг ҳаммаси Пайғамбар ﷺ замонларида маълум ва машҳур бўлиб, одамлар шу ўлчовлар билан муомала юритишар эди. Пайғамбар ﷺ уларга эътироз билдирмадилар. Саҳиҳ ҳадисларда келишича, барча савдо ва никоҳларда олтин ва кумуш пул сифатида ишлатилган. Пайғамбар ﷺ олтин ва кумушнинг оғирлигини маккаликларнинг мезони билан белгиланганлар. Абу Довуд ва Насоий Ибн Умардан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ:

«الْوَزْنُ وَزْنُ أَهْلِ مَكَّةَ»

«Ўлчов Маккаликларнинг ўлчовидир», деганлар. Исломдаги пул ўлчовларига назар ташлайдиган бўлсак, шариатда укиянинг 40 дирхамлиги, дирхамнинг 6 дониқлиги, динарнинг 20 қийротлиги, 10 дирхамнинг 7 мисқоллиги аён бўлади. Мадина мезонлари ҳам шунга асосланган.

Тўртинчидан, Оллоҳ Таоло пул закотини олтин-кумуш бўйича вожиб қилиб, нисобни ҳам улар билан белгилаган. Демак пул закотининг олтин-кумуш билан белгиланиши пулнинг олтин-кумуш эканлигини кўрсатади.

Бешинчидан, пул алмаштириш ҳукмлари ҳам, барча молиявий муносабатларнинг ҳукмлари ҳам фақат олтин-кумуш асосида келган. Пул алмаштириш пулни пулга сотишдир. Бир хил ёки ҳар хил пуллар бир-бирига сотилади. Бошқача айтсак алмаштириш пулни пулга айирбошлашдир. Демак шариатнинг фақат пулга алоқадор бўлган муомала бўлмиш пул алмаштиришни олтин ва кумушга боғлаши пулнинг олтин ва кумушдан бошқа нарса бўлмаслиги вожиблигига далилдир. Пайғамбар ﷺ:

«بِيعُوا الذَّهَبَ بِالْفِضَّةِ كَيْفَ شِئْتُمْ يَدًا بِيَدٍ»

«Олтинни кумушга қўлма-қўл қилиб хоҳлаганингизча сотаверинглар», деганлар. Термизий ривояти. Яна Пайғамбар ﷺ:

«الذَّهَبُ بِالْوَرِقِ رَبًّا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ»

«Олтинни кумушга сотиш мана-мана тарзида (яъни, бир вақтнинг ўзида мана, деб нақдма-нақд) бўлмаса, рибодир», деганлар. Бухорий ривояти.

Демак, пул фикр ва машварат кабилидаги ёки иқтисодий, молиявий ҳаёт тақозоси билан бўлган нарсалар жумласига эмас, шариатдан ўзининг аниқ ҳукмини олган нарсалар жумласига киради. У пул бирлиги экани ва жинси жиҳатидан шаръий ҳукм билан собитдир. Юқоридаги беш ишга назар ташлаган одам Исломдаги пулнинг шаръий ҳукмларга алоқадорлигини кўради. Хазина қилинишининг тақиқланиши, закоти вожиб бўлиши, пул алмаштириш ҳукмларининг унга алоқадорлиги, Пайғамбар ﷺнинг у билан муомала қилишга эътироз билдирмаганлари, хун ҳақи ва қўл кесиладиган ўғирлик миқдорининг у билан ўлчаниши - буларнинг ҳаммаси пул хусусида фикр айтиш шариат ҳужжатига боғлиқлигини кўрсатади. Шариатнинг пулга алоқадор ҳукмлар билан унинг олтин ва кумуш эканига ҳужжат келтириши пулнинг

олтин ва кумушдан бошқа нарса бўлмаслиги ёки унинг асоси олтин ва кумуш бўлиши вожиблигига очиқ далилдир. Шаръий ҳукмлар тайин қилиб берган пул турига риоя қилиш шартлигидан келиб чиқадиган бўлсак, Исломдаги пулнинг олтин ва кумуш бўлиши вожибдир. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, олтин ва кумушнинггина пул қилиб белгиланиши улардан бошқасини айирбошлаш мумкинмаслигини билдирмайди. Чунки бу ерда гап айирбошлаш ҳақида эмас, пул ва пулни қабул қилиш ҳақида борапти. Одамларнинг ўзаро ҳамма нарсани айирбошлашлари жоиз. Фақат айирбошлашнинг пулга оид миқёси олтин ва кумуш бўлиши шарт. Негаки, Исломдаги пул олтин ва кумушдир.

Пайғамбар ﷺ олтин ва кумушнинг жинсини пул қилиб белгилаганлар. Муайян шаклда зарб қилинадими йўқми, Форснинг зарби бўладими, Румнинг зарби бўладими, зарб қилинмаган, нақш солинмаган кумуш парчалари бўладими, Яманники бўладими, бошқаники бўладими ҳаммаси билан муомала қилинаверган. Эътибор унинг сони ёки нақшига эмас, оғирлигига қаратилган. Тухумдек олтин ҳам муомалада юраверган. Закот каби Оллоҳнинг ҳақлари ҳам, қарз каби бандаларнинг ҳақлари ҳам, товарнинг баҳоси ҳам олтин ва кумушнинг оғирлигига қараб белгиланган. Пайғамбар ﷺнинг замонларида ҳам, тўрт хулафои рошидинларнинг замонларида ҳам, Бану Умайя замонининг бошларида ҳам ҳолат шундай давом этган. Абдулмалик ибн Марвон ҳокимият тепасига келгач, муомаладаги барча нақшлигу нақшсиз олтин-кумушларни тўплаб, уларни бир хил Макка оғирлигида қўйиб, уларга Ислом зарбини уриб, ўлчаб ўтиришнинг ҳожати бўлмайдиган тангаларга айлантирди. Бу иш хижратнинг етмиш бешинчи йилида юз берди. Тарихнинг ўша онидан бошлаб, зарб қилинган исломий динорлар ва исломий дирҳамлар вужудга келиб, исломий давлатнинг алоҳида белгига эга бўлган пулига айланди. Шунга кўра, Исломдаги пул низоми асос жиҳатидан олтин ва кумушнинг оғирлигидир. Ҳажми, зарби, шакли, нақши каби ишлар услубга киради. Шунга биноан шаръий лафзларнинг қаерида олтин-кумуш сўзи ворид бўлган бўлса, у икки маънони билдиради: Уларнинг бири гарчи мис, бронза ёки қоғоз пул бўлса ҳам олтин ва кумушдан муқобили бўлган муомаладаги пул бўлса, иккинчиси, олтин ва кумушдир. Олтин ва кумушдан ясалган пуллар ҳам, олтин ва кумушга айлантириш мумкин бўлган мис ёки қоғоз пуллар ҳам пул ҳисобланаверади.

Олтин низоми

Агар давлат ўзининг ички ва ташқи муносабатларида олтин пулни ишлатса ёки ичкарида ишлатиш ёхуд ташқарига чиқариш

учун олтинга айланиши мумкин бўлган қоғоз пулни ишлатса, бу айлантириш барқарор нархда турса, яъни қоғоз пул бирлигининг маълум миқдордаги олтинга айланиши ёки аксинча, олтиннинг қоғоз пулга айланиши муайян нарх билан белгилаб қўйилган бўлса, бундай давлат олтин низоми асосида юраётган бўлади. Бундай ҳолатда мамлакатдаги пулнинг нархи олтиннинг нархи билан чамбарчас боғлиқ бўлиши табиийдир. Товарга нисбатан олтиннинг нархи кўтарилса, пулнинг ҳам нархи кўтарилади, пасайса, пасаяди.

Олтинга асосланган пул ўзига хос белгиларга эга бўлади. Бундай пул бирлиги муайян айирбошлаш билан олтинга боғланади, яъни конунан унинг таркибида маълум миқдорда олтин бўлади. Олтиннинг экспорти ва импорти эркин жорий қилиниб, одамларнинг пул ёки қуйма олтин ёки олтин рудаларига эга бўлишлари, уларни олиб чиқиб кетишлари бемалол бўлади.

Олтин давлатлараро эркин муомалада бўлгач, ҳар бир шахс хоҳласа, чет эл валютасини сотиб олади, хоҳласа, олтинни юборади. Ўзига камчиқим воситани танлаб олаверади. Агар олтин баҳосига уни юбориш чиқимлари қўшилганда бозордаги чет эл валютаси нархи ошиб кетса, валютани юборгани яхшироқ. Агар олтинни валютага алмаштириш нархи кимматроққа тушса, олтинни юборгани афзалроқ.

Олтин низомининг афзалликлари

Олтин низоми кумуш ва бошқа низомиларга солиштирилганда бутун дунё пули учун олтин низоми жорий қилиниши шартлиги аён бўлади. Унинг афзалликлари бошқа нарсаларнинг пул учун низоми бўлишига йўл қўймайди. Пул урфга киргандан бошлаб то биринчи жаҳон урушига қадар бутун дунё олтин ва кумуш низомига амал қилиб келган. Улардан бошқа низоми бўлмаган. Мустамлакачилик иқтисодий-молиявий мустамлакачилик усулларини ўйлаб топишгач, пулни мустамлака қилиш воситасига айлантиришиб, унинг учун олтин-кумушдан бошқа низомиларни жорий қилдилар. Банкдаги омонатларни ҳам, олтин ёки кумушга таянмайдиган, мажбурлаб тиқштирилган қоғоз пулларни ҳам, шунингдек, олтин-кумушнинг ўзини ҳам пул миқдори ҳисоблайдиган бўлдилар. Шунга кўра, олтин низомининг афзалликларини айтиб ўтиш лозим бўлиб қолди. Бу афзалликларнинг энг эътиборлилари куйидагилардир:

1. Олтинга асосланиш олтиннинг айланиши, экспорт ва импорт қилинишидаги эркинликни тақозо этади. Бу иш ўз навбатида молиявий ва иқтисодий пул барқарорлигини талаб қилади. Бундай ҳолда пул алмаштириш операциялари товарларнинг нархлари ва

ишчиларнинг ойликларини қопловчи ташқи тўловлардан нарига ўтмайди.

2. Олтин низоми, дегани, халқаро пул алмаштириш нархининг барқарорлиги, деганидир. Бу билан халқаро тижорат ривожланади. Негаки, савдогарлар ташқи тижоратларини кенгайтиришдан кўрқмайдилар. Алмаштириш нархи барқарор бўлгани туфайли тижоратнинг кенгайишидан хавф йўқ.

3. Олтин низомида марказий банклар ҳам, ҳукуматлар ҳам қоғоз пуллар ишлаб чиқарилишини кенгайтира олмайдилар. Чунки улар муайян нархда олтинга алмашиниш қобилиятига эга. Махсус бошқармалар ишлаб чиқариш кенгайиб кетса, олтинга талаб кучайиб кетишидан, кейин бу талабга жавоб беролмай қолишдан кўрқадилар. Шунга кўра, ишлаб чиқарилган пул билан запасдаги олтин ўртасидаги маъқул нисбатни ушлаб турадилар.

4. Бутун дунёда ишлатиладиган пулларнинг ҳар бири муайян олтин миқдори билан белгиланади. Ана шунда товарлар, моллар, шахсларнинг бир мамлакатдан иккинчисига боришлари осонлашади. Валюта ва пул етишмаслиги муаммоси ҳал бўлади.

5. Ҳар бир давлат ўзининг олтин бойлигини сақлаб қолади. Олтинни бир мамлакатдан иккинчисига контрабанда йўллари билан олиб ўтишлар бўлмайди. Давлат ўз бойликларини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай назоратга эҳтиёж сезмайдилар. Чунки унинг бойлиги фақат қонуний йўл билангина: ё товар нархи сифатида, ё хизмат ҳақи сифатидагина ўтади.

Олтин низомининг айрим афзалликлари мана шулар. Бутун дунё шу низом асосида юриши зарурлигини шуларнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам то биринчи жаҳон урушига қадар дунёнинг шу йўлдан боргани ажабланарли ҳол эмас. Биринчи жаҳон уруши бошланган пайтда дунёдаги етакчи пул низоми олтин пойдевори устига қурилган эди. Ўша пайтда муомаладаги пуллар олтин тангалардан иборат эди. Қоғоз пуллар ҳам ўз нархидаги олтинга алмашиниш қобилиятига эга бўлган. Олтин низоми билан бирга кумуш низоми ҳам қўлланилган. Бу низомнинг татбиқ қилиниши иқтисодий муносабатларда ўзининг ажойиб самараларини берган. 1914 йил биринчи жаҳон уруши эълон қилинган, урушаётган давлатлар турли хил қарорлар қабул қилишиб, олтин низомини қалқитиб юборишди. Қайсидир давлат ўз валютасини олтинга алмаштиришни тўхтатиб қўйди, қайсинисидир олтин экспортини ортиқ даражада чеклаб юборди, яна бири импортга тўсқинлик қилди. 1971 йилга келиб, Америка олтин низомига амал қилишини тўхтатганлигини, олтин билан доллар

Ўртасидаги боғлиқлик бекор қилинганини эълон қилди. Ўшандан бошлаб олтиннинг пул билан бўлган алоқаси узилиб, бошқа товарлар қатори оддий товарга айланди. Американинг бундан мақсади долларни дунёдаги асосий пулга айлантириб, халқаро молиявий бозор назоратини қўлга киритиш эди. Шу билан дунё олтин низомига амал қилмай қўйди. Натижада пул низоми издан чиқди. Алмаштириш нархлари бекарорлашди. Пуллар, товарлар, шасхларнинг кўчиб юришларида кийинчиликлар, ғовлар юзага келди.

Олтин низомининг муаммолари

Олтин низоми бутун дунёни эгаллаган пайтида унинг ҳеч қандай муаммоси йўқ эди. Буюк давлатлар ғанимларига қарши пул орқали зарба беришга урина бошлаган, олтин низоми билан бирга мажбурий қоғоз пул низоми ҳам қўлланилган, мустамлакачи Ғарб давлатлари халқаро валюта жамғармасини тузган, Америка долларни пул низомининг асосига айлантирган кундан бошлаб муаммолар туғила бошлади. Шунга кўра, пул низомини қўлловчи давлат қаршисида турган муаммоларни англаш лозим. Токи, уни ҳал қилиш, енгиб ўтиш режасини тузсин. Бу муаммолар куйидагилардир:

1. Ишлаб чиқариш қуввати ва халқаро тижоратда рақобатлашиш кучи ортиб кетган, олимлар, мутахассислар, хунармандларни кўп етиштириб чиқарган давлатларда олтиннинг тўпланиб қолишидир. Бундай давлатларга олтин товар баҳоси сифатида ҳам, хизмат ҳақи сифатида ҳам оқиб бораверади. Натижада оламда мавжуд олтиннинг катта миқдори ўша мамлакатларда йиғилиб қолади. Кейин давлатлар ўртасидаги олтиннинг бўлиниши издан чиқиб, бошқа давлатлар ўзидаги олтинларнинг четга чиқиб кетишидан кўркиб қоладилар-да, унинг чиқишини тақиқлаб қўядилар. Оқибатда ташқи тижорат ҳаракатдан тўхтаб қолади.

2. Айрим давлатларга бу давлат ҳисоб (савдо) балансини ўз фойдасига йўналтирмақчи бўлгани боис олтин оқиб келади. Лекин бу кириб келган олтин ички бозорга таъсир кўрсатиб, нархларни кўтариб юбормаслиги учун унинг миқдорича пулни муомаладан чиқариб олишга кифоя қиладиган қимматбаҳо қоғозлардан маълум бир миқдорни бозорга ташлайди. Натижада олтин ўзида қолиб, уни экспорт қилган давлатларга қайтмайди-да, улар олтин низомидан зарар кўриб қоладилар.

3. Олтин низомининг кенг ёйилиши давлатлар ўртасидаги ҳар хил ишлаб чиқариш соҳаларига маблағ ажратиш ҳамда тижорат йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга боғлиқдир. Лекин давлатлар

ўз саноати ва зироатини кучли ҳимоя қилиб, божхоналар ташкил қиладилар. Натижада улардан олтин олиб чиқиш учун уларга товар киритиш оғирлашади ва олтин низоми асосида юрган давлат зарар кўради. Чунки у товарини одатдаги нархда киритолмаганидан кейин ё божхона чиқимларини қоплаши учун нархини пасайтиришга ёки умуман, олиб қирмай кўя қолишга мажбур бўлади.

Олтин низомини бир ёки бир неча давлатларгина қўллаганида дуч келиниши мумкин бўлган муаммолар - мана шулар. Уларни енгиб ўтиш тижорий сиёсатнинг автаркия (бошқа давлатлар иқтисодига боғлиқ бўлмаган мустақил миллий хўжалик яратишга қаратилган сиёсат)га асосланиши, ишчиларнинг иш ҳақи ишлаб чиқараётган товарларининг баҳосига ҳам, турмуш даражасига ҳам эмас, меҳнатларига қараб белгиланиши, молиявий қоғозлар ҳам, акциялар ҳам шахсларнинг мулки ҳисобланмаслиги, давлатнинг ишлаб чиқаришда экспортга камроқ таяниб, товар ёки хорижга борадиган ишчиларсиз ҳам ишлаб чиқаришни ичкарида йўлга қўйишига қараб бўлади. Ана шунда божхона тўсиқлари таъсир кўрсатолмайди. Шу сиёсат асосида юрган давлат, олтин низоми асосида юрган давлат ҳисобланиб, барча фойдаларини қўлга киритиб, муаммоларини баратарф этади. У ҳеч қандай зарар кўрмайди, аксинча, фойда олади, холос. Фақат олтин ва кумуш низомига бўйсунини лозим.

Кумуш низоми

Кумуш низомида пул бирлигининг асоси кумуш бўлиб, унинг маъдани чекланмаган тарзда, эркин зарб қилинади. Бу низом қадимдан маълум ва машҳур бўлган. Ислол давлатида у олтин низоми билан ёнма-ён турган. Айрим давлатларнинг асосий пул низоми ёлғиз унинг ўзи бўлган. Ҳинди-Хитойда 1930 йилча кумуш танга ўрнини олтин танга эгаллагунига қадар унга амал қилиб келинган. Кумуш низомининг тафсилотлари олтин низоми билан бир хил. Шунинг учун ҳам битта давлатда уларни ёнма-ён қўллаш қийин эмас. Ислол давлати Пайғамбар ﷺнинг ҳижратларидан буён олтин ва кумуш сиёсатига асосланиб келган. Бундан кейин ҳам пул сиёсати олтин ва кумушга асосланиб қолиши лозим. Бошқачароқ қилиб айтганда, пул олтин ва кумуш бўлиши шарт. Муомалага уларнинг ўзлари чиқариладими ёки улардан муқобилига эга бўлган қоғоз пуллар чиқариладими, фарқи йўқ.

Маъданий пуллар

Иқтисодчилар бўлиши мумкин бўлган турли хил маъданий пулларни асосан икки турга ажратадилар: Якка маъдан низоми; Икки маъдан низоми. Якка маъдан низомида асосий пуллар бир

маъдан тангалари билан чекланади. Икки маъдан низомида эса олтин тангалар ҳам, кумуш тангалар ҳам асосий пуллар ҳисобланаверади. Икки маъдан низоми уч белгига эга бўлади:

Биринчиси, олтин ва кумуш тангаларнинг чекланмаган муолажа кувватига эга бўлиши.

Иккинчиси, ҳар икки маъдан қуймаларини эркин зарб қилиш.

Учинчиси, олтин тангалар билан кумуш тангалар нархлари ўртасидаги қонуний нисбатнинг бўлиши.

Икки маъдан низоми муомалага қўйилган пуллари миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради. Чунки ҳар икки маъдан тангалари ҳам асосий пул сифатида ишлатилаверади. Бу билан нархларнинг юқорилиги сақланиб қолади. Натижада ишлаб чиқаришни кўпайтиришга иштиёқ кучаяди. Айти пайтда пулларнинг нархи барқарорлашади. Нархлар ҳадеб иқтисодий кризисга олиб борувчи катта ўзгаришларга дуч келавермайди. Шулардан маъданий пулларда икки маъданни қўллаш бир маъданни қўллашдан кўра яхшироқлиги кўриниб турибди.

Қоғоз пуллар

Қоғоз пуллар уч турлидир:

1. Ўринбосар қоғоз пуллар. Улар пул ёки қуйма шаклдаги олтин ва кумушдан маълум бир миқдорни ифодаладиган ва маълум бир жойга омонат қўйилган қоғозлардир. Унинг маъданий баҳоси ўзида кўрсатилган нарх билан баробар бўлиб, талаб қилинган пайтда алмашилаверади. Бундай ҳолатда муомалага маъданий пуллар, тўғрироғи, маъданий пулларнинг ўзи эмас, уларнинг ўрнини боса оладиган ўринбосар қоғоз пуллар чиқарилади.

2. Васиқа қоғоз пуллар. Уни имзолаганлар васиқа эгасига муайян миқдордаги маъданий пул бериш мажбуриятини оладилар. Унинг муомаладаги нархи имзолувчилар ва уларнинг аҳдида туришларига бўлган ишончга боғлиқдир. Агар ҳамма уларни ишончли, деб билса, уларни муомалага чиқариш тангалар каби осон кечади. Бу пулларнинг асосий тури ҳамма ишонадиган маълум ва машҳур банк чиқарган банкнотлар (банк томонидан чиқариладиган пул ўрнида юрадиган қоғоз)дир. Бирок ўринбосар қоғоз пулларда бўлганидек, банкнотларни, бошқачароқ қилиб айтганда, васиқа қоғоз пулларни чиқарган банк ёки ҳукумат уларнинг нархи билан тўла баробар олтин сақламайди, балки бу қоғозлар қийматини кафолатлаш учун уларнинг қийматидан муайян нисбат (миқдор)ига тенг бўлган маъдан запаси сақлайди. Бу нисбат $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{2}{3}$ ёки $\frac{1}{3}$ ёки муайян фоиз бўлиши мумкин. Шунга кўра, захирадаги маъдан

муқобилидаги банкнотлар ўринбосар қоғоз пуллар ҳисобланиб, қолганлари васиқа қоғоз пуллар сирасига киради. Уларнинг муомаладаги кучи одамларнинг имзолувчиларга бўлган ишончига қараб бўлади. масалан, банкнот чиқарган банк ёки ҳукумат йигирма миллион динорлик маъдан захираси бўлгани ҳолда қирқ миллион динорлик қоғоз пул чиқаради. Шу қирқ миллионнинг захираси муқобилидагилари, яъни йигирма миллиони ўринбосар қоғоз пуллар ҳисобланиб, қолган йигирма миллиони васиқа қоғоз пуллар (банкнотлар) ҳисобланади.

Шунга кўра, агар давлатнинг чиқарган пулига яраша олтин ёки кумуш захираси бўлса, унинг пули ўринбосар қоғоз пуллар, бир сўз билан айтганда, мукамал пуллар ҳисобланади. Агар давлатнинг олтин ё кумуш захираси чиқарган пулига тўғри келмаса, унинг бир қисмигагина лойиқ бўлса, унинг пули васиқа қоғоз пули, дейилади.

3. Алмашиниш қобилиятига эга бўлмаган қоғоз пуллар. Улар мажбурий қоғоз пуллар ҳам дейилади. Уларга нисбатан «қоғоз пуллар» номи қўлланади. Улар ҳукуматлар чиқариб, асосий пулларга айлантирган, лекин олтин ё кумушга алмашинмайдиган, олтин ё кумуш ёки банкнот захираси билан кафолатланмаган пуллар бўлиб, қонун орқали чиқарилаверадилару, бироқ уларни чиқарган банк олтин ё кумушга айлантириб бериш мажбуриятини ўз бўйнига олмайди.

Пул чиқариш

Жамиятнинг товар нарҳини белгилаши баҳо бўлса, меҳнат нарҳини белгилаши ҳақдир. Шу белгилашни ифодаловчи нарса пулдир. У туфайли биз учун ҳар хил товарларни ҳам, меҳнатларни ҳам ўлчаш имкони туғилади. Натижада турли хил товарлар ва меҳнатларни бир-бирига солиштириш осон кечади. Негаки уларнинг ҳаммаси умумий миқёс ҳисобланмиш битта бирликка (пул бирлигига) бориб тақалади. Ишчининг ҳам, товарнинг ҳам ҳақини тўлаш шу бирлик асосида жорий қилинади.

Пулларнинг қиммати улардаги сотиб олиш қуввати билан, яъни, инсоннинг уларга қанча товар ёки меҳнат сотиб олиши мумкинлигига қараб ўлчанади. Шунга кўра, жамиятнинг товар ва меҳнат нарҳини белгилашини ифодаловчи нарса пул бўлиши учун сотиб олиш қувватига эга бўлиши яъни, одамлар у орқали товар ва меҳнатларга эриша олишлари шарт.

Аслида бу нарса пул бўлиши учун алоҳида бир ички қувватга эга бўлиши ёки таяниши, бошқачароқ қилиб айтганда, унинг ўзи одамларнинг наздида эътиборли қиммат соҳиби бўлиши лозим. Лекин давлатларнинг пул ишлаб чиқариш воқеи бундай эмас.

Айрим давлатларда пул алоҳида бир ички қувватга эга бўлса ёки суйанса, айримларида бир нарса пул, деб қабул қилинади-да, унга сотиб олиш қуввати берилади. Давлатлар пул чиқаришда ё олтин-кумуш низомига ёки мажбурий қоғоз пул низомига асосландилар. Олтин-кумуш низомига асосланган давлатлар пул чиқаришда икки услубни қўллайдилар: Биринчиси, маъдан услубидир. Якка маъдан услуби бўладими, икки маъдан услуби бўладими фарқи йўқ. Иккинчиси эса қоғоз пул услубидир. Турли хил товар ва пулларнинг нархларини ифодаловчи пул бирлигига асосланган ҳолда олтин ёки кумушларнинг ўзларини зарб қилиб, ҳар хил қийматдаги тангалар чиқариш маъдан услубидир. Давлат пуллари сифатида шу тангаларнинг ўзлари қўйилади. Олтин-кумуш низомига асосланган давлатлардаги қоғоз пул услуби олтин-кумушга алмашилиш қобилятига эга бўлган қоғоз пулни қўллашдир. Бунинг икки йўли бор: Биринчиси, пул ёки қўйма шаклдаги олтин-кумушдан вакил қилинган, маълум бир жойга омонат қўйилган, маъданий баҳоси ўзида кўрсатилган нарх билан баробар бўлиб, талаб қилинган пайтда алмашилаверадиган қоғоз пулларни жорий қилиш. Улар ўринбосар қоғоз пуллар дейилади. Иккинчиси эса, шундай қоғоз пулларни жорий қилишдики, уларни имзоловчилар қоғоз пул эгаларига муайян миқдордаги маъданий пул бериш мажбуриятини оладилар. Бу қоғоз пуллар олтин-кумушдан вакил қилинмайдилар. Уларнинг маъданий баҳоси ўзларида кўрсатилган баҳоси билан баробар бўлмайди. Уларни чиқарган банк ёки давлат ўзларида кўрсатилган қийматларига нисбатан озроқ миқдорда олтин-кумуш захирасига эга бўлади. бу захира улардаги қимматнинг $\frac{3}{4}$ и $\frac{2}{3}$ си $\frac{1}{3}$ $\frac{1}{4}$ ёки маълум фоизи бўлиши мумкин. масалан, банк ёки давлат икки юз миллион динорлик олтин-кумуш захирасига эга бўлгани ҳолда беш юз миллион динорлик қоғоз пул чиқаради. Бу турдаги қоғоз пул васиқа қоғоз пул дейилади. Захирадаги маъданга олтин запаси ёки олтин билан таъминлаш сўзи қўлланади.

Мазкур ҳолатларнинг барчасида пул чиқарувчи давлат нима бўлганда ҳам олтин низомига асосланган ҳисобланади.

Шулардан кўриниб турибдики, алоҳида ўзининг ички қувватига эга бўлган нарсалар олтин-кумушдир. Улар пул ҳам, пулнинг таянчи ҳам бўлишлари мумкин. Хуллас, ҳар бир давлат муайян шакл, муайян оғирлик, муайян нақш - муайян белгини қабул қилиб, бошқалардан ажралиб турадиган ўз пулини чиқаради. У ё олтин-кумушга суйнадиган, ички ва ташқи муомалага қўйиладиган ўринбосар қоғоз пулларни ёки ўзида кўрсатилган қийматга

нисбатан озроқ миқдордаги олтин захираси билан васиқа қоғоз пулларни қабул қилади. Бир мамлакатнинг пули бошқасиникидан фарқ қилиши учун бу қоғозлар муайян белги ва муайян тасвирга эга бўладилар.

Мажбурий қоғоз пул низомига асосланган давлатлар олтин-кумуш ё бошқа қимматбаҳо маъданга белгиланган нархда алмашиниш қобилиятига эга бўлмаган қоғоз пулларни чиқарадилар. Уларни чиқарган ташкилот олтинга алмаштириб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Бундай давлатда олтин ҳамма товарлар қатори вақти-вақти билан таклиф ва талабга қараб, нархи ўзгариб турадиган товар ҳисобланади. Бу қоғоз пулларни захирадаги маъдан кафолатламайди. Улар маъданий пулларга алмаштирилмайди. Уларнинг қонуний қийматидан бошқа нарсаси йўқ. Алоҳида қувватга эга ҳам эмаслар, суйанмайдилар ҳам. Улар айирбошлаш воситаси сифатида қабул қилинган бирликдан бошқа нарса эмаслар. Айирбошлаш воситаси бўлишлари учун уларга қувватни қонун беради. Шу билан инсон улар орқали товар ва меҳнатга эриша олади. Хуллас, улар ўз кучларини уларни қабул қилган ва чиқарган давлатдан оладилар.

Модомики, пул мазкур тарзда чиқарилар экан, ҳар бир давлат жамиятнинг товар ва меҳнатни белгилашини ифодаловчи нарсани агар унда сотиб олиш қуввати бўлса, қабул қилиш имконига эга. Шунга асосан ҳар бир давлат жамиятнинг товар ва меҳнат нархларини белгилашини ифодалайдиган, ўзгармас аниқ белгига эга бўлган пулни чиқаришга қодир. У орқали шу давлатнинг ҳар бир фуқароси товар ва меҳнатни сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Бошқа давлатлар ҳам у орқали қанча товар ва меҳнатни сотиб олишларига қараб, уларни тан олишга мажбур бўладилар.

Давлат пул чиқаришда халқаро валюта жамғармаси, халқаро банк, марказий банк каби нарсаларга таяниши шарт эмас. Фақат у қабул қилган пул бирлиги товар ва меҳнатни сотиб олиш қувватига эга бўлса, бас. Шунинг ўзи унинг пул бўлишига кифоя қилади. Олтин-кумушнинг ўзи зарб қилиниши ҳам, уларга таянувчи ўринбосар қоғоз пуллар бўлиши ҳам, маълум миқдордаги олтин-кумуш захирасига эга бўлган васиқа қоғозлари бўлиши ҳам, умуман, инсон унга товар ва меҳнат сотиб олиши мумкин бўлган оддий қоғоз пуллар (банкнотлар) бўлиши ҳам мумкин.

Давлатлар ўзаро олтин-кумуш билан муомала қилиб келишган. Ҳар бир давлат пулининг олтин-кумушга нисбатан ўзгармайдиган, бошқалардан ажралиб турадиган маълум белгиси бўлган. Кейин бир давлат олтин-кумуш пуллар билан бирга қоғоз пуллар ҳам чиқара

бошлаган. Сўнг яна бир давлат олтин-кумуш пуллари қолиши билан бирга қоғоз пуллар чиқаришни ҳам қабул қилган. Шу билан дунё пуллари олтин-кумуш, олтин-кумушга алмашиниш қобилиятига эга бўлган қоғоз пуллар ҳамда ҳеч нарсага таянмайдиган қоғоз пуллар бўлиб қолган. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан 1971 йилга қадар пуллар асосан икки турли, маъданий ва мазкур уч хил қоғоз пуллар бўлган. 1971 йилдан бошлаб Америка қўшма штатларининг президенти Никсоннинг Бреттон-Вудс иттифоқининг тугаганлигини эълон қилиб, долларни олтинга алмаштириб беришни бекор қилинганини эълон қилганидан кейин бутун дунё ёлғиз мажбурий қоғоз пул низоми асосида юра бошлади.

Алмашиниш баҳоси

Алмашиниш пулни пулга алмаштиришдир. Бир хил жинсдаги пулларни алмаштириш ҳам, ҳар хил жинсдаги пулларни алмаштириш ҳам, масалан, олтинни олтинга, кумушни кумушга алмаштириш ҳам, олтинни кумушга, кумушни олтинга алмаштириш ҳам мумкин. Бир хил жинсдаги пуллар алмаштирилганда тенглик бўлиши шарт. Ортиқ-кам бўлиши рибодир, ҳаромдир. Олтинни олтинга, ўз нархидаги олтинга алмашиниш имкониятига эга бўлган қоғоз пулни олтинга алмаштириш бунинг мисолидир. Шунинг учун бундай ҳолатда алмашиниш курси мавжуд бўлмайди.

Олтинни кумушга, инглиз фунтини долларга, рублни франкка каби ҳар хил жинсли пулларни алмаштиришда қўлма-қўл бўлиши шарти билан ортиқ-камлик нисбати, яъни алмашиниш баҳоси бўлиши мумкин. Демак, алмашиниш баҳоси ҳар хил жинсли пулларни алмаштиришдаги нисбатдир.

Одамларни пул алмаштиришга ундаган нарса бир тарафнинг иккинчи тараф қўлидаги пулга бўлган эҳтиёжидир. Битта давлатда муомалага қўйилган пулни алмаштириш, масалан, олтинни кумушга, кумушни олтинга алмаштириш яққол кўриниб турган ишдир. Чунки давлат ҳам олтин, ҳам кумуш низомига асослангандир. Бу икки пул ўртасида алмашиниш баҳоси бўлиб, бозор нархига қараб белгиланади. Давлат ишлатиб турган ҳар хил жинсли пуллар ўртасидаги алмашиниш баҳосининг ўзгариб туриши зарар қилмайди. Негаки, бу иш товарлар баҳосининг ўзгариб туришига ўхшайди.

Икки ёки ундан ортиқ давлатнинг ҳар хил пулларини алмаштиришдан муаммо юзага келади. Шунинг учун ҳам уни воқе сифатида ўрганиб, у ва алмашиниш баҳоси хусусидаги шаръий ҳукми баён қилиш лозим бўлади.

Бу масалага воқе сифатида тўхталадиган бўлсак, давлатлар ҳар хил низомларга асосланадилар. Олтин низомига асосланадиган давлатлар билан мажбурий қоғоз пул низомига асосланадиган давлатларнинг вазиятлари бир-биридан фарқ қилади. Агар бир неча давлатлар олтин низомига асослансалар, улар ўртасидаги алмашилиш баҳоси ёки алмаштириш нисбати деярли барқарор бўлиб қолади. Агар маъданий услубга амал қилсалар, масаланинг ечими ўз-ўзидан кўриниб қолади. Чунки сиз воқеда таклиф ва талабга қараб бирининг баҳоси иккинчисиникидан фарқланиб турадиган ҳар хил пулларни эмас, олтинни олтинга алмаштираётган бўласиз. Бор-йўғи бир давлатда зарб қилинган олтин пулнинг иккинчисидан фарқи рамзи ёки тасвиридан иборат бўлади, холос. Бундай пайтда алмашилиш баҳоси бир давлат пулидаги соф олтин оғирлиги билан иккинчи давлат пулидаги соф олтин оғирлиги ўртасидаги нисбат бўлади. Олтин низомига амал қиладиган давлатлар ўртасидаги алмашилиш баҳоси ўзаро бир-бирига олтинни олиб ўтиш ҳаражатларига боғлиқ бўлган маълум икки чегара ичидагина ўзгариши мумкин. У олтиннинг икки чегараси, деб номланади. Бу ҳаражатларнинг кўпинча, оз миқдорда бўлишидан келиб, чиқиб, бироз ўзимизга эрк бериб, олтин низомига амал қиладиган давлатлар ўртасидаги алмашилиш баҳоси қарийб барқарор бўлади, дейишимиз мумкин. Гарчи давлатлар ўринбосар қоғоз пуллар услубига амал қилсалар ҳам алмашилиш баҳоси борасида ҳолат маъданий услубда қандай бўлса, ўшандай бўлади. Чунки бу ҳолатда айирбошлаш воқеан маъданий пуллар устида кетяпти. Бор-йўғи улар маъдан ўрнига унинг ўринбосари - қоғоз пулларни муомалага қўймоқдалар, холос. Шунга кўра, улар алмашилиш баҳоси хусусида ҳам, бошқа ишларда ҳам тўла маъдан ҳукмини оладилар. Васиқа қоғоз пуллар услубига амал қиладиган давлатларда эса уларнинг олтин низоми асосида бораётганларига қарамасдан олтин банкотларнинг маълум бир қисминигина қоплагани боис уларнинг қиммати захирадаги олтинга қараб ўзгариб туради ва улар ўртасида алмашилиш баҳоси юзага келади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу алмашилиш баҳоси барқарор қолади. Уни билиш осон кечади. Чунки у олтин захираси нисбатига боғлиқ ишдир. бу нисбат эса очик кўриниб турган миқдорлардир.

Агар бир неча давлатлар мажбурий қоғоз пул низомига амал қилсалар, ўзаро алмашилиш баҳосини белгилаб олиш муаммоси туғилади. Чунки пулни олтинга белгиланган нарҳда алмаштириш

имкони йўқ. Хўш, бу давлатлар ўртасида алмашилиш баҳоси қандай белгиланади?

Бу муаммо ушбу тарзда ечилади: Турли хил қоғоз пуллар жаҳон пул бозорида одамлар ишлатадиган турли хил товарлардир. Негаки, улар пул бўлганликлари учун эмас, ўз ватанларидаги товарларни сотиб олишга қодир бўлганлари учун сотиб олинадилар. Шунга кўра, икки қоғоз пул ўртасидаги алмаштириш нисбати ёки алмашилиш баҳоси уларнинг ўз ватанларидаги харид қувватига қараб белгиланади. Шунга асосланиб, алмашилиш баҳоси икки пул ўртасидаги алмаштириш нисбатидир, деймиз. Масалан, Миср билан Италия қоғоз пул низомига амал қилсалар, Италияда Италия лирасига товарнинг ўнта бирилиги сотиб олинди, Мисрда Миср фунтига товарнинг юзта бирлиги сотиб олинди, улар ўртасидаги алмаштириш нисбатида бир Миср фунти ўн Италия лирасига тўғри келади. Лекин алмашилиш баҳоси ўзгариб туриши мумкин. Чунки қоғоз пуллар жаҳон пул бозорида одамлар айирбошлайдиган ҳар хил товарлардан иборатдир. Улар пул бўлганлиги учун эмас, ўз ватанидаги товар ва меҳнатларни сотиб олишга қодир бўлганлиги учун сотиб олинади. Шунга кўра, асл ватанларидаги товарлар нархининг тушиши билан уларнинг баҳоси кўтарилади, товарлар нархининг кўтарилиши билан эса уларнинг баҳоси пасаяди. Демак, чет эл валютасининг бизга фойдаси сотиб олиш қувватига қараб бўлади. Қуввати ортса, бизга фойдаси ҳам ортиб, уларни қўлга киритиш учун катта миқдордаги пулларимизни ҳам сарфлашга тайёр турамыз. Қуввати камайса, бизга тегадиган фойдаси ҳам камайиб, уларни қўлга киритиш учун ортикча пул сарфламаймиз. Чунки сиз ўзингизнинг пулингиз ўз қийматини сақлаб тургани ҳолда чет эл валютасини ҳадеб сотиб олавермайсиз. Фараз қилайлик, Миср билан Англияда бир йили нархлар юз фоиз бир хиллашиб, бир Миср фунтига, бир инглиз фунти тўғри келди. Алмашилиш баҳоси тенглашди. Пул алмаштиришдан мақсад инглиз товарларига бўлган эҳтиёжни қондириш бўлиб қолди, холос. Бундай пайтда бизнинг диёримизда инглиз фунтига қизиқиш ҳам, ундан юз ўгириш ҳам бўлмайди. Лекин агар биздаги нархлар икки юз фоизга кўтарилиб кетиб, Англиядаги нархлар ўз ўрнида қолса, инглиз фунтининг биздаги нархи икки баробарга ошиб, бир Миср фунти ярим инглиз фунтига тўғри келиб қолади. Ана шунда инглиз фунтига қизиқиш ортиб, Миср фунтига қизиқиш камаяди. Чунки Англияда нархлар тушган, Мисрда эса ортган бўлади. Натижада инглизларнинг Миср фунтига ҳам, бинобарин, Миср товарларига ҳам қизиқишлари камайиб кетади. Ўзларининг товарларини афзал

биладилар. Негаки, миср товарларининг нархи икки баробарга ортган, ўзларида ишлаб чиқилган товарларнинг нархи эса ўз ўрнида қолган. Шундай қилиб, пул чиқарган давлатда товарлар нархлари ўзгариши билан алмашилиш нархи ҳам ўзгариб бораверади. Масалан, бир мамлакатда пул кўпайганлиги сабабли нархлар кўтарилиб кетса, алмашилиш баҳоси ўзгармай иложи йўқ. Нархлар ортиб кетган давлат валютасининг ташқи қиймати пасайиб кетади.

Бир давлат пули билан чет эл валюталари ўртасидаги алмашилиш нархлари чет эл валюталарининг ўзаро алмашилиш нархлари ўртасидаги алоқа билан ёнма-ён юради. Масалан, Ирок динори юз Эрон риёлига ёки икки юз Италия лирасига ёки тўрт юз Франция франкига тўғри келса, шу чет эл валюталари ўртасидаги алмашилиш баҳолари Эронда ҳам шундай бўлади. бир Эрон риёли = икки Италия лираси ёки тўрт Франция франки. Италияда ҳам ҳолат шундай бўлади. Бир Италия лираси = икки Франция франки ёки ярим Эрон риёли. Ҳар бир давлат ўз пулининг чет элдаги баҳосини нархлар даражаси ўзгартиришига қўйиб бериб, халқаро тижорат ҳаракатига ҳамда ажнабий пулнинг маҳаллий пулга ёки маҳаллий пулнинг ажнабий пулга алмашилишига қаттиқ тўсқинлик қилмагандагина шундай ҳолат рўй беради. Бироқ айрим давлатлар нархлар кўтарилганига қарамасдан ўз пулининг хориждаги нархини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Бу ишни чет эл товарларини импортга олувчиларнинг талабини чеклаш воситасида, масалан, импортга руҳсатни озайтириш йўли билан амалга оширадилар. Бундай пайтда турли хил мамлакатларда алмашилиш нархлари ўртасидаги мутаносиблик бузилади. Бу бузилиш айрим давлатлар чет эл пулларининг жараёнларига қаттиқ тўсқинлик кўрсатган пайтдагина юз беради. Негаки, у тўсқинлик қилмаса, савдогар пул алмаштиришдан фойда кўриши мумкин. Одамлар бу ишга муккасидан кетадилар. Натижада ҳар хил алмашилиш нархлари ўртасидаги мутаносиблик қайта тикланади. Алмашилиш муносабатларига нисбатан қилинган бундай тўсқинликларнинг кўпгина мамлакатларда уруш йиллари ва иқтисодий кризис пайтларида бўлиши маълум ва машҳурдир. Бидамизки, бундай вақтларда пулга оид муносабатларини чеклаб қўйган давлат пулининг нархи бошқа давлатдаги пулга оид низомларга қараб бошқаларникидан фарқ қилади. Масалан, қайси бир давлатда бир хил алмашилиш баҳоси низоми қўлланса, ўз пули билан мазкур давлат пули ўртасидаги расмий алмашилиш нархи барқарорлашади. Негаки, марказий банк ҳам, руҳсат этилган бошқа банклар ҳам чет

эл валюталари операциялари билан шуғулланиши ҳуқуқига эга бўлиб, уларни барқарор нархда олиб, барқарор нархда сотадилар.

Бир хил алмашиниш нархи низомига амал қилмайдиган, марказий банки чет эл валюталарини белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини ўз зиммасига олмаган мамлакатларда чет эл валюталарининг нархлари таклиф ва талабга қараб, вақти-вақти билан ўзгариб туради. Таклиф ва талабга қараб, чет эл валюталари нархларининг ўзгариб туришига рухсат берувчи давлатларда алмашиниш низоми ўзгарувчан алмашиниш нархлари низоми дейилади. Ундаги алмашиниш нархлари у билан бошқа давлатлар ўртасидаги нархларнинг ўзгариб туришигагина қараб эмас, халқаро тижорат ҳаракатини чеклаш ёки қандайдир сабаб билан турли давлатларнинг савдо баланслари бузилишига қараб ҳам ўзгараверади. Айрим мамлакатларда ўзгарувчан алмашиниш нархлари низомига қонунан рухсат этилади. Масалан, Ливан ҳукумати таклиф ва талаб асосида кечадиган кундалик ўзгаришларга қараб, алмашиниш нархларининг ўзгаришларига рухсат беради. Айрим мамлакатларда эса ўзгарувчан алмашиниш нархлари низоми таъқиқланганига қарамадан шахслар ўртасида расмий нархларга мутлақо тўғри келмайдиган нархларда чет эл валюталари савдоси бўлаверади.

Дунёда мавжуд давлатлардаги алмашиниш ва алмашиниш нархи - мана шу. Бошқачароқ қилиб айтганда, алмашиниш ва алмашиниш нархининг воқеи мана шудир. Энди алмашиниш ва алмашиниш нархи хусусидаги шаръий ҳукмга келадиган бўлсак, олтинни маъданий низомга айлантирадим ёки ўз нархидаги олтин-кумуш муқобилига эга бўлган ўринбосар қоғоз пул қиладими, маъданий пулга ўзгармас аниқ белги берадим ёки йўқми Ислом давлати олтин низоми асосида юриши вожиб. Бу шаръий ҳукмдан бошқа бир неча шаръий ҳукмлар келиб чиқади. Давлатнинг ичида бир хил жинсли пуллар алмашинишда тенглик бўлиши шарт. Хорижда ҳам бир хил жинсли пуллар ўртасидаги алмашиниш мутлақо ўзгармайди. Шаръий ҳукм биттадир, ўзгармасдир. ҳар хил жинсли пулларни алмаштиришда эса тенглик ҳам, ортиқ-камлик ҳам бўлиши жоиз. Фақат қўлма-қўл бўлиши шарт. Бу алмашиниш давлат ичкарисида юз берадим, хориждами, фарқи йўқ. Чунки шаръий ҳукм биттадир, ўзгармасдир. Олтин билан кумушни алмаштириш қўлма-қўл бўлиши шарт билан ичқарида ортиқ-кам бўлиши жоиз бўлганидек, хорижда ҳам жоиздир. Ислом давлатининг пули билан бошқа давлатларнинг маъданий ва ўринбосар қоғоз пуллари ўртасидаги алмашинишда ҳам шундай ҳолат юз беради. Уларда ҳам ҳар хил

жинсли пулларни алмаштиришда ортиқ-камлик бўлиши жоиз. Фақат қўлма-қўл бўлиши шарт. Бир хил жинсли пулларда эса ортиқ-камлик бўлиши мумкин эмас, тенглик бўлиши лозим. Чунки бир хил жинсли пуллардаги ортиқ-камлик рибодир. Рибо шаръан харомдир.

Аммо қийматининг маълум бир қисмигина олтин билан таъминланадиган, яъни номинал қийматидан озроқ бўлган олтин билан таъминланадиган васиқа қоғоз пулларга келсак, уларнинг пуллик қиймати захирадаги ўша олтин миқдори қанча бўлса, ўшанча бўлади. Бизнинг Исломиё пулимизга ҳам шу эътибор билан алмаштирилади. Шу эътибор ва шу миқдор билан олтин ва кумуш ўртасидаги алмашинишнинг маъданий пул борасидаги ҳукмини олади.

Мажбурий қоғоз пуллар, яъни олтин ва кумушдан ўринбосар бўлмаган ва уларга суюнмайдиган пуллар турли хил пуллар ҳукмини олиб, алмашинишда тенглик бўлиши ҳам, ортиқ-камлик бўлиши ҳам жоиз. Фақат қўлма-қўл бўлиши шарт.

Шунга асосан Исломиё Давлат пули билан бошқа давлатлар пуллари ўртасида алмашиниш бўлиши жоиз. Алмашинишда ортиқ-камлик бўлиши ҳам мумкин. Чунки улар турли жинсдаги пуллардир. Фақат олтин ва кумушга нисбатан қўлма-қўл бўлиши шарт.

Олтин билан кумушни алмаштириш нисбати ёки улар ўртасидаги алмашиниш баҳоси батамом барқарор эмас. Олтин-кумуш бозоридаги нархга қараб ўзгариб туради. Ичкаридаги алмашиниш бўладими, хориждаги бўладими, фарқи йўқ. Шунингдек, Исломиё Давлат пули билан бошқа давлатлар пуллари ўртасидаги алмашиниш нархи ҳам ўзгариб туриши мумкин. Лекин бу нарса қуйидаги икки сабабга қўра, исломиё давлатга таъсир кўрсатолмайди:

Биринчидан, Исломиё Давлатда уммат ва давлат учун керакли бўлган барча хом-ашёлар етарли бўлади. У бошқаларнинг товарларига муҳтож бўлмайди. Ўзининг маҳаллий товари билан кифояланганидан кейин баҳонинг ўзгариши унга таъсир қилмайди.

Иккинчидан, Исломиё диёрлар бугун дунё давлатлари муҳтож бўладиган нефт каби табиий бойликларга эга. Пулини олтин билан тўламагунларича сотувни тўхтатиб қўйишга қодир. Ўзининг маҳаллий товари билан бошқалардан беҳожат бўладиган ҳамда ҳамма одамларга керакли товарга эга бўлган давлатга алмашиниш нархи ўзгариб туришининг таъсир қилиши мутлақо мумкин эмас.

Аксинча, дунё пул бозорларига унинг ўзи хукмронлик қилади. Ҳеч ким унинг пулига ҳукмини ўтказолмайди.

ТАШҚИ ТИЖОРАТ

Савдодаги бевосита товар айирбошлаш пул воситасида айирбошлашга ўтилганидан кейин шахслар ўртасидаги тижорий фаолият ҳам, ишнинг битта мамлакатдаги шахслар ўртасида ҳамда турли мамлакатлардаги миллат ва элатлар ўртасида тақсимланиши ҳам ортиб кетди. Шундай қилиб шахснинг ўзи учун яшаши, ҳар бир миллат ва элатнинг бошқалардан айри ҳолда кун кечириши даври ниҳояланиб, ички ва ташқи тижорат дунёдаги ҳаёт тақозоларидан бирига айланди.

Ички тижорат билан ташқи тижорат ўртасидаги фарқ шундаки, ички тижорат билан уммат вакиллари ўртасидаги савдо жараёнлари бўлиб, уларга фақиҳлар айтиб кетган савдо хусусидаги ҳукмлар тўғри келади. Уларни давлат тарафидан назорат қилиб туриш шарт эмас. Фақат уйланиш ва ижарага ўхшаш муносабатлардаги жараёнлар каби умумий тарзда, яъни савдо ҳақидаги исломий ҳукмларга бўйсунилмаганими, йўқми, шу жиҳатигина назорат қилиниши мумкин. Ташқи тижорат эса бир давлат фуқаролари ўртасидаги эмас, давлатлар ўртасидаги ёки турли давлатлар фуқаролари ўртасидаги савдо жараёнлари бўлиб, давлатлар ўртасидаги муносабатга қараб бошқарилади.

Шунга кўра давлат айрим товарларни четга чиқаришни тақиқлаш, айримларига руҳсат бериш, аҳли ҳарб ва аҳли аҳд савдогарлар билан қандай муносабатда бўлиш, бир сўз билан айтганда, бутун тижоратни назорат қилиб туради. У ўз фуқароси бўлмаган савдогарларни назорат қилади. Ўз фуқароларини эса ташқи тижоратда ҳам, ички тижоратда ҳам кузатиб туради, холос. Чунки улар ички муносабатга алоқадор шахслардир.

Ташқи тижорат давлатлар ўртасида бўлиб, савдогарлар воситасида амалга ошади. Масалан, бир киши тижорат мақсадида бошқа юртга бориб, у ердан товар сотиб олиб, ўз юртига олиб келиб сотади. Ёки юридан товар олиб бориб сотади-да, унинг пулини ё ўрнига бошқа бир товарни олиб келади. Ҳамма ҳолатларда бу тижоратни давлатнинг ўзи тартибга солиб, назорат қилиб туради. Бунинг учун давлат чегараларида марказлар ташкил қилинади. Уларни фақиҳлар, чегара қўшинлари, деб номлайдилар. Чунки Халифанинг чегарада кофирлар юртига ўтаётган савдогарларни текширувчи қўшинлари бўлиши лозим. Улар мамлакатга кираётган ёки ундан чиқаётган тижоратни, яъни савдогарларни бевосита назорат қиладилар. Демак, тижорат низомини тузувчи ва чегарадаги марказлар воситасида уни ижро этувчи, бошқачароқ қилиб айтганда, чегараларда шахслар ва

товарларнинг мамлакатга кириш-чиқишларини тартибга солиб, назорат қилиб турувчи давлатнинг ўзидир.

Шаръий ҳукм Қонун Чикарувчининг бандаларнинг ишларига алоқадор хитоби бўлганидан кейин ташқи тижоратга алоқадор шаръий ҳукмлар ҳам шахслар ҳақида нозил бўлган. Ҳукмнинг молга алоқадор бўлиши молнинг маълум бир шахс мулки эканлиги жиҳатидандир. Шунга кўра тижорат ҳукмларида эътибор молнинг турига эмас, савдогарларга қаратилади. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ташқи тижоратга алоқадор ҳукмлар шахсларга тааллуқдир, яъни, Оллоҳнинг шахслар ва улар эгаллик қилаётган моллар ҳақидаги ҳукмидир.

Шунга кўра, ташқи тижорат ҳукмлари тижоратга ҳам, унинг келиб чиқиш манбаига ҳам эмас, савдогарга алоқадордир. Чунки мол ҳукмлари мол эгасига тобе бўлиб, унинг ҳукмини олади, демак, молга алоқадор ҳукм унинг эгасига ҳам алоқадордир. Капиталистик тузумда эса ташқи тижорат ҳукми мол эгасига эмас, унинг ўзига алоқадордир. У молга савдогар жиҳатидан эмас, молнинг келиб чиқиш жиҳатидан қарайди. Исломий қараш билан капиталистик қараш ўртасидаги фарқ - мана шу. Капитализм эътиборни молга қаратса, Ислом унинг эгасига қаратади. Тўғри, тижоратнинг тақиқланиши ёки рухсат этилишига мол турининг ҳам таъсири бўлади. Лекин бу иш молнинг келиб чиқиш жиҳатига эмас, зарарлиги ёки фойдалилиги жиҳатига алоқадордир. Ҳукм эса тижоратга эмас, унинг эгасига, яъни савдогарга тегишлидир. Исломий давлатга кириб чиқадиган савдогарлар уч тоифага бўлинадилар: Мусулмон ёки зиммий бўлишидан қатъий назар давлат фуқаролари, аҳли аҳдлар ва аҳли ҳарблар.

Исломий давлат фуқароларининг аҳли ҳарбларга уларнинг ҳарбий қувватини оширадиган қурол-аслаҳа каби нарсаларни олиб боришлари жоиз эмас. Яъни уларга юртдан урушда қўлланадиган стратегик ашёларни олиб чиқиш ҳаромдир. Чунки бу иш мусулмонларга қарши душманни қўллаш бўлиши мумкин. У гуноҳ ишга ёрдам бериш ҳисобланади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ﴾

– „Гуноҳ йўлида ҳамкорлик қилманг!“

[5:2]

Шунинг учун бу нарсаларни Ислом диёридан олиб чиқишга мусулмоннинг ҳам, зиммийнинг ҳам ҳаққи йўқ. Агар уларни олиб чиқиш мусулмонларга қарши аҳли ҳарбни қўллаш ҳисобланса, албатта мумкин эмас. Ҳисобланмаса, бу ишни қилиш мумкин. Ундан бошқа кийим-кечак, мато каби товарларни олиб бориш жоиз. **Чунки Пайғамбар Сумомага аҳли ҳарб ҳолидаги Макка аҳлини озик-**

овқат билан таҳминлашни буюрганлар. Негаки, бу ишда аҳли харбга ёрдам бериш, уни қўллаш деган маъно йўқ. Бундан ташқари мусулмон савдогарлар саҳобалар замонида тижорат учун дорулхарбга кирардилар. Бу иш саҳобаларнинг кўз ўнгида рўй берарди. Ҳеч ким уни рад қилмади. Агар ножоиз иш бўлганида саҳобалар жим турмасдилар. Уларнинг билиб туриб жим туришлари сукутий ижмоъдир. Демак, мусулмон ва аҳли зимма савдогарлар озиқ-овқат ва матоларни тижорат учун хорижга олиб боришлари жоиз. Фақат ноёблиги туфайли фуқароларнинг ўзига етишмаётган нарсаларни олиб чиқиш тақиқланади.

Юқорида айтганларимиз ҳукман дорул-харб билан бўладиган тижоратга алоқадордир. Агар Исроил каби амалда дорул-харб бўлса, у билан тижорат қилиш қуролда ҳам, озиқ-овқатда ҳам, бошқада ҳам мутлақо, жоиз эмас. Чунки бу иш мусулмонларга қарши кофирни қўллаш ҳамда гуноҳ ва тажовузкорликка ёрдам бериш ҳисобланади. Шунинг учун бу иш тақиқланади.

Булар мамлакатдан товар олиб чиқишга нисбатан айтилган гаплардир. Товар олиб киришга нисбатан эса Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ﴾

– „Оллоҳ савдони ҳалол қилди“, [2:275]

деган ояти бўлиб, у умумийликни ифодалайди ва ички тижоратни ҳам, ташқи тижоратни ҳам ўз ичига олади. Мусулмон ёки зиммийни юртга мол олиб киришдан тақиқловчи ҳужжат ворид бўлмагани боис, бу ишнинг ҳалоллиги хусусидаги ҳужжат умумийлигича қолади. Шунга биноан мусулмоннинг юртга мусулмон эгалик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай молни олиб киришга ҳаққи бор. Унга тўсқинлик қилиш дуруст эмас.

Аҳли аҳдлар билан ташқи тижоратда мамлакатдан товар олиб чиқиб кетишлари ёки олиб киришларидан қатъий назар, улар билан тузилган битимларга қараб муомала қилинади. Уларнинг қурол ва уруш учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олишларига, сотиб олган бўлсалар юртимиздан олиб чиқиб кетишларига йўл қўйилмайди. Чунки бу нарса уларга ёрдам бериш ҳисобланади. Зеро, улар гарчи аҳли аҳд бўлса ҳам, аҳли харбга айланишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Лекин уларни хавф сололмайдиган ва уларга ёрдам бериш ҳисобланмайдиган бирон муайян қурол билан қуроллантиришда мусулмонлар учун манфаат бўлса, бундай савдо билан шуғулланиш жоиздир. Чунки қурол ва урушда ёрдами тегадиган нарсалар савдоси ман қилинишининг илллати душманга кўмак ва ёрдам бермасликдир. Иллат топилмаса, ҳукм ҳам топилмайди.

Ўртамизда аҳднома тузилмаган ва исломий давлат фуқаролари бўлмаган кимсалар аҳли ҳарб (уруш ҳолатидаги кимса)лардир. Ўртадаги уруш давом этаётган бўладими, тўхтаб турган бўладими, фарқи йўқ. Ўртада уруш кетаётган бўлса, худди жанг майдонидаги каби, омонлик берилмаган аҳли ҳарбни кўрган жойимизда асир олишимиз ёки ўлдириб, мол дунёсини тортиб олишимиз мумкин. Агар уруш тўхтаб турган бўлса, то диёримизга омонлик олмасдан кирмагунига қадар бундай қилиш дуруст эмас. Ўзи ёки моли киришининг фарқи йўқ. Ўзи ҳам, моли ҳам аҳли ҳарб ҳисобланади. Сотувчи ёки харидор бўлишдан қатъий назар, аҳли ҳарб савдогарлар билан шу асосда муомала қилинади. Улар хусусидаги шаръий ҳукм куйидагича бўлади:

Аҳли ҳарбнинг Исломи диёрига омонликсиз, яъни махсус рухсатномасиз кириши жоиз эмас. Омонлик берилиши киришига рухсат этилишидир. Агар таомилда савдогарларнинг омонликсиз ҳам киришларига рухсат этилган бўлса ва бир аҳли ҳарб товари сотиш учун Исломи диёрига кирса, унга қаршилик қилинмайди. Фақат моли учун улар бизнинг савдогарларимиздан қанча ўлпон олсалар, ўшанча ўлпон олинади, холос. Одатда, таомилда чегарага яқин жойларда яшовчи шахсларга омонликсиз ҳам савдо-сотик учун киришга рухсат этилади. Агар таомилда савдогарларнинг киришларига рухсат этилмаган бўлса ёки рухсат этилганда ҳам аҳли ҳарб тижоратдан бошқа мақсадда кирган бўлса, унга нисбатан аҳли ҳарб сифатида муомала қилинади. Жони ҳам, моли ҳам ҳимоя қилинмайди. Агарчи омонлик сўраб келгандим, деса ҳам қабул қилинмайди. Негаки, аҳли ҳарб бизнинг диёримизда жони ва молини сақлаб туриши учун омонлик олган бўлиши шарт. Савдогарлар борасида жорий қилинган таомил омонлик ўрнига ўтади. Аҳли ҳарбнинг ўзига берилган омонлик унинг молига ҳам берилган омонлик ҳисобланади. Диёрларимизда яшаётган аҳли ҳарб дорул-ҳарбга қайтмоқчи бўлиб, молини бир мусулмон ёки зиммийга омонат қолдирса ё қарзга берса, унинг мақсадига қараб иш тутилади. Агар мақсади савдогарлик, элчилик, саёҳат каби ишларни бажариб, Исломи диёрига қайтиш бўлса, ўзига ва молига олган омонлиги ўз кучида туради. Негаки, Исломи диёрида яшаш нияти тургани ҳолда дорул-ҳарбга борган аҳли ҳарбнинг ҳукми дорул-ҳарбга борган зиммийнинг ҳукми кабилар. Модомики, нияти Исломи диёрига қайтиш экан, дорул-ҳарбга бориши омонлигини бекор қилмайди. Агар дорул-ҳарбга боришдан мақсади ўша ерда яшаш бўлса, ўзи учун олган омонлиги мутлақо бекор қилинади. Диёримизга қайта кирмоқчи бўлса, янги омонлик олиши керак бўлади. Исломи диёридаги бирор мусулмон ёки зиммийга омонат қолдирган молининг

омонлиги эса ўз кучида қолади. Чунки у Ислом диёрига кириш билан ўзи учун ҳам, моли учун ҳам омонлик олган. Моли диёрларимизда қолиб, дорул-ҳарбга кетгач, ўзи дорул-ҳарбга кетгани учун омонлиги бекор қилиниб, моли дорул-Исломда қолганлиги учун омонлиги ўз кучида қолади. Агар ўлса, бу мол меросхўрига ўтади. Негаки омонлик молга алоқадор ҳақдир. Мол меросхўрга ўтгач, омонлик ҳуқуқи ҳам ўтади. Агар аҳли ҳарб молини ҳам ўзи билан олиб кетган бўлса, ўзининг ҳам, молининг ҳам омонлиги бекор қилинади.

Хулоса шуки, аҳли ҳарбнинг тижорати диёримизга эгасининг омонлигисиз кириши мумкин эмас. Мол эгасининг омонлиги молининг ҳам омонлигидир. Агар аҳли ҳарб ўзи кирмасдан тижоратини келтирмоқчи бўлса, унинг тижоратига омонлик берилиши ҳам, берилмаслиги ҳам мумкин. Негаки гоҳида молнинг омонлиги жоннинг омонлигидан алоҳида бўлади. Агар аҳли ҳарб диёримизга кириб, ўзига омонлик олса, бу омонлик унинг олиб кирган молига ҳам тегишлидир. Олиб қирилмаган молига эса тегишли эмас. Ислом диёридан чиқаётиб, молини қолдирса, молининг омонлиги ўз кучида қолади, ўзининг омонлиги бекор қилинади. Шунга кўра, халифанинг аҳли ҳарбнинг ўзига эмас, молига омонлик бериши ҳам жоиз. Молига омонлик берилган аҳли ҳарб вакили ёки ижарачиси орқали тижоратини юбориши мумкин. Шулардан кўриниб турибдики, юртимизга кириш учун аҳли ҳарбга омонлик қандай зарур бўлса, унинг молига ҳам шундай зарур. Демак, ташқи тижоратнинг Ислом диёрига кириши учун омонлик, яъни давлатдан рухсат бўлиши шарт. Агар унга давлат рухсат берса, уни бошқа фуқароларнинг моллари каби ҳимоя қилиши лозим бўлади. Агар мол омонликсиз, яъни рухсатсиз кирса, давлатнинг уни эгаллаб олишга ҳаққи бор. Тижорат аҳли ҳарб савдогарларнинг мулки бўлганда шундай қилинади. Агар уни исломий давлат фуқароларидан бири бўлган мусулмон ёки зиммий сотиб олиб, юртимизга олиб кирмоқчи бўлса, ҳеч қандай рухсатноманинг ҳожати бўлмайди. Фақат савдо битимининг ҳамма жиҳатлари поёнига етган бўлиши шарт. Ҳозирги кунги тижоратда юз бераётганидек, поёнига етмаган бўлса, савдогар то юкланган товарнинг хужжатларини олмагунига қадар харид қилган бўлсаю, лекин қўлга тўлиқ олмаган бўлса, масъул ҳисобланмайди. Шундай бўлгач, у аҳли ҳарбнинг тижорати ҳисобланиб, уни юртга олиб кириш учун омонлик, яъни рухсат олиш лозим бўлади. Агар товар корхонадан чиқиши ёки юкланишининг ўзи билан харидорнинг қўлига ўтган ҳисобланса, у мусулмон ёки зиммийнинг тижорати, деб ҳисобланади. Агар юртимизга кираётганидагина харидорнинг қўлига ўтган ҳисобланса, у аҳли ҳарб тижорати ҳисобланади.

Юқорида айтганларимиз аҳли ҳарб савдогарнинг ёки тижоратининг юртимизга кириши хусусидаги гаплардир. Энди аҳли ҳарб тижоратининг юртимиздан чиқиши, яъни аҳли ҳарбнинг биздан товар сотиб олиб, олиб чиқиб кетиши ҳақида тўхталамиз. Агар товар қуроли каби урушга керакли стратегик ашё бўлса, уни сотиб олиши ҳам, олиб чиқиб кетиши ҳам тақиқланади. Сотиб олган тақдирда ҳам олиб чиқиб кетишига йўл қўйилмайди. Озиқ-овқат, мато каби ашёларни эса омонлик олган аҳли ҳарб сотиб олиши ва олиб чиқиб кетиши мумкин. Фақат камёблиги туфайли фуқароларнинг ўзига зарур бўлмаслиги шарт. Бундай нарсаларни юртимиздан олиб чиқиш фуқароларнинг ўзига зарур бўлгани сабабли аҳли ҳарбга ҳам, мусулмон билан зиммийга ҳам бирдек тақиқланади.

Савдогарлар ва тижоратнинг Исломи дёрига кириб чиқиши хусусидаги гаплар мана шулардир. Энди уларга солинадиган ўлпонлар тўғрисида тўхталамиз. Бу борадаги шаръий ҳукм тижорат эмас, савдогарларга қараб ўзгаради. Негаки, Исломи тижоратга мол экани ёки келиб чиқиши жиҳатидан эмас, шахснинг мулки экани жиҳатидан назар ташлайди. Шунинг учун ҳам унинг устидан чиқариладиган ҳукм тижоратнинг келиб чиқиши ва туридан қатъий назар савдогарларга қараб ўзгаради. Агар савдогарлар исломий давлат фуқароси бўлса, мусулмон бўладими, зиммий бўладими, унинг тижоратига мутлақо солиқ солинмайди. Дорамий, Аҳмад ва Абу Убайд Уқба ибн Омирдан ривоят қилишича, Пайғамбар:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ صَاحِبُ مَكْسٍ»

«Солиқ йиғувчи жаннатга кирмайди», деганлар. Абу Муҳаммад, солиқ йиғувчидан мурод ашшор, деганлар. Хориждан келаётган тижорат учун солиқ олувчи ашшор дейилади. Муслим ибн Мусбеҳ ривоят қилади: «Ибн Умардан, Умарнинг мусулмонлардан ҳеч солиқ олганини биласанми, деб сўраган эдим, у, йўқ, билмадим, деб жавоб берди». Иброҳим ибн Муҳожир Зиёд ибн Ҳадирдан ривоят қилади: «Исломида биринчи солиқ олган солиқчи менман. Мен ундан, кимдан солиқ олардинглар, деб сўрадим. У, мусулмондан ҳам, аҳли аҳддан ҳам солиқ олмас эдик, бану Тағлибнинг насороларидан олардик, деб жавоб берди». Абдурахмон ибн Маъқал айтади: Зиёд ибн Ҳадирдан, кимдан солиқ олардинглар, деб сўраган эдим, у: «Мусулмондан ҳам, аҳли аҳддан ҳам солиқ олмасдик, деб жавоб берди. Унда кимдан олардинглар, дегандим, аҳли ҳарб савдогарлардан уларнинг юртига борганимизда, биздан қанча солиқ олишса, биз ҳам шунча олардик, деди». Яъқуб ибн Абдурахмон Қоррий отасидан ривоят қилишича, Умар ибн Абдулазиз

Адий ибн Артаага шундай ёзади: «Одамлардан товонни ҳам, «дастурхон солиғи»ни ҳам, макс (солик)ни ҳам олиб ташла. У макс эмас, Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ﴾

– „Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар!“; [26:183]

деган оятидаги бахс (одамларни алдаш)нинг ўзидир. Ким сенга садақа (закот) олиб келса, уни қабул қил. Ким олиб келмаса, у билан Оллоҳнинг Ўзи ҳисоб-китоб қилади». Курайз ибн Сулаймон ривоят қилишича, Умар ибн Абдулазиз Абдуллоҳ ибн Авф Қоррийга шундай ёзади: «Отлан-да, Рафҳдаги божхона номли уйга бориб, уни буз, кейин денгизга олиб бориб, гумдон қил». Бу беш асарни Абу Убайд «Амвол» китобида ривоят қилиб, шундай дейди: «Ҳадисларда келтирилган солиқ, бож каби манфур, хунук ишлар аслида жоҳилиятда мавжуд бўлиб, араб ва ажам подшоҳлари уни олардилар. Уларнинг қонунларида молини олиб ўтаётган савдогардан солиқ олиш бор эди. Пайғамбар ﷺнинг Сақиф, Бахрайн, Довматул-Жандал ва бошқа диёрлардаги мусулмон бўлганларга ёзган мактублари буни кўрсатиб турибди.

﴿أَنَّهُمْ لَا يَخْشَوْنَ وَلَا يَعْشُرُونَ﴾

«Мусулмонлардан ўлпон ва бож олинмайди». Шундан бу иш жоҳилият қонунида бўлгани ва Оллоҳнинг Ўз Расули ва Ислоом орқали уни бекор қилганини билиб оламиз». Яъни жоҳилият қонунида бож, солиқ олиш бўлган. Кейин Оллоҳ уни Ислоом билан бекор қилган.

Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган ҳадис ва икки Умар ﷺдан ривоят қилинган асарлар мусулмоннинг ҳам, зиммийнинг ҳам тижоратига ҳеч қандай солиқ солинмаслигига далолат қилади. Юртга товар олиб кирадими ёки ундан олиб чиқиб кетадими, фарқи йўқ. Умар ибн Хаттоб ﷺ шундай қилган. Мусулмон савдогарлардан ҳам зиммийлардан ҳам ҳеч қандай бож олмаган. Саҳобалар унинг бу ишига эътироз билдирмаганлар. Бу дегани, сукутий ижмоъ, яъни шаръий далил деганидир. Мамлакат чегарасидан кириб-чиқиб ўтаётган тижорат устидан олинадиган мол бож дейилади. Шу иш учун чегарада қурилган уй божхонадир. Чунки бож жоҳилият бозорларида товар сотувчилардан олинадиган ҳамда давлат хизматчилари савдо ёки шаҳарларга кириш пайтида муайян нарсалар устидан олган дирҳамлардир. Демак, у тижорат устидан олинмишгагина хосдир. Бож олишнинг тақиқланиши умумий маънода бўлиб, зиммийга ҳам, мусулмонга ҳам тегишлидир.

Абу Убайд «Амвол»да Ҳарб Сакофийдан, у эса бобосидан - онасининг отасидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ عَشُورٌ، إِنَّمَا الْعَشُورُ عَلَى الْيَهُودِ وَالنَّصَارَى»

«Солиқлар мусулмонларнинг эмас, яҳудий ва насронийларнинг бўйнидадир», деганлар. Бу ҳадис уч йўлдан ривоят қилинган бўлиб, иккитасида номаълумлик бор. Ҳарб ибн Убайдуллоҳ Сакофийнинг бобосидан - онасининг отасидан қилган ривояти хусусида эса ҳадис ровийлари ҳеч гап айтмаганлар. Бундан ташқари биронта ҳам мужтаҳид уни олмаган. Тижорат учун ҳеч нарса олинмаслиги хусусида гапирганлар ҳам, қирқдан бирни мусулмондан закот сифатидан олиш ва йигирмадан бирни зиммийдан сиёсат учун олиш борасида айтиб ўтганларнинг ҳам мазкур ҳадисни олганлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Агар уни саҳиҳ, деб билганларида уни далил қилган бўлар эдилар. Ҳеч ким бу ҳадисни, саҳиҳ, демаганлиги учун у олинмайди.

Яна бир ривоятда **Умар** ﷺ мусулмонлардан қирқдан бирни, зиммийлардан йигирмадан бирни, аҳли ҳарблардан эса ўндан бирни олар эди, дейилган. Буни савдо-сотикда мусулмон, зиммий ва аҳли ҳарбнинг ҳар бирига оид ҳукмга солиштириб кўриш лозим. Мусулмондан ҳам, зиммийдан ҳам тижорат учун бож олиш ҳаромлигига очиқ ҳадислар бор. Демак, Умар ﷺ мусулмондан закот олган. Аҳли ҳарбдан бизнинг савдогарлардан ўндан бирни олганлари учун у ҳам ўндан бирни олган. Саломга яраша алик қабилида иш тутган. Зиммийдан эса бож эмас, сулҳ битимида кўрсатилган миқдорни олган. Чунки Оллоҳ Таоло кофирларга фақат жизyani вожиб қилган. Агар битимда жизya билан йигирмадан бирни бериш ҳам кўрсатилган бўлса, уни олишга ҳақлидир. Зиммийлар билан жизyani хорларча тўлашлари борасида тўғри битим тузилгандан кейин - модомики бу битимга риоя қилар эканлар - уларнинг молидан бундан бошқасини олиш ҳалол бўлмайди. Абу Убайд айтади: **«Умарнинг зиммийлардан йигирмадан бирни олиши менда чигаллик туғдирди. Ахир улар мусулмон эмаски улардан закот олинса, аҳли ҳарб эмаски улардан биздан олганларидек улардан ҳам олинса, дер эдим. Буни билолмай юрдим-да, кейин унинг бу иши ҳақида ўйланиб, жон бошига солинадиган жизya ва ерга солинадиган хирождан ташқари шу ишга (яъни йигирмадан бирни олишга), битим тузганини билиб олдим»**.

Юқорида айтганларимиз мусулмон ёки зиммий хусусида айтилган гаплардир. Энди аҳли аҳд савдогар тўғрисидаги гапирадиган бўлсак, ундан битимда қанча кўрсатилган бўлса, ўшанча олинади. Агар

битимда у бождан озод қилинган бўлса, озод қилинади, маълум миқдор кўрсатилган бўлса, унга ўша татбиқ қилинади.

Аҳли ҳарб савдогарнинг ҳукми унинг давлати бизнинг савдогарларимиздан қанча олса, биз ҳам ундан ўшанча олишимиздир. Омонлик олган бир аҳли ҳарб савдогар юртимизга кирса ундан улар Ислом давлатининг мусулмон ёки зиммий савдогарларидан қанча бож олишса, ўшанча оламиз. Абу Мажлаз Лоҳиқ ибн Ҳамид ривоят қилади: **«Умар ﷺ га, аҳли ҳарб бизга келганида қанча оламиз, дейишганида, у, сизлар уларга борганингларда қанча олишарди, деб сўради. Улар, ўндан бирни, деб жавоб беришди. Шунда Умар, сизлар ҳам улардан ўшанча олинглар», деди. Ибн Қудума буни «Муғний»да айтиб ўтган. Зиёд ибн Ҳадир ривоят қилади: «... На мусулмондан ва на аҳли аҳдан солиқ олардик. Мен, унда кимдан солиқ олардинглар, деб сўрадим. У, аҳли ҳарб савдогарлардан, уларга борганимизда биздан бож олганлари сингари биз ҳам бож олардик», деди. Буни Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилган. Умарнинг бу ишини саҳобалар кўриб, эшитиб туриб, инкор қилмаганлар, эътироз билдирмаганлар. Шунга кўра, у ижмоъдир. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, аҳли ҳарб савдогарлардан бож олиш вожиб эмас, жоиз ишдир. Давлат улардан, умуман, бож олмаслиги ҳам, ёки уларнинг бизлардан олаётганига нисбатан озроқ миқдорда олиши ҳам мумкин, аммо улар олаётганидан кўпроқ миқдорда олиши асло дуруст эмас. Чунки бож олиш мол йиғиш эмас, муомаласига қараб муомала қилиш (саломга яраша алик) сиёсатидир. Бу ишда халифа мусулмонларнинг манфаатини кўзлаб иш тутлади. Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар отасидан ривоят қилади: **«Умар набатийлардан ёғ ва буғдой учун йигирмадан бирни оларди. Мақсад (бу махсулотларни) Мадинага кўпроқ келтириш эди. Пахтага оид нарсалардан эса ўндан бирни оларди».** Буни Абу Убайд «Амвол»да келтирган. Ўша пайтларда улар бизнинг савдогарларимиздан ўндан бирни олар эдилар. Шунга кўра, аҳли ҳарб савдоси учун олинадиган божнинг оз-кўп бўлиши ёки умуман олинмаслиги давлат манфаати тақозосига қараб бўлади. Фақат уларнинг бизлардан олаётганидан ошиб кетмаслиги лозим.**

Ташқи тижоратнинг воқеи

Халқаро тижоратнинг фойдаси жуда каттадир. Ундан катта миқдорда фойда олинади. Буюк давлатларнинг янги бозорлар очиш, эски бозорларини сақлаб қолиш йўлида кескин ва муросасиз талашиб-тортишаётганларига назар ташлаган одам унинг нечоғлик аҳамиятлилигини янада аниқроқ ҳис қилади. Улар бозорлари орқали товарларини сотадилар, ҳеч бир тўсқинликсиз хом-ашёларни импорт

қилиб оладилар. Халқаро тижоратнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос афзалликлари, ўзига хос натижалари бор. Уни бор қилиб турувчи асосий омил турли давлатлар ўртасидаги турли товарларнинг харажатларидаги фарқдир. Харажатлар нисбати ҳар хил бўлган пайтда халқаро тижоратнинг мавжуд бўлиши давлатлар учун фойдалидир.

Савдо баланси

Савдо баланси кўзда тутилган экспортлар билан импортлар қийматларини солиштиришдир. Бир паллага экспортлар қийматини кўйиб, иккинчи паллага импортлар қийматини кўйсақ, савдо баланси (тарозиси) келиб чиқади. Агар экспортлар қиймати импортлар қийматидан оғир келса, демак, баланс бизнинг фойдамызга бўлади. Чунки давлатлар экспортларимиз билан импортларимиз қиймати ўртасидаги фарқ миқдорича биздан қарздор бўладилар. Натижада товар сотиб олиш учун чет элнинг бизнинг пулимизга бўлган талаби бизнинг уларнинг пулига бўлган талабимиздан ортиб кетади. Шунини ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, савдо баланси ички иқтисод хусусида тўғри тасаввурни бермайди. Чунки ички қирим ташқи тижорат фойдалари билан чекланмайди. Унинг ўзига хос бошқа қиримлари ҳам борки, улар ички даромад ҳисобланади. Лекин савдо баланси ташқи тижоратимиз тўғрисида тўғри тасаввурни беради. Давлатнинг бошқа мақсадлари бўлмагандагина савдо балансини ушлаб қолишга қаттиқ турилади. Агар давлатнинг мафкурага, даъватга, саноатни юксалтиришга, турмуш даражасини кўтаришга, халқаро майдондаги мавқеини ушлаб қолишга, савдо соҳасида алоқа қилаётган бошқа давлатнинг биз истаган позициясини эгаллашга алоқадор мақсадлари бўлса, савдо баланси шу мақсадлар йўлида қурбон қилинади. Зеро, тижоратдан гарчи фойда кўзда тутилса ҳам, лекин айни пайтда ундан шахс эмас, давлат назарда тутилади. Шундай бўлгач, эътибор фойдадан аввал давлатнинг шаъни ва мақсадига қаратилади.

Давлатлар ўртасидаги пул муносабатлари

Ташқи тижорат давлатлар ўртасидаги пул муносабатларини юзага келтиради. Негаки, бир давлатдан товарини импорт қилиб олиш учун ўша давлатнинг пулини ёки ўша давлат қабул қилган пулни бериш лозим бўлади. Ўз навбатида сотаётган давлат ҳам товарини ўзининг пулига ёки ўзи хоҳлаган пулга сотади. Шу билан давлатлар ўртасида пул муносабатлари юзага келади.

Товарларни, яъни кўзга кўриниб турадиган импорт ва экспортларни айирбошладан ташқари хизматларни, яъни кўзга кўринмайдиган экспорт ва импортларни айирбошлаш ҳам бор. Улар: давлатлар ўртасидаги транспорт хизматлари, йўловчиларни ташиш, юкларни ортиш, халқаро почта, телеграф ва телефон ҳақлари, тижоратга оид

хизматлар, воситачи даллолларга тўланадиган ҳақлар ва саёҳат хизматлари каби ишлардир. Сайёҳ ўзга юртга борар экан, ўз даромадидан маълум миқдорни сарфлайди. Бораётган давлатида сарфлаши учун пулни ўз давлатидан олади? Сайёҳ ё ўзи борадиган давлат валютасидан муайян маблағни сарфлаш тўғрисида рухсат олиши керак, токи давлати ўшанинг ўрнини ўз валютасидан қопласин ёки бораётган давлатда қабул қилинган валюта тўғрисида рухсат олиши керак. Биз импортлар қийматини тўлаш учун миллий валютамизни чет эл валютасига алмаштирамиз ёки чет эл валютасини қўлга киритиш учун товаримизни чет эл валютасига сотамиз. Чунки давлат бошқа давлатлар билан тижорий ёки иқтисодий алоқа ўрнатиш учун чет эл валюталарига эга бўлиши зарур. Лекин тижорий ёки иқтисодий алоқа ўрнатаман, деб, ўз пулимизни беқарор қилиб қўйишимиз, ишончсизликка гирифтор қилишимиз тўғри эмас. Ташқи иқтисодий алоқаларда тижортга оид бўлсин, бошқа бўлсин, хукмронликни қўлдан бермасликка таянмоғимиз лозим. Ана шунда ҳам ўзимизнинг пулимизни сақлаб қоламиз ва ҳам керакли миқдордаги чет эл валюталарини қўлга киритамиз. Бунинг учун давлат қисқа муддатли ёки узоқ муддатли бўлишидан қатъий назар қарз олишдан сақланиши лозим. Чунки қарз олиш пул бозоримизни қалқитиб, пулимиз қийматининг тушиб кетишига сабаб бўлади.

Ташқи тижорат сиёсати

Ташқи тижорат давлатлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги тижорий алоқадир. Бошқачароқ қилиб айтганда, умматнинг тижоратга оид ишларини ташқи жиҳатдан бошқаришдир. Бу сиёсатнинг таянадиган муайян асослари бўлиши шарт. Умматларнинг ташқи тижоратга қарашлари ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарларига қараб, шунингдек, иқтисодий фойда кўришдаги ўз манфаатларига ёндашишларига қараб турлича бўлади. Ҳар бир уммат ўзининг хориж билан бўладиган алоқасини ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарига қараб белгилайди. Масалан, Совет иттифоқининг қулашидан сал аввалроқ 90-йилларнинг бошларидаги ташқи тижорат сиёсати социалистик назарияга асосланган эди. Улар иқтисодий фойдани ҳам назардан қочирмаганлари ҳолда товарларни мамлакатларга қараб ажратардилар. Чунончи, у Сурияни ўзича, социалистик назарияга яқинлаштиради, деган қараш билан унга қишлоқ хўжалик қурулларини, ўғитдориларни, пишлоқ, кийим каби истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи саноат анжомларини, ер ҳайдаш ускуналари қабиларни сотарди. Бирон товарни импорт қилмоқчи бўлишса, ишлаб чиқаришни оширадиган ва ўзларига зарур бўлган нарсаларнигина олиб келишарди. Англия каби капиталистик мамлакатларда эса бунинг акси

рўй беради. Улар моддий фойда ортидан кувиб, манфаатдорликни ташқи тижорат сиёсатининг асосига айлантириб, ҳамма халқлар ва умматларга ҳамма нарсани сотаварардилар. Иқтисодий фойда келтирса, бўлди эди. Американинг Россия ва Хитой билан қиладиган тижоратида маълум синфдаги товарлар билан чекланиб, бошқа турдаги товарлар тижоратини тақиқлаши эса ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарига қараб эмас, ҳарбий сиёсатига қараб бўлганди. Чунки у бу икки давлат билан амалда бўлмаса ҳам ҳукман урушаётган давлатлар, деган эътиборда муомала қиларди. Бундан бошқа соҳаларда Америкадаги тижорат сиёсати манфаатдорлик асосига қурилган. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, Ғарб иқтисодчилари ташқи тижоратга қарашда бир-бирларидан фарқланадилар. Уларнинг бу борада турлича йўналишлари бор. Қуйида уларнинг айримларини айтиб ўтамиз:

1. Айирбошлаш эркинлиги:

Айирбошлаш эркинлиги назарияси давлатлараро тижоратга оид айирбошлашларнинг ҳеч қандай чекловсиз, божхона солиғисиз, импортга қарши тўсқинликсиз жорий қилинишини тақозо этади. Бу маънода, яъни давлат назоратининг олиб ташланиши импорт ва экспорт ўртасидаги мувозанатни табиий қонунлар таъминлаб туради, деган эътибор билан импорт ва экспорт назорати чиқимларидан озод қилади.

Бу назария Исломга зиддир. Чунки ташқи тижорат давлатнинг бошқа давлатлар, халқлар, умматлар билан бўладиган алоқаларидан биридир. Бу алоқаларни давлат назорат қилади. Шахслараро, иқтисод ва тижоратга оид алоқалар бўлишидан қатъий назар уларни тартибга солиб турувчи ҳам, бевосита назорат қилувчи ҳам давлатнинг ўзидир. Шунинг учун айирбошлаш эркинлиги назариясини қабул қилиш мутлақо дуруст эмас. Чунки Ислом давлати айрим тижоратларнинг четга чиқишига рухсат берса, айримларини тақиқлайди. Гарчи ўз фуқароларининг ички-ташқи тижоратларида кўз-қулоқ бўлиб туришнинг ўзи билан кифояланса-да, аҳли ҳарб ва аҳли аҳд савдогарлари билан бўладиган муомалани ўзи белгилайди.

2. Тижоратга оид ҳимояланиш:

Тижоратга оид ҳимояланиш назарияси хориж билан айирбошлашларни мувозанатга келтириш учун давлатнинг аралашувини тақозо қилади. Ундан мақсад савдо балансига таъсир қилиш ва дефицитни қоплашдир. Негаки, импорт билан экспорт орасидаги мувозанат ўз-ўзидан юзага келмайди, дефицит ҳам ўз-ўзидан қопланмайди. Бунинг учун тижоратга оид ҳимояланиш бўлиши шарт. Шунга кўра, божхона солиқлари солинади, экспорт ва импорт чекланади.

Бу назария нуқсонлидир. Чунки унда давлат хориж билан айирбошлашларни мувозанатга келтириш ёки дефицитни қоплаш учунгина аралашади. Давлатнинг шу иш билангина чекланиши тўғри эмас. Ислон давлатининг аралашуви бошқа давлатлар билан саломга яраша алик қабалида иш тутиш, мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириши, молиявий фойдаларни тўқис қилиш, барқарор пуллар чиқариш ва ислоний даъват каби ишлар учун бўлади. Шунинг учун унинг аралашуви айирбошлашлар мувозанатини юзага келтириш ва дефицитни қоплаш билангина чекланиши дуруст эмас, балки давлат сиёсий, иқтисодий, тижорий мақсадларда ва ислоний даъватни олиб чиқиш учун аралашади.

3. Миллий иқтисод:

Миллий иқтисод назарияси оғир саноатлар назариясидан келиб чиққан «**ривожланишни химоялаш**» мафқурасига боғлиқдир. Миллий иқтисод назариётчиларининг қарашлари қуйидагича: Умнатнинг иқтисодий ривожланиши унга иқтисодий салтанат билан бирга сиёсий салтанатни ҳам беришни кўзлаши лозим; Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши уч босқични, яъни қишлоқ хўжалиги сўнг қишлоқ хўжалиги, саноат сўнг қишлоқ хўжалиги, саноат ва тижорат босқичларини босиб ўтади; Мамлакатлар то савдо флотига, мустамлакаларга, турли хил иқтидорли аҳолиларга эга бўлмагунларига қадар ҳақиқий салтанат соҳиби бўлолмайдилар; Ишлаб чиқарувчи кучлар билан иқтисодий ривожланиш сиёсий салтанатнинг асосий шarti сифатида ўзаро уйғун бўлиши шарт; Халқаро иқтисодий алоқалар рақобат эркинлигидан манфаатдор бўлса-да, рақобатчи давлатларнинг ҳар бири етук ривожланган бўлиши даркор; Ривожланишни янада ўстириш учун саноат химояланиши лозим; Зироатга эса химояланишнинг ҳожати йўқ; Унинг маҳсулотларини ҳеч бир чеклов ёки шартсиз экспорт қилиш мумкин; Уларнинг нархи эркин бозор шароитларига қараб, ўз ҳолига қўйиб берилади. Шунга кўра, миллий иқтисод назарияси моҳиятан саноатга оид назариядир. Унинг таълимоти бўйича, кучли бўлишга интилувчи умнатлар зироат босқичидан саноат босқичига ўтишлари лозим. Негаки, зироат босқичидаги мамлакатларда ишлаб чиқарувчи - ишчи кучларининг ҳамда табиий ашёлар - хом-ашёларнинг асосий қисми ишлатилмасдан бекор қолади. Шундай бўлгач, ишчи кучлар ва хом-ашёлардан фойдаланиш учун зироатнинг ёнига саноатни ҳам қўйиш керак. Ўзини фақат зироатга бағишлаган мамлакатлардаги иқтисодий имкониятлар ва турмуш даражаси ҳам зироат ва ҳам саноатни ушлаган мамлакатдагидек эмас. Демак, миллий иқтисод мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олиши учун зироат билан бирга

саноат ҳам бўлиши зарурлигини таъкидлайди. У саноатнинг тижоратга оид ҳимояланишини қабул қилиб, фақат саноатга оид экспорт ва импортларгагина керакли чекловлар тайинлайди. Зироатнинг эса эркин айирбошланишини қабул қилиб, уни ҳеч бир чекловсиз ўз холига кўяди.

Бу назария Исломга тўғри келмайди. Чунки хориж билан зироатга оид айирбошланишларни эркин кўйиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хориж билан бўладиган тижоратини давлат назорат қилмаслиги, деганидир. Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки давлат юртга кирадиган ва чиқадиган ҳар бир зироат, саноат ёки бошқа маҳсулотларни тартибга солиб, улардан айримларига рухсат беради, айримларини эса тақиқлайди. Айни пайтда у гарчи ўз фуқароларига нисбатан кўз-қулоқ бўлиб туриш билангина кифояланса-да, аҳли ҳарб ва аҳли аҳд савдогарлар ишини бевосита ўзи назорат қилади. Давлатнинг юрт манфаатини кўзлаб саноатни ривожлантириш учун саноат ишларига аралашувига келсак, у бу жиҳатдан Ислом буюрган фуқаролар ишини ғамхўрлик билан бошқаришдан бири ҳисобланади. Бирок бу иш фақат саноатни ривожлантиришгагина эмас, даъват манфаатига ҳам боғлиқдир. Шундан кўришиб турибдики, миллий иқтисод гарчи саноатнинг бир қисмига кирса-да, Ислом кўрсатган уммат ишларини бошқаришга ҳам дахлдордир. Лекин у даъват манфаатига боғланмагани учун бу борада Исломга зиддир. Зироатга мутлақ эркинлик бериб қўйганлиги учун бу назария бошдан-оёқ Исломга зиддир. Шунга кўра, мусулмонлар бу назарияни қабул қилмайдилар.

4. Автаркия сиёсати:

Автаркия сиёсати (бошқа давлатлар иқтисодига боғлиқ бўлмаган мустақил миллий хўжаликни вужудга келтиришга қаратилган сиёсат) маълум бир давлатнинг ўз-ўзи билан кифояланишга интилиб, бошқаларга муҳтож бўлмайдиган, экспорт ҳам, импорт ҳам қилмайдиган ёпиқ иқтисодий бирликни ташкил қилишидир. Унинг ғояси ҳимояланиш сиёсатидан ҳам ошиб тушади. Миллий иқтисоддан фарқланади. Эркин айирбошлаш назариясига тамоман зид.

Охирги икки жаҳон уруши оралиғида татбиқ этилган автаркия сиёсати икки шаклда: Экспансионистик (янги территорияларни босиб олишга интилиш) ва изоляционистик (... аралашмасликка оид) шаклларда намоён бўлди. Германия нацизми автаркия сиёсатини ушлаган мамлакат намунасига айланди. У Германиянинг бутун дунё айирбошлаш қоидаларига тўғри келмайдиган ички ва ташқи сиёсати туфайли юзага келган тадбирдан иборатдир. Автаркия сиёсати гарчи сиёсий мақсадларни кўзловчи тадбирлардан иборат бўлса-да, унинг

назариётчилари уни тузумнинг бир иқтисодий асоси, деб биладилар. У шундан иборатки, кимёвий ва бирламчи хом-ашёларга, техникага ва ишчи кучларига эга бўлган мамлакат яшашга ҳақли. Муҳими - тартибга солиш. Сармоя эса иккинчи даражада туради. Автаркия сиёсатини қўлловчи ҳукумат ўз олдига сиёсий мақсадни қўйиб, иқтисодий ва молиявий тартиботни унга бўйсундиради. Автаркия сиёсати ўз мақсадига эришиши, яъни ички иқтисодни ўзи билан ўзи кифоялана оладиган даражага етказиши учун кўпгина эҳтиёжларнинг баҳридан ўтишга тайёр туриши лозим. Негаки, автаркия сиёсати мамлакатнинг ҳамма эҳтиёжларини бекаму-кўст қондиришига йўл бермайди. Муҳими бу сиёсат ички иқтисодни шахс, уммат ва давлатнинг асосий эҳтиёжларини юксалиш йўлидан бора оладиган даражада етарли қондириш даражасига олиб чиқиши. Шунга кўра, автаркия сиёсати асосида юривчи давлат ташки тижоратда хом-ашёлар, бозорлар, ишчи кучлар, мутахассис кабиларни қўлга киритиш учун ўзига керакли давлатларни қандай қилиб бўлмасин қўшиб олиши даркор. Бу иш бирлашиш ёки савдо шартномалари тузиш орқали амалга ошади. Иқтисодий ҳудудларни бекор қилиш мамлакатларни қўшиб олиш демакдир, яъни у сиёсий ҳудудларни бекор қилиш демакдир. Чунки сиёсий ҳудудларни бекор қилмай туриб, иқтисодий ҳудудларни бекор қилиб бўлмайди. Ўзида етишмаётган маҳсулотларни қўлга киритиш учун керакли давлатларни қўшиб олишга қурби етмас экан, айрим эҳтиёжларини қондирмай туришга ҳамда асосий эҳтиёжларини қондирадиган нарсаларга муҳтож бўлмасликка ҳаракат қилишига тўғри келади. Чунки асосий бўлмаган эҳтиёжларни қондирадиган нарсаларнинг етишмаслигига чидаш мумкин бўлса ҳам, асосий эҳтиёжларни қондирадиган нарсаларнинг етишмаслигига чидаб бўлмайди.

Изоляционистик ва экспансионистик автаркия сиёсатининг қисқача тафсилоти мана шулардан иборат. Изоляционистик автаркияда асосий эҳтиёжлар етарли даражада қондирилади. Экспансионистик автаркияда эса асосий ёки камолий бўлишидан қатъий назар, керакли эҳтиёжларни тўла қондириш учун маълум территорияларни қўшиб олинади ёки улар билан шартнома тузилади. Автаркия сиёсатига назар ташлаган одам унинг тижорий ва иқтисодий ечим эмаслигини, балки давлат дуч келиши мумкин бўлган иқтисодий ёки тижорий қамалдан вақтинча муҳофаза қилиш чорасигина эканини англайди. Хуллас, у ташқи алоқаларнинг ечими эмас, ташқаридан иқтисодий ва тижорий қамал қилиш ҳужуми бўлиб қолган пайтда мамлакатни мудофаа этишдир. Демак, у ҳукмга эмас, услубга алоқадор ишдир. Шунинг учун у ҳақда шаръий ҳукм қандай бўлади, Исломга тўғри келадими,

йўқми, дейилмайди. Уни фақат қамал воқеи юзага келиб, асосий эҳтиёжларни қондириш учун мамлакат иқтисодиёти билан кифояланиш мумкин бўлган пайтдагина бир услуб сифатида қабул қилиш мумкин. Ундан бошқа пайтда қабул қилинмайди. Давлат, уммат ёки шахслар асосий эҳтиёжларни қондиришдан беҳожат бўлиши мумкин эмас. Демак, автаркия сиёсати манфаатларни бошқариш сирасига кириб, уни халифа назорат қилади. Унга эса ўзи муносиб ва мусулмонлар учун манфаатли, деб билган услубларни қўллаш ҳуқуқини шариат беради.

